

ЎТМИШГА НАЗАР

2 СОН, 3 ЖИЛД

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 2, ВЫПУСК 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 2, ISSUE 3



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазасва Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Бобожонова Дилором ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ФАЛАБАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	4
2.Ерметов Аваз ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ ХУСУСИДА (1946-1980 ЙИЛЛАР).....	12
3.Азизов Тухтамиш ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК: ЭКОЛОГИЯ СИЁСАТИНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД АЙРИМ ИЛМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР.....	20
4.Вахтийорзода Оудинhon O'ZBEKISTONDA GEOLOGIYA FANINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI (XX ASRNING 20-80-YILLARI).....	29
5.Илҳомов Зиёвутдин ХОРАЗМ ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИ ВА ЎТАМИШ ҲОЖИНИНГ ОҒЗАКИ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ.....	39
6.Отамуротова Робияжон, Матяқубов Тойиржон AMIR TEMUR DAVLAT BOSHQARUVINING O'ZBEKISTONDA O'RGANILISHIGA MULOHAZALAR.....	47
7.Тошов Камолиддин ФАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН МУНОСИБ ҲИССА.....	53
8.Темирова Машхура СОВЕТ ҲУКУМАТИ ДАВРИДА РАДИОНИНГ КОММУНИСТИК МАФКУРА ТАРҒИБОТИ ВОСИТАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ.....	59
9.Хидиров Фозил ЯНГИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.....	72
10.Усманова Зулфия, Тишабаева Лола XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА МАРФИЛОН ИПАКЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	79
11.Тошбоев Фурқат, Хамраев Ғайрат ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖИГА ДОИР (XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	85
12.Наимов Исмат АҲМАД ДОНИШНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА.....	92

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Бобожонова Дилором,
тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети, bobojonova@mail.ru

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

For citation: Bobojonova Dilorom. The contribution of the people of Uzbekistan in the victory of over fascism in the Second world war. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp. 4-11

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзбек халқи бошқа халқлар сингари, ҳатто улар қилаолмаган ишларни амалга ошириш билан муносиб ҳисса қўшганлиги масаласининг тарихий аспектини ёритган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, бағрикенглик, байналмилал дўстлик, фронт орти, тарихий хотира, сафарбарлик, ғалаба.

Бобожонова Дилором,
доктор исторических наук, профессор. Узбекский государственный
университет мировых языков, bobojonova@mail.ru

ВКЛАД НАРОДА УЗБЕКИСТАНА В ПОБЕДУ НАД ФАШИЗМОМ ВО ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор освящает вопросы достойного вклада народа Узбекистана, наряду с другими народами, в победу над фашизмом во второй мировой войне в историческом аспекте. Данный подход к этому вопросу послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным работам в международных научных кругах.

Ключевые слова: Вторая мировая война, толерантность, интернациональная дружба, тыл фронта, историческая память, мобилизация, победа.

Bobojonova Dilorom,
Doctor of Historical Sciences, professor. Uzbek State University of World
Languages, bobojonova@mail.ru

THE CONTRIBUTION OF THE PEOPLE OF UZBEKISTAN IN THE VICTORY OF OVER FASCISM IN THE SECOND WORLD WAR

ABSTRACT

In this article, the author highlights the worthy contribution of the people of Uzbekistan, along with other peoples, to the victory over fascism in World War II in a historical aspect. This approach to this issue will serve as additional material to previously published works in international scientific circles.

Index Terms: World War II, tolerance, international friendship, rear of the front, historical memory, mobilization, victory.

1. Долзарблиги:

Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида мислсиз жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшди. Фашизм бошлаган уруш ва у келтирган мудҳиш оқибатлар бир халқ ва бир мамлакатнинг бошига тушган офат бўлмай, умумжаҳон ҳаёти ва келажагини барбод этувчи даҳшатли ҳодиса эди. Халқларимизнинг фашизмга қарши 1418 кун давом этган қахрамонона кураш тарихи - бизнинг бебаҳо маънавий мулкимиз бўлиб, уни ўз хотирамиздан чиқариб ташлашга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ. Бу айниқса, шунинг учунки, "инсон хотира билан тирик, қадри билан улғу. Осмонимиз мусаффолиги, эл юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз даҳлсизлиги йўлида фашизмга қарши мардларча курашиб, Ватанига, халқига, Ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб мардлик намуналарини кўрсатган Ватан фидойилари хотирасини ёд этиб, эзгу ишларни давом эттириш халқимизга хос фазилатдир" [1]. Дарҳақиқат, буюк алломалар таъкидлаганидек, тарих сабоқ беради, тарих огоҳлантиради, тарих бизга донолик бағишлайди.

Иккинчи жаҳон уруши дунё тарихидаги энг мудҳиш оқибатлари билан, миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлган, юз минглаб болаларни етим қилган, шаҳар ва қишлоқларни буткур вайрон этган, умумбашарият бошига тушган офат, уларнинг ҳаёти ва келажагини барбод этувчи даҳшатли ҳодиса эди. Фашизмга қарши олиб борилган жаҳон урушида қозонилган ғалабадан кейинги ўтган 75 йиллик давр қисқа муддат, лекин унинг жароҳатлари ва оғир оқибатлари ҳеч қачон унутилмайди, бугунги авлодни уруш даҳшатларидан огоҳ этади.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда 1941-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлиги ижтимоий-сиёсий, маънавий жараёнларда бағрикенгликнинг ўрни, масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Энг даҳшатли бўлган Иккинчи жаҳон

уруши, унда миллионлаб халқларнинг душманга қарши мислсиз жасорат кўрсатиб, матонат билан қарши кураш олиб борганлиги, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортидаги қаҳрамонлиги ва фидойилиги тўғрисида, урушнинг оғир, синовли йилларидаги қийинчиликлар, унинг оқибатлари урушдан кейинги ўтган йиллар давомида хориж ва ўзбек тарихшунослигида батафсил ўрганилиб келинган. Жумладан, инсоният устидан энг реакцион кучларнинг жаҳонда ўз ҳукмронликларини ўрнатишга, ажал ва қуллик келтирувчи, жаҳондаги эришилган цивилизация ютуқларини барбод қилишга, инсон боласининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини топташга, шахс ор-номусини букишга қаратилган фашистик ҳаракатлар тўғрисида ва бу жараёнда халқимизнинг ҳам оғир синовларга берган бардоши, ғалабани қўлга киритишга қўшган муносиб ҳиссаси ва унга бўлган ишончига бағишланган кўплаб асарлар чоп этилди. Хусусан, ўнлаб йирик монографиялар, юзлаб тадқиқот ишлари, очерк ва мақолалар [2], шунингдек, уруш йиллари Ўзбекистонда раҳбарлик қилган арбоблардан У.Юсупов ва Й.Охунбобоевларнинг нутқ ва маърузалари киритилган асарларда кўрилади мавзуга доир энг қимматли фикрлар келтирилган [3]. Тарихчи олимлар, жумладан М.Йўлдошев, А.Зуфаров, М.Рубинштейн, Е.Тарле, М.Расулов ва бошқалар томонидан ҳам кўплаб уруш йиллари билан боғлиқ асарлар нашр этилди [4]. Кейинги даврларда ҳам ёзувчи, шоирлар, олимлар томонидан ўзбек халқининг фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшганлиги, ўз Ватанининг озодлигини сақлаб қолиш учун душман билан олиб борган қаҳрамонона курашлари ҳақида кўпгина асарлар яратилди. Шулар жумласидан, Т.Жўраев, Ф.Салахутдинов, М.Хасанов, М.Иосько, Х.Тожибоев, Л.Юсуповларнинг тадқиқот ишларинимисол тариқасида келтириш мумкин [5].

Иккинчи жаҳон уруши мавзуси ҳамisha тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Ўша ғоят оғир ва суронли даврда Ўзбекистон фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланди, бу ердаги саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ҳарбий соҳага мослаштирилиб, уларнинг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни тиклашда ўзбекистонликлар бор куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этганликлари бадиий ва илмий асарларда баён этилган. Афсуски, деб таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги "Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида, "Ўзбекистон халқининг бу қонли уруш даврида фронтда ва фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти, фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирадиган яхлит илмий-тарихий китоб ёки ҳужжатлар тўплами шу пайтга қадар яратилмаган [6]. Дарҳақиқат, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, унинг кучли ирода ва қаҳрамонлигини, ўша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялаш борасида бундай манбалар ғоят муҳим аҳамиятга эга экан, бу борадаги илмий изланишларни давом эттириш, яқин ўтмишда содир бўлган азоб-уқубатли уруш синовларининг оғир оқибатларидан ёш авлодни хабардор этиш, бугунги кундаги энг муҳим масалалардандир.

2019 йилнинг октябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини

муносиб нишонлаш тўғрисида" ги Қарорида айна шу масалалар бўйича аниқ вазибаларнинг белгилаб берилганлиги айна муддао бўлиб, унинг доирасида ҳам илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

3. Тадқиқот натижалари:

1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган ғалаба оламшумул тарихий аҳамиятга молик бўлган воқелик бўлиб, XX асрнинг энг унутилмас ва энг муҳим санаси сифатида эзгулик ва озодлик тантана қилган кун, халқлар фашизм қуллиги хавфидан батамом қутилган кун сифатида қолаверади. Бу кун 75 йилдир-ки, Ғалаба байрами, балки бу ғалабани қўлга киритишда иштирок этганларга бўлган эҳтиром айёми сифатида байрам қилиниб, нишонланиб келинмоқда. Урушдан кейинги ўтган 75 йил қисқа муддат, лекин унинг қолдирган жароҳатлари ҳеч қачон унутилмайди, инсонларни тинчликни сақлашга, унинг қадрига етишга, асраб-авайлашга даъват этади

Иккинчи жаҳон уруши йиллари мамлакат ичкарасида, фронтда ва душман босиб олган ҳудудларда халқлар ниҳоятда оғир синовларга бардошбердилар. Энг оғир ва мушкул бўлган шароитларда ҳам одамларнинг фидойилиги, ёвуз кучга қарши курашдаги ватанпарварлиги, душманга нисбатан муросасизлиги намоён бўлди. Гитлер Германиясини тор-мор қилишда ўзбек халқи ҳам ғалаба учун кўп бунёдкорлик ва жанговар меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшди.

Уруш йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи қисқа муддатларда армияга энг муҳим аслаҳалар етказиб берди, ғоят оғир ва суронли даврда фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси, қудратли таянч маскани ҳисобланди. Қисқа муддатларда Ўзбекистонга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни тиклаш, уларнинг ҳарбий соҳага мослаштирилиб, ишга туширилиши, республика иқтисодиётининг буткул ҳарбий изга солиниши, янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши, мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг юқори суръатлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг юксак масъулиятдан яққол далолат беради. Ўзбек халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди [7].

Фашистларнинг босқинчилик уруши ўзбек халқини ҳам катта синовлардан ўтказди. Уруш йилларида ўзбек халқи қардошлари олдидаги бурчини шараф билан адо этди. Урушнинг оловли ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчириб келтирилганларнинг 200 миндан ортиғи ёш болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўриб, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандлари қатори тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик фазилатларини намоёиш этди [8].

Худди фронтдаги сингари, мамлакат ичкарасида ҳам меҳнаткаш халқ ниҳоятда оғир синовларга дош берди. Ўзбек халқи ҳам даҳшатли урушнинг дастлабки кунлариданоқ барча халқлар билан бир тан, бир жон бўлиб фашизмга қарши курашга отланди. Жуда мушкул шароитларда, ниҳоятда хатарли ва қалтис дамлар бошланган кезларда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўзини сафарбар қилинган деб ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бу урушдаги иштироки қандай бўлган, деган савол туғилиши табиийдир. Фашизмга қарши курашнинг тақдири жанг майдонларининг ўзидагина ҳал бўлиб қолмади. Ғалабанинг ҳақиқий ижодкорларидан бўлган мамлакат ичкарасидаги меҳнаткашлар фашистлар

Германияси келтирган ғайриинсоний ва беҳисоб азобу уқубатларга, беадад мусибатларга ва қулфатларга қарши мислсиз мардлик, уюшқоқлик, буюк жасорат намуналарини кўрсатдилар. Ўзбекистон мудофаанинг моддий эҳтиёжини таъминлашда олдинги сафларда туриб, нимаики зарур бўлса, барчасини аямай сарфлади. Чунончи, уруш йилларида аҳоли томонидан мудофаа жамғармасига 649,9 миллион сўм нақд пул, 4 миллиард 226 миллион сўм заём пули, 52,9 килограмм олтин ва кумуш топширилди. Армияга 7 518 800 гимнастёрка, 2 636 700 пахталик, 2 221 200 этик ва қўнжли ботинка юборилди. Енгил саноат вазирлиги корхоналари томонидан фронтга 246 918 700 сўмлик маҳсулот жўнатилган [9]. Ишчилар, колхозчилар, олимлар, муҳандис-ходимлар ва барча меҳнаткашлар мисли кўрилмаган жангни ўзларининг фидокорона меҳнати билан ютиб чиқдилар.

Халқ хўжалигини қайта қуришга доир ташкилий ишни республика раҳбарлари бошқариб бордилар. Уруш даврининг энг мушкул, ҳаддан ташқари кескин шароитларида улар жавобгарликдан қўрқмай, энг мураккаб вазифаларни тезкорлик билан ва мустақил равишда ҳал қилиб бордилар. Республика раҳбарлари Марказнинг зўравонлигига қарамасдан халқ комиссарлари ва корхона директорларининг ҳуқуқларини кенгайтirdилар, бошқарув аппаратини қисқартirdилар. "Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!" деган шиор улкан бир мамлакатнинг ҳар бир кишиси каби республикаимиз меҳнаткаш халқи ҳаёти ва фаолиятининг ҳам асосий мазмунига айланди. Ғалабага тезроқ эришиш учун улар қўлларидан келган барча ишни фидойилик билан қилдилар.

Ишониб бўлмайдиган қандай қудратли куч ва энергия халқ хўжалигини қайта қуриб, ҳарбий изга туширди, мамлакатни ягона жанговар ҳарбий лагерга айлантirdи, душман босқинига дучор бўлган ҳудудлардаги кўплаб корхоналарнинг оғир ускуналарини Ўзбекистонга кўчириб келтириб, ғоят қисқа муддатларда янги жойларда ишлаб чиқаришни авж олдирди, ишлаб чиқарилаётган жанговар техниканинг нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам душманниқидан устунроқ бўлишини таъминлади? Зотан, деярли бутунлай ҳаммаси бўйсундирилган Европа саноати амалда фашистлар армияси, гитлерчилар ҳарбий машинаси учун ишлаётган эмасмиди?

1941 йилнинг июлдан ноябрь ойига қадар Ўзбекистонга 100 дан ортиқ, шундан 30 таси Украинадан, йирик саноат корхоналари кўчириб келтирилди. Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, "Ростсельмаш", "Красный Аксай", Сумск компрессор заводлари ва кўпгина корхоналар шулар жумласидандир. Уларни жойлаштириш учун турдош корхоналарга тегишли кенг майдон ажратилди. Бу корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароит билан бирга бу ердаги завод ва фабрикалар билан турдош ёки яқин эканлиги ҳисобга олинди [10].

Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида 500 минг нафардан ортиқ ватандошимиз ҳалок бўлди, уруш йилларида Ўзбекистонга бир миллион нафарга яқин киши РСФСР, Украина, Беларуссия, Молдавия ва бошқа жойлардан эвакуация қилинди. Улардан икки юз мингдан ортиқ ёш болалар бўлган. Уларга 135 000 кв. метрдан зиёд яшаш майдони ажратилиб, иш билан таъминланди. Ўзбекистон ҳудудига 113 та ҳарбий госпиталь жойлаштирилган бўлиб, уларга 750 дан ортиқ маҳаллий корхона, муассаса, колхоз ва совхозлар ҳомийлик қилди [11].

Фашистларнинг босқинчилик уруши ўзбек халқини ҳам катта синовдан ўтказди. Халқимиз уруш йилларида қардошлари олдидаги бурчни шараф билан адо этди. Жаҳон аҳли ҳали бундай бағрикенгликнинг, байналмилал дўстликнинг шоҳиди бўлмаган эди. Урушнинг ана шундай оғир синовли йилларида ўзбек халқи бошқа

халқлар сингари, ҳатто улар қилаолмаган ишларни амалга оширдилар. Ўз муҳтожликларига қарамасдан, ўзларига зарур нарсаларидан воз кечиб бўлса-да, уруш майдонларидан олиб келинган ота-онасиз, уй-жойсиз, қаровсиз етим қолган ёш болаларни ўзбек оилалари катта ғамхўрлик кўрсатиб, меҳрибонлик билан ўз фарзандларидек бағрилариغا, хонадонларига олдилар. Улар билан яхши муносабатда бўлиб, қийин шароит бўлишига қарамасдан уларга уйларидан жой бериб, боқиш ватарбиялашдек масъулиятли, лекин шарафли вазифани ҳам уддаладилар. Уларнинг бу ишлари жангда қон тўкиб кўрсатилган жасоратдан асло кам эмас. Ўзбек халқи жангга кетган турли миллат вакилларининг оилаларидан ҳам моддий ёрдамни аямади.

Бундан ташқари, ўзбек халқи вакилларининг талай қисми "Ишчи батальони"га - Россияга сафарбар қилинди. Уларнинг орасида 16 ёшдан ошган ва ҳунар билим юртини тамомлаган ёшлар ҳам бор эди. 1943 йилга тегишли архив маълумотларида кўрсатилишича, "Ишчи батальони"дагилар сони 155 минг кишидан иборат бўлган. Уларнинг ёши асосан 40-50 ва ундан ҳам ортиқроқ эди. Кўпчилиги қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, рус тилини билмаслиги ва совуқ ҳавога мослашмагани орқасида кўп қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечирган. Яшаш шароитларининг оғирлиги ва ўзларининг эскирган кийимларида ишлашлари оқибатида ниҳоятда азоб-уқубат чекканлар. "Ишчи батальони"даги кишилар Ўрол, Қарағанда, Куйбишев, Саратов, Горький, Омск, Новосибирск, Москва, Тула, Ярославль, Красноярск, Хабаровск, Кемерово, Челябинск, Свердловск, Пермь, Иркутск, Архангельск, Бошқирдистон, Татаристон, Удмуртия ва бошқа жойлардаги саноат корхоналари ва конларда ярим оч ҳолда меҳнат қилганлар [12]. Бундай тузилма иштирокчиларининг барчаси урушнинг номаълум қаҳрамонлари бўлиб, совет манбаларида улар юзаки эсланган, аксарият ҳолларда эса кўз юмиб ўтилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Душман устидан Ғалабани деб қилинган жасоратга оддий инсоний куч-қувват ожизлик қилар эди. Бунинг учун инсон салоҳиятидан ҳам ортиқроқ куч-ҳаракат даркор эди. Ўзбек халқи буни амалда кўрсатиб берди. Урушнинг оғир кунлари кечаётганига қарамасдан одамлар узоқни кўзлаб, ғалаба кунларини астойдил истаб тиним билмай ишладилар. Муҳтожликлар, очлик, мусибатларга қарамай қишлоқ меҳнаткашлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан ақл бовар қилмайдиган даражада зўр бериш эвазига фронтни ва фронторқасидаги корхоналарни, шаҳар аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва стратегик хом-ашё билан таъминладилар. Қуролли кучларнинг ҳар бир ғалабасига жавобан улар Ўзбекистоннинг жазирама далаларида чин дилдан меҳнат қилишда давом этдилар. Даштларга йўл олдилар, сув йўллари очдилар, дарёларда тўғонлар қўтариб, сув омборлари қурдилар.

Мана, 75 йилдир-ки, юртимиз осмони мусаффо, беғубор ва сокин. Йилдан-йилга Ғалаба байрамига етиб келаётган уруш қатнашчиларининг сафлари тобора сийраклашиб бормоқда. Афсуски, аёвсиз урушдан кейинги ўтган вақт буюк жангнинг тирик шоҳидларини аста-секин ўзи билан олиб кетмоқда.

Сабоқ берадиган, огоҳликка ундайдиган ва донолик бағишлайдиган тарих бизларни ўша даҳшатли йиллардан қанчалик узоқлаштирган сайин, уруш ҳақидаги муқаддас тарихий хотира шунчалик буюк маънавий кучга айлана боради. Зеро, ўтмиш хотирасига эга бўлмаган, ўз халқининг тарихий тажрибасидан маҳрум киши бутунлай тарихий истиқболни ҳис қилишдан айрилиб қолади. Теран ва доно бир ҳикмат бор, ўз қаҳрамонларининг хотирасини муқаддас билиб эъзозловчи

халқина буюк бўлишга, буюкман деб даъво қилишга муносибдир.

Фашизм устидан эришилган улугъ Фалаба, энг аввало, она-Ватан муҳофазасига бардош бера оладиган муқаддас ва енгилмас кучнинг тантанаси бўлиб, у осонлик билан қўлга киритилган эмас. Уруш миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ёстигини қуритди. Бугун ёшларга ўтган урушнинг сабоқларидан хулоса чиқариб, унинг бутун азобу-уқубатлари, даҳшату машаққатлари ҳақида гапириб бериш керак. Токи, улар тинчлик нақадар бебаҳо неъмат эканлигини, эл-юрт тинчлиги, сарҳадларимиз даҳлсизлиги йўлида куйиб, ёниб яшаш кераклигини, мардлик намуналарини кўрсатган Ватан фидойилари хотирасини ёд этиб, эзгу ишларни давом эттириш муқаддас бурч эканлигини яхшироқ ва теранроқ англаб етсинлар.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- уруш қатнашчиларининг матонатларига эҳтиром кўрсатиш, Фалаба байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор урушга кетган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлган, 133 мингга яқини бедарак йўқолган ҳамюртларимиз хотирасини ёдга олиш, урушнинг энг оғир даҳшатларини, азоб-уқубатларини бошдан кечирган, сафлари тобора сийраклашиб бораётган уруш қатнашчиларининг жасорат ва матонатларига эҳтиром кўрсатиш асосий мақсад бўлиб қолаверади;

- мустақил Ўзбекистонда уруш фахрийлари ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган моддий ёрдам ва эътиборнинг кучлилиги фахрийлар қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирмоқда, уларга маънавий куч ва қудрат бахш этмоқда. Айниқса, Президент томонидан тинчлик ва осойишталикни сақлаш соҳасида, республикада истиқомат қилаётган фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстликни, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни халқимиз мамнунлик билан маъқулламоқда;

- мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча халқларнинг, қайси миллатга, қайси динга ва қандай сиёсий эътиқодга мансуб эканликларидан қатъий назар уларнинг бирлиги ва жипслигини сақлаб қолишдан, тинчлик ва дўстликни биргаликда ҳимоя қилишдан, фарзандларининг бахтиёрлиги учун ҳамжиҳат меҳнат қилишларини, ер юзида тинчлик ва барча давлатлар билан тинч ва осойишта ҳаёт кечиришни таъминлашдан, мамлакатимиз обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

- 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 75 йиллигини нишонлашга тайёргарлик асносида олимларимиз олдиға янги вазифалар қўйилди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг фронтларда кўрсатган жасоратлари ва мамлакат ичкарасидаги қаҳрамонона меҳнати илмий жиҳатдан янада чуқур ва кенг ўрганилиши давом эттирилиши, турли хил илмий-амалий анжуманлар тез-тез ўтказилиб турилиши нафақат бугунги, айниқса келгуси авлод учун дастурга айланиб қолиши муҳимдир.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the celebration of the 75th anniversary of Victory in World War II". <https://regulation.gov.uz/ru/document/3926>.

[2] "History of the Uzbek SSR. 2nd part. Uzbekistan during the Great Patriotic War (1941-1945). - Tashkent, 1985.206 p.; "History of Uzbekistan", part 4. Uzbek SSR

during the Great Patriotic War. - Tashkent, 1985.272 p.;

[3] Yusupov U. Selected Works. In 3 t. T. 2. 1941-1945 - Tashkent: Uzbekistan, 1983; Akhunbabaev Yu. The friendship of the peoples of the USSR is strong. - Tashkent: UzGosizdat, 1942. 39 s.

[4] Yuldashev M. Hitler is the worst enemy of freedom-loving peoples. - Tashkent: UzGosizdat, 1941.15 p.; Zufarov Yu. The friendship of the peoples of the USSR is a guarantee of victory over fascism. - Tashkent: Uz State Publishing House, 1941.24 p.; Rubinstein M. German fascists are the most evil enemies of science and culture. - Tashkent: UzGosizdat, 1941.14 p.; Tarle E. Hitlerism - the strangler of the intelligentsia. - Tashkent: UzGosizdat, 1942.7 p.; Rasulov M. German fascism - a strangler of national culture and national independence. - Tashkent: UzGosizdat, 1942.

[5] Juraev T. Uzbekistan in the days of the great battle on the Volga (1942 - early 1943). - Tashkent: UzGosizdat, 1963, 96 p.; The same author. Faithful children of the motherland. - Tashkent: Uzbekistan, 1964, 550 p.; The same author. The Uzbeks are participants in the guerrilla war. - Tashkent: Uzbekistan, 1975.; Salakhutdinov F., Khasanov M., Iosko M. Stars of Samarkand. - Tashkent: Young Guard, 1968, 133 p.; Tadzhibaev H. Bow to the winners (from the life of war and labor veterans). - Tashkent: Uzbekistan, 1990, 174 p.; Yusupov L. Front-road ways (Artists of Uzbekistan during the war years 1941-1945) - Tashkent: Uzbekistan, 1990, 221 p.

[6] <http://uza.uz/oz/documents/ikkinchi-zha-on-urushida-fashizm-ustidan-ozonilgan-alabaga-z-31-05-2018>

[7] <https://regulation.gov.uz/ru/document/3926>.

[8] <https://regulation.gov.uz/ru/document/3926>.

[9] Ziyoev H. World War II and the Uzbeks. <http://e-tarix.uz/maqolalar/1033-maqola.html>

[10] The historical contribution of Uzbekistan to the victory over fascism. 1941-1945. - Tashkent: Nauka, 1996. - P.129-130.

[11] Anwar Nazir. The Second World War. Lies spread among the population related to the history of the USSR and Victory Day /<https://sof.uz/post/ikkinchi-jahon-urushi-g-alaba-kuni-va-sssr-tarixiga-oid-xalq-orasida-tarqalgan-yolg-onlar>

[12] Ziyoev H. World War II and the Uzbeks. <http://e-tarix.uz/maqolalar/1033-maqola.html>

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ерметов Аваз Абдуллаевич,
тарих фанлари доктори, доцент Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети, Тошкент, Ўзбекистон (avazbekermetov@mail.ru)

ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШИ ХУСУСИДА (1946-1980 ЙИЛЛАР)

For citation: Ermetov Avaz Abdullaevich. On providing personnel for internal affairs bodies of Uzbekistan(1946-1980). Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp.12-19

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада бирламчи архив хужжатлари маълумотлари асосида 1946-1980 йилларда Ўзбекистонда ички ишлар органларининг кадрлар билан таъминланиш, шахсий таркибни кадрлар билан тўлдириш, республикада фаолият юритган милиция мактабларидаги таълим жараёнини такомиллаштириш, шунингдек, олий маълумотли мутахассислар тайёрланадиган ўқув юртининг ташкил этилиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: давлат, республика, ҳукумат, тизим, бошқарув, ИИБ, милиция, хужжат, қонун, қарор, фармон, фармойиш, низом, буйруқ, ҳуқуқ, ҳудуд, кадр, таркиб, курс, ходим, инспектор.

Ерметов Аваз Абдуллаевич,
Доктор исторических наук, доцент. Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, Ташкент, Узбекистан (avazbekermetov@mail.ru)

ОБ ОБЕСПЕЧЕНИИ КАДРАМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ УЗБЕКИСТАНА (1946-1980 ГГ.)

АННОТАЦИЯ

В статье на основе первичных архивных материалов исследована история подготовки кадров в органах внутренних дел Узбекистана, мероприятия по пополнению состава с передовыми кадрами и развития учебного процесса в школах милиции, а также формирования учебных заведений по подготовке специалистов с высшим образованием в 1946-1980 гг.

Ключевые слова: государство, республика, правительство, система, управления, МВД, милиция, документ, закон, приказ, постановление, положение, право, территория, кадр, состав, курс, сотрудник, инспектор.

Ermetov Avaz Abdullaevich,
Doctor of History, docent. National University of Uzbekistan, Tashkent,
Uzbekistan (avazbekermetov@mail.ru)

ON PROVIDING PERSONNEL FOR INTERNAL AFFAIRS BODIES OF UZBEKISTAN (1946-1980)

ABSTRACT

Based on primary archival materials, the article examines the history of training personnel in the internal affairs bodies of Uzbekistan, measures to replenish staff with advanced personnel and the development of the educational process in police schools, as well as the formation of educational institutions for the training of specialists with higher education in 1946-1980.

Index Terms: state, republic, government, system, management, Ministry of Internal Affairs, police, document, law, order, resolution, position, law, territory, personnel, composition, course, employee, inspector.

1. Долзарблиги:

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида амалга оширилган ўзгаришлар жараёнида Ўзбекистон ички ишлар идоралари асосий эътиборини жамиятдаги тартиб-интизомни таъминлаш, турли хилдаги моддий бойлик ва мулкларни ўғирлаш, камомад қилишнинг олдини олиш ва бундай ҳолатларга чек қўйиш, уларнинг сабабларини тугатишга доир эҳтиёт чораларини кўришга қаратди. Шунингдек, пахта ва дон маҳсулотларини талон-тарож ва нобуд қилиш ҳолатларига қарши курашиш, савдо қоидаларини бузишга ва бошқа жиноятларга қарши курашни кучайтиришга катта эътибор берилди.

Ички ишлар органларига юклатилган вазифалар ҳажмининг доимий равишда кенгайиб бориши кадрларга бўлган эҳтиёжни янада ортишига сабаб бўлди. Чунки Иккинчи жаҳон уруш йилларида ходимларнинг фронтга жалб этилиши натижасида шахсий таркибда катта етишмовчилик юзага келган эди.

2. Методлар:

Совет даврида Ўзбекистонда фаолият юритган ички ишлар органлари, уларнинг республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги иштироки каби масалалар ўзбекистонлик олимлар Х.Алимов (Х.Алимов 1972), Т.Жалилов (Т.Жалилов 1983), Н.Таумуратов (N. Таумуратов 2003), Т.Раҳмонов (Т.Раҳмонов 2012), А. Ерметов (А.Ерметов 2007, 2018) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бу даврда республика миқёсида фаолият юритаётган Тошкент милиция мактаби (1932 йилда ташкил этилган) урушдан кейинги йилларда ҳам ички ишлар идоралари учун ходимлар тайёрлаб берадиган асосий маскан вазифасини бажарди. Жумладан, 1946 йилда мактабни 168 нафар, 1947 йилда 142 нафар тингловчи

битирди[1].

XX аср 50-йилларига келиб ички ишлар органлари шахсий таркибини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига эътибор кучайтирила бошлади. Бу пайтда иттифоқ миқёсида СССР Ички ишлар министрлиги ҳузуридаги 3 та мактаб, 18 та милиция мактаблари, 2 та милиция курслари фаолият юритарди [2]. СССР Ички ишлар министрлиги чекка ҳудудларда ҳам кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон ССР милиция органлари учун 1958 йили Тошкентда СССР Ички ишлар вазирлиги Олий мактабининг сиртқи таълим факультети бўлимини ташкил этди[3. Jalilov T., Holikov R. 1983].

1959 йил 12 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан "Ўзбекистон ССР милиция органларида кадрлар билан ишлаш тўғрисида"ги ҳамда шу йили 22 декабрда "Кадрларни танлаш, тақсимлаш ва тарбиялаш ҳақида"ги қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш жараёнида ички ишлар идораларига партия ва совет ташкилотлари, комсомол ҳамда профсоюзлардан кадрларни жалб қилиш ишлари жадаллаштирилиб, 1959-1961 йилларда милиция органларига 300 нафар ходим қабул қилинди [4. Abidov Yu. 1977].

Таҳлил этилаётган йилларда ички ишлар идоралари шахсий таркибидаги яна бир муаммо бу - милиция органларининг таркибий жиҳатдан тез ўзгаришидир. Бундай ҳолат маълумотларда, "...Милиция органларидан ҳар йили минглаб ходимлар ишдан кетаяпти (ёки бўшатилади, айримларининг хизмат муддати 1 йилга ҳам етмайди) ва ишга қабул қилинаяпти. Бунинг натижасида милиция шахсий таркиби ўртача 700-900 нафар кам ходимлар билан фаолият юритади. Бундай ҳолат ўз-ўзидан милициянинг фаолиятига салбий таъсир ўтказаяпти" [5], - дея кўрсатилади.

1964 йили 1 августда СССР Ички ишлар министрлиги Олий мактабининг Тошкентдаги сиртқи таълим факультети бўлими базасида Ўзбекистон Жамоат тартибини сақлаш министрлиги (1962 йилдан 1968 йилгача Ички ишлар министрлигининг номи Ўзбекистон Жамоат тартибини сақлаш министрлиги деб юритилган) Олий мактаби сиртқи таълими бўйича Тошкент факультети ташкил этилди. Мактабда учта кафедра - махсус фанлар, юридик фанлар ва ижтимоий фанлар кафедралари, шунингдек, рус ва чет тиллар секцияси ташкил этилди. 1964 йил сентябрь ойида факультет қошида кечки бўлим очилиб, унда Тошкент гарнизони ички ишлар органларининг 50 нафар ходими таълим олди. 1965 йилда ўқув бўлими ташкил этилгач, методик ва ўқув тарбиявий ишлар сезиларли даражада жонланди. Бу вақтга келиб, Тошкент сиртқи таълим факультети 300 нафардан ортиқ ҳуқуқшунос-юристлар тайёрланди [6].

Мазкур олий мактаб 1967 йил 23 октябрда СССР Жамоат тартибини сақлаш министрлигининг Тошкент Олий милиция мактабига айлантирилди [7]. Мактаб жамоаси олдида ички ишлар вазирлиги идораларида хизмат қилиш учун кадрлар тайёрлаб бериш билан бирга, хизмат қилаётган ўрта ва катта офицерлардан сиртқи таълим асосида малакали ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлаш вазифаси ҳам турарди. 1971 йилда кундузги таълим тингловчиларининг биринчи битируви бўлиб, уларнинг сони бор-йўғи - 32 нафарни ташкил этди. Ўша даврда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири бўлган Ҳ.Яҳёев: "Гарчи мактаб битирувчилари сони кам бўлса ҳам, Тошкент шаҳрида олий мактабнинг ташкил этилиши катта ютуқ бўлиб, кейинги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё республикалари ички

ишлар идоралари учун олий маълумотли ходимлар тайёрлашда ижобий натижаларга эришилди" [8] - дея таъкидлаган эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу даврда (XX асрнинг 60-йиллари) СССР Жамоат тартибини сақлаш министрлиги тизимида бор-йўғи 4 та олий ўқув юрти (мактаблар) мавжуд бўлиб, улар Москва, Киев, Тошкент ва Омск каби шаҳарларда фаолият юритган.

Шундай бўлгани холда, 60-йилларнинг охирларида ҳам республика ички ишлар органлари шахсий таркибини ташкил этишда, ходимларнинг савияси, билими ва малакасида жиддий камчиликлар мавжудлиги кузатилди. Рақамларга мурожаат қилсак, республика милицияси раҳбарларининг бор-йўғи - 19,7% олий ва тугалланмаган олий маълумотга, 30 % - ўрта махсус маълумотга эга бўлган. Энг асосий хизматлардан бири бўлган - жиноят қидирув бўлимида - 33 %, давлат (социалистик) мол-мулкани талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлимида - 24 %, Давлат автомобиль назорати бўлимида - 31%, участка нозирларининг - 68 % олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган, шаҳар ва район милиция бошлиқларидан фақат 18 % ўрта махсус маълумотга эга бўлган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 1968 йилнинг 9 оyi мобайнида 612 нафар милиция ходимига интизомий чоралар кўрилган [9].

Таҳлил этилаётган йилларда ички ишлар шахсий таркибини олий маълумотли ва билимли кадрлар билан тўлдириш юзасидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилсада, бу масалада, жумладан, раҳбар ходимлар таркибида ҳали катта муаммолар мавжуд эди. Маълумотларда келтирилшича, 1966 йилда иттифоқ миқёсида раҳбар ходимларнинг бор-йўғи - 12,6 % игина олий маълумотга эга бўлиб, улар ичидан ҳуқуқшунослари - 9 % ни ташкил этган. Милиция бошлиқлари таркибида - 18,5 % ўрта махсус ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлган мутахассислар фаолият юритган бўлса, сержантлар ва оддий ходимларнинг атига - 11,7 % ўрта маълумотга эга эди [10]. Бу рақамлар Ўрта Осиё республикаларида ундан ҳам паст кўрсаткичда бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам бу пайтда республика вилоятларининг ички ишлар идораларида фаолият юритаётган ходимлар орасида олий ва ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар кам эди. Шунингдек, бу муаммо яъни мутахассис ходимларга бўлган танқислик шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларининг раҳбарларини тайинлашда ҳам сезиларди. Бу ҳол жиноятларнинг олдини олишда, содир бўлган жиноятларни очишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатар эди [11. Rahmonov T. 2012.].

Маълумотларда келтирилишича, республика ички ишлар идораларида шахсий таркиб билан ишлаш ва милиция ходимларининг фаолияти давомида йўл қўйилаётган камчиликларни биртараф этиш юзасидан профилактик характерга эга бўлган ишларнинг сустиги (уларнинг шахсий фазилатлари, тарбияси билан боғлиқ йўриқнома ва кўрсатмаларнинг белгиланган даражада тарғиб этилмаслиги), раҳбарлар (штаб бошлиқлари, жойларда ва марказий аппаратдаги махсус хизмат вакиллари) томонидан шахсий таркибда учраб турган қонунбузарлик ва бошқа камчиликларнинг таҳлил қилинмаслиги ҳамда ўз вақтида чора кўрилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилган [12].

Милиция шахсий таркибини тўлдириб боришнинг янги тартиби совет милицияси тўғрисидаги Низомда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, бу Низом 1973 йил 1 июлдан амалда жорий этилди. СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, СССР Ички ишлар министрлигининг Олий мактаби Тошкент

сиртқи таълим факультети базасида СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент Олий мактаби ташкил этилди. Бу мактаб кундузги ва сиртқи бўлимлардан иборат эди [13]. Шу йили мактабга тингловчилар қабул қилиш квотаси икки баравар кўпайтирилди, малака ошириш курслари факультетга айлантирилди. Унда ҳар йили ўртача ҳисобда 200 нафар ходим таълим олди.

Ички ишлар органлари шахсий таркибини мустаҳкамлаш ва фаолиятини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутган СССР Ички ишлар министрлиги Академияси 1973 йилда ташкил этилди [14]. Бу жараёнда академияга иккита муҳим вазифани бажариш юклатилди: биринчиси, юқори савия, билим ва малакага эга бўлган раҳбарларни тайёрлаш, иккинчиси, ички ишлар идораларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятига тегишли ҳуқуқий-норматив кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш.

Академияда илмий салоҳиятли педагогларни тайёрлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида адъюнктура очилди, тегишли билим соҳалари бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари ўтказиладиган ихтисослик кенгашлари фаолият юритди, таълим тизими бутунлай ислоҳ этилиб, ўқув режалар ва фан дастурлари қайта ишлаб чиқилди, таълим жараёнига юқори малакага эга бўлган профессорлар, фан докторлари, фан номзодлари ва доцентлар жалб этилди. Шу билан бирга академияда раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун Олий академик курсларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Ички ишлар идоралари шахсий таркибини яхшилашга қаратилган чоратadbирлар XX аср 70-йилларнинг ўз самарасини бера бошлади. Ўша даврда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазири лавозимида фаолият юритган Ҳ.Яҳёев "...Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги системасида раҳбар составнинг ҳаммаси - олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли кишилардир. Амалда барча шаҳар, район ички ишлар бўлимларининг ва милиция транспорт бўлинмаларининг бошлиқлари, терговчиларининг 85%и, ОБХСС ходимларининг салкам 55%и, жиноят қидирув ходимларининг салкам 40 проценти олий маълумотга эгадир" [15. Yahyoev H. 1977] - деб таъкидлайди.

Ҳақиқатдан ҳам 1970 йилларнинг охири 1980 йилларга келиб ички ишлар ходимлари шахсий таркибини юқори малакали ва билимли кадрлар билан тўлдиришда ўтган йилларга нисбатан бир қатор ютуқларга эришилди.

Маълумотларда келтирилишича, 1978 йилда Самарқанд вилоятидаги жиноий қидирув бўлими, тергов ходимлари ва участка нозирларининг 80 %и ўрта махсус ва олий маълумотли ҳуқуқшунослардан иборат бўлган [16]. Бу пайтда, хусусан, 1980 йилларнинг бошларида иттифоқ миқёсида ички ишлар тизимидаги ўрта махсус ўқув юртларининг сони 1966 йилга қараганда 2 бараварга ошди, шунингдек, ички ишлар тизимидаги олий ўқув юртларининг доимий фаолияти натижасида кундузги бўлим битирувчиларининг (мутахассисларининг) сони 1967 йилга нисбатан 5 бараварга кўпайди [17].

Маълумотларда кўрсатилишича, 1987 йилда иттифоқ миқёсида Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 та олий ўқув юрти ва бир нечта илмий-тешириш институтлари фаолият юритиб, уларда 1900 нафар фан номзодлари ва докторлари ишлаган. Ундан ташқари кўплаб ўрта мактаб ва ўрта махсус таълим берувчи билим юртлар ишлаб турган [18].

Ички ишлар тизимида бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг фаолият юритиши милиция органларида малакали кадрларни кўпайишига ижобий таъсир

кўрсатган бўлса, XX аср 80-йилларида Ўзбекистонда ички ишлар тизимидаги кадрлар масаласида жуда оғир вазият юзага келди. Бу манзара кадрлар масаласи билан шуғулланмасликда эмас, аксинча, КПСС Марказий Комитети томонидан 1983 йил 16 мартда "Ички ишлар бўлимларини ходимлар билан мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида" чиқарган қарори ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу хусусдаги қарори туфайли юз берган нохушликлар билан изоҳланади. Бу жараёнда 1984-1989 йилларда гўёки "республиканинг илтимосига биноан" Ўзбекистонга 231 киши юборилиб, улар асосан раҳбарлик лавозимига тайинланган бўлса [19], 1981-1985 йилларда 3000 нафардан ортиқ ички ишлари ходимлари ишдан бўшатилди. Уларнинг кўплари айби исботланмаган бўлса ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Республика ички ишлар идораларининг ҳеч қандай айби бўлмаган бир қанча раҳбар ходимларининг қисмати ҳам шундай бўлди. Бундай ҳолат пировард натижада республика ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳорати ва ҳуқуқий саводхонлигини пасайиб кетишига [20], бинобарин жиноятчиликка қарши кураш натижаларига салбий таъсир кўрсатди.

4. Хулосалар:

- ҳар бир ташкилотнинг иш юритиш услуби, унга юклатилган вазифа ва ваколатлари билан боғлиқ фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар бевосита унинг бошқарув шакли, тизими ҳамда ташкилотдаги кадрларнинг билими, малакаси ва тажрибаси билан боғлиқ жараён бўлгани сингари, Ўзбекистондаги ички ишлар органларининг фаолияти ҳам кадрлар билан таъминланиш масаласидаги бир қатор зиддиятли ҳолатлар билан кечди;

- Иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органлари ходимларининг фронтга жалб этилиши, урушдан кейинги илк йилларда ҳам ички ишлар идоралари шахсий таркибида катта ҳажмдаги танқислик юзага келтирди;

- XX аср 50-йилларига келиб ички ишлар органлари шахсий таркибини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига эътибор кучайтирила бошлади, иттифоқ миқёсида милиция мактаблари кўпайтирилди ва ички ишлар ходимлари учун махсус курслар ташкил этилди. Бу жараёнда олий маълумотли кадрларни тайёрлаш учун Тошкентда СССР Ички ишлар министрлиги Олий мактабининг сиртқи таълим факультети бўлими очилди. Кейинчалик ушбу мактаб негизда Тошкент Олий милиция мактаби ташкил этилди;

- бу даврда ички ишлар идоралари шахсий таркибини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинсада, 1960-йилларда ҳам ички ишлар идораларининг таркибий тузилишида (хизматдан бўшаш ва бўшатиш ҳолатларининг кўплиги, доимий равишда штатларнинг тўлмаслиги), ходимларнинг маълумоти, савияси, билими ва малакасида камчиликлар кузатилди;

- XX аср 70-йилларида ички ишлар органларини юқори малакали ходимлар ва раҳбарлар билан таъминлаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида иттифоқ миқёсида ягона бўлган СССР Ички ишлар министрлиги Академияси ташкил этилди. XX аср 80-йилларига келиб Иттифоқ миқёсида бир қатор ўқув юртларининг фаолият юритиши милиция органларида тажрибали ва малакали кадрларни кўпайишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, бу пайтда Ўзбекистон ички ишлар тизимидаги кадрлар масаласида жуда оғир ва аянчли вазият юзага келди;

- 1984-1989 йилларда Ўзбекистонга Марказдан кўплаб ходимлар юборилиб, улар асосан раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Бундан ташқари бу даврда

республикада фаолият олиб борган кўплаб ички ишлар ходимлари ишдан бўшатилади, уларнинг катта қисми жинорий жавобгарликка ҳам тортилди;

- Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимидаги бундай нохуш ва зиддиятли ҳолатлар ходимларнинг касб маҳоратини пасайишига, хизматга бўлган муносабатини ўзгаришига, оқибатда уларнинг асосий вазифаси бўлган жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] 75 years in public service. The responsible editor is G. Rahimov. - Tashkent: Uzbekistan. 1992. - p. 90. (Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ф. Раҳимов. - Тошкент: Ўзбекистон. 1992. - Б. 90).

[2] Soviet police: history and modernity (1917-1987). - Moscow: Jurid. lit., 1987. - P.192. (Советская милиция: история и современность (1917-1987). - Москва: Юрид. лит., 1987. - С.192).

[3] Jalilov T., Holikov R. Militia of Soviet Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1983. - p.31 (Жалилов Т., Холиқов Р. Совет Ўзбекистони милицияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1983. - Б.31).

[4] Abidov Yu. Activities of the Communist party of Uzbekistan to increase the role of administrative bodies and public organizations in the Communist education of workers (1959-1965). Abstract. Candidate of Sciences in History. Tashkent, 1977. - p. 10. (Абидов Ю. Деятельность Компартии Узбекистана по повышению роли административных органов и общественных организаций в коммунистическом воспитании трудящихся (1959-1965 гг.). Автореф. дисс. □ канд. ист. наук. - Ташкент, 1977. - С. 10).

[5] Archive of the President of the Republic of Uzbekistan, fund 58, list 272, 164 case, page 21. (ЎЗР ПДА, 58-фонд, 272-рўйхат, 164-иш, 21-варақ).

[6] The Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan is 20 years old. - Tashkent, 2004. - p.8. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси 20 ёшда. - Тошкент, 2004. - Б.8).

[7] 75 years in public service. The responsible editor is G. Rahimov. - Tashkent: Uzbekistan. 1992. - p. 91. (Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ф. Раҳимов. - Тошкент: Ўзбекистон. 1992. - Б. 91).

[8] Interview with N. Yahyoev on February 20, 2013 - from audio recording data. (Ҳ. Яҳёев билан 2013 йил 20 февраль кунда ўтказилган суҳбат - аудио запись маълумотларидан).

[9] Archive of the President of the Republic of Uzbekistan, stock 58, list 272, 164 case, page 20. (ЎЗР ПДА, 58-фонд, 272-рўйхат, 164-иш, 20-варақ).

[10] Soviet police: history and modernity (1917-1987). - Moscow: Jurid. lit., 1987. - p.193. (Советская милиция: история и современность (1917-1987). - Москва: Юрид. лит., 1987. - С.193).

[11] Rahmonov T. Syrdarya police are serving the public. - Tashkent: Editor, 2012. - p.69-70. (Раҳмонов Т. Сирдарё милицияси халқ хизматида. - Тошкент: Muharrir, 2012. - Б.69-70).

[12] State Regional Archive of Samarkand, fund 799, list 1, 648-ish, page 99. (Самарқанд ВДА, 799-фонд, 1-рўйхат, 648-иш, 99-варақ).

[13] Jalilov T., Holikov R. Militia of Soviet Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 1983. - p.35. (Жалилов Т., Холиқов Р. Совет Ўзбекистони милицияси. - Тошкент:

Ўзбекистон, 1983. - Б.35).

[14] Soviet police: history and modernity (1917-1987). - Moscow: Jurid. lit., 1987. - p.195. (Советская милиция: история и современность (1917-1987). - Москва: Юрид. литература, 1987. - С.195).

[15] Yahyoev H. Honorary Duty of the Soviet Militia // Communist of Uzbekistan, No. 4, 1977. - p. 44. (Яхёев Х. Совет милициясининг шарафли бурчи // Ўзбекистон коммунисти, № 4., 1977. - Б. 44).

[16] Mukhamadiev A. Fully staffed // Soviet Police, No. 6, 1978. - p. 25. (Мухамадиев А. Укомплектован полностью // Советская милиция, №.6, 1978. - С. 25).

[17] Soviet police: history and modernity (1917-1987). - Moscow: Jurid. lit., 1987. - p.323. (Советская милиция: история и современность (1917-1987). - Москва: Юрид. лит., 1987. - С.323).

[18] Soviet police: history and modernity (1917-1987). - Moscow: Jurid. lit., 1987. - p.324. (Советская милиция: история и современность (1917-1987). - Москва: Юрид. лит., 1987. - С.324).

[19] 75 years in public service. The responsible editor is G.Rahimov. - Tashkent: Uzbekistan. 1992. - p. 96. (Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Ф.Раҳимов. - Тошкент: Ўзбекистон. 1992. -Б. 96).


В дальнейшем общегеологическую специальность возглавляли профессора М.И. Брик (1930-1935 гг.) и А.С. Уклонский (1935-1937 гг.), В.И. Попов (1937-1945 гг.), О.И. Исламов (1945-1978 гг.), Ш.Д.Давлятов (1978-1982 гг.). На кафедре на протяжении ее существования сохранились общее динамико-геологическое научное направления и стремление к рассмотрению общетеоретических проблем геологии.

Большое внимание также уделялось вопросам истории геологической науки и увязке теоретических проблем с практическими нуждами производства. В течение первых 25 лет работы кафедры связаны с наиболее выдающимися обобщениями профессоров В.Г. Мухина, О.К. Ланге, Н.Ф. Безобразовой, Н.П. Васильковского, В.П. Смирнова и их сотрудников. Многолетняя работа кафедры над общими проблемами геологии и геотектоники оформилась в 60-х годах в новое направление - планетарной геологии (рук. О.И. Исламов).

4. Выводы:

В результате исследования истории геологии и горного дела в Средней Азии проф. О.И. Исламов сделал важные в научном и практическом отношении выводы, что зачатки геологических знаний появились еще на заре человечества. В 1968 г. на тему этого направления им был сделан доклад на XXIII сессии Международного геологического конгресса в Праге. Международный комитет по истории геологических наук утвердил О.И. Исламова своим членом-корреспондентом. Позднее в 1976-1977 гг. им была опубликована двухтомная монография "Из истории геологических знаний в Средней Азии" [9].

Под руководством проф. Ш.Д. Давлятова доц. А.Х. Джулиев, И.К. Каримов, Ф.Б. Бегбаев, Р.В. Пак и другие занимались вопросами геологического строения, тектоники, нефтегазоносности территорий Узбекистана и сопредельных республик.

В результате их исследований было произведено тектоническое районирование

Средней Азии с выделением перспективных регионов на нефть и газ. Кафедрой переданы производству ряд рекомендаций (объединение "Узбекгеофизика") для проведения геологоразведочных работ на нефть и газ на выделенных площадях.

С 1982 г. кафедру возглавлял проф. Т.Н. Долимов[3], под руководством которого проводились исследования геологии, вещественного состава, условий образования и рудоносности гранитоидных формаций Западного Тянь-Шаня (П.Д. Купченко, А.А. Мусаев, М.Х. Кадыров, М. Султанова и др.), а также развивался формационный анализ и корреляция магматических формаций Южного и Среднего Тянь-Шаня (О.К. Кушмурадов, П.Д. Купченко, В.Л. Пимшина, Л.В. Шпотова, М.Х. Кадров, А.А. Мусаев, и. Ганиев).

Как мы видим геологический факультет САГУ, ТашГУ и ныне Национального университета был и остается кузницей кадров для геологической науки Узбекистана.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана. Гл.1. ч.1. У истоков Академии наук РУз: поиск и формирование. - Т.: "Yangi Nashr", 2012. (Academy of Sciences in the intellectual history of Uzbekistan. Ch. 1. part 1. At the origins of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan: search and formation. - Т.: Yangi Nashr, 2012.)

[2] Бюллетень САГУ. Вып. 24. - Ташкент, 1945. - с. 18-37. Кафедра геохимии и минералогии НУУз им. Мирзо Улугбека // www.nuu.uz/rus/info/structure/fakulties/geol. (Bulletin of SAGU. Vol. 24. - Tashkent, 1945. - p. 18-37. Department of Geochemistry and Mineralogy NUUZ im. Mirzo Ulugbek)

[3] Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М.Рахимов, Қ. Ражабов. - Т.: Ўзбекистон, 2019. - С.245-247. (History of Uzbekistan (1917-1991). The second book is 1939-1991. Responsible editors: R. Abdullaev, M.Rakhimov, Q. Rajabov. - Т.: Uzbekistan, 2019. - pp.245-247.)

[4] Лордкипанидзе Л.Н. К 70-летию флагмана академической геологической науки Узбекистана.- Т., 2007.- 270 с.(Lordkipanidze L.N.To the 70th anniversary of the flagship of the academic geological science of Uzbekistan.- Т., 2007. -- 270 s.)

[5] Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Ч. II. Самоотверженный труд во имя Победы. - Самарканд: САГУ, 2008. - с.40-44. (Golovanov A.A., Saidov I.M. The contribution of Uzbekistan to the victory over fascism. Part II. Selfless work in the name of Victory. - Samarkand: SAGU, 2008. -- pp. 40-44.)

[6] Гордеев Д.И. Октавий Константинович Ланге (к 80-летию со дня рождения) // Вестник МГУ.Сер.4. Геология. М., 1963. №1. Геология Узбекской ССР. В 3-х т. - М., 1937-1939. (Gordeev D.I. Octavius Konstantinovich Lange (on the occasion of his 80th birthday) // Bulletin of Moscow State University. Ser. 4. Geology. M., 1963. No. 1. Geology of the Uzbek SSR. In 3 volumes - M., 1937-1939.)

[7] Гертман Ю. К истории развития технического образования в Узбекистане. / www.mytashkent.uz.2009/21/07. (Gertman Yu. To the history of the development of technical education in Uzbekistan.)

[8] Исламов О. И. "Из истории геологических знаний в Средней Азии". В 2-х т. - Т., 1976-1977. (Islamov O. I. "From the history of geological knowledge in Central

Asia." In 2 volumes. - Т., 1976-1977.)

[9] История кафедры минералогии САГУ. //Письма о Ташкента. // www. my tashkent.uz. 2010/12/12.(History of the Department of Mineralogy, SAGU. // Letters about Tashkent.)

[10] Уклонский А.С. История кафедры минералогии ТашГУ./ В сб.ст. "Память трудных дорог". - Ташкент: Укитувчи, 1980 - с.96-106. (10. Uklonsky A.S. History of the Department of Mineralogy, Tashkent State University. / In collection of articles "The memory of difficult roads." - Tashkent: Ukituvchi, 1980 - p. 96-106.)

[11] Федоровский Н.М. По горам и пустыням Средней Азии. - М., Л.: ОНТИ, 1937. - 185 с. (Fedorovsky N.M. In the mountains and deserts of Central Asia. - М., L.: ONTI, 1937 .-- 185 p.)

[12] Чикрызов Г.С. (1894-1957). Ученый геолог. // www. Tashkent pamyat.ru// 2019/27/08. (Chikryzov G.S. (1894-1957). Scientist geologist.)


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Илҳомов Зиёвутдин

Тарих фанлари номзоди, доцент. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент, Ўзбекистон (tarix.kafedra@mail.ru)

ХОРАЗМ ТАРИХНАВИСЛИК МАКТАБИ ВА ЎТАМИШ ҲОЖИНИНГ ОҒЗАКИ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИ

For citation: Ilkhomov Ziyovutdin. The khorezm scientific school of history and oral historical researches of Otamish Hodja. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp.39-46

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихчи Ўтамиш Хожининг "Чингизнома" асарининг ёзилиш хусусиятлари, муаллифнинг асарни ёзишдаги оғзаки тарих усулларида кенг фойдаланганлиги масалалари таҳлил этилади, мазкур манбадаги оғзаки тарих масалалари ва муаллифнинг ёндашувлари бугунги кунгача таҳлил этилмаган.

Калит сўзлари: тарихнавислик, тарихнавислик мактаби, тарихчилар, манбалар, оғзаки тарих, тадқиқотлар, усуллар.

Ильхомов Зийовутдин

Кандидат исторических наук, доцент. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами, Ташкент, Узбекистан (history.kafedra@mail.ru)

ХОРЕЗМСКАЯ ШКОЛА ИСТОРИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ И УСТНОГО ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ УТАМИШ ХОДЖА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются особенности написания "Чингизнама" историком Ходжи, а также широкое использование автором устных историй при написании произведения. Проблемы устной истории в этом источнике и подходы автора до настоящего времени не анализировались.

Ключевые слова: школа истории, историография, историки, источники, устная история, исследования, методы.

Ilkhomov Ziyovutdin

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami, Tashkent, Uzbekistan (history.kafedra@mail.ru)

THE KHOREZM SCIENTIFIC SCHOOL OF HISTORY AND ORAL HISTORICAL RESEARCHES OF OTAMISH HODJA

ABSTRACT

The article analyzes the features of the historian Otamish Hodja's writing of Chingiznoma and the author's extensive use of oral histories in writing the work. The oral history issues in this source and the author's approaches have not been analyzed to date.

Index Terms: History, School of History, Historians, Sources, Oral History, Research, Methods.

1. Долзарблиги:

Марказий Осиё халқлари дунё халқлари орасида ўзининг бой ва қадимий тарихига эга халқлардан саналади. Бу халқларнинг тарихи ва унда содир бўлган барча жараёнлар шу халқларнинг вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган турли мазмундаги минглаб манбаларда акс эттирилган. Айниқса, Ўрта Осиёнинг XIII асрдан бошлаб кейинги юз йилликлар давомидаги тарихи, давлатчилиги, иқтисоди, этник ва маданий-маънавий соҳалардаги жараёнларини ёритиб берувчи тарих асарлари ва уларнинг яратилиши, тарихнавислик хусусиятлари ўзига хос мактабларнинг шаклланишини таъминлаб берди. Қўқон тарихнавислик мактаби, Тошкент тарихнавислик мактаби, Бухоро хонлиги ва амирлиги даврида яратилган тарихий асарлар, Хоразм тарихнавислиги шулар жумласидандир. Хоразм тарихнавислик мактаби ҳақида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абулғозининг бу борадаги ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Абулғози ўзининг тарихий асарларини яратишда, тарихий жараёнларни ёритиш ва тавсиф этишда алоҳида ёндашувга, яъни замонавий тарихшунослик иборалари билан айтганда тарихийлик ва объективлик тамойилларига тўла амал қилди. Унинг ўзи таъкидлашича, "Эмди кўнглингизга келмасунким фақир тараф тутуб ёлғон айтқон бўлғайман ва ё ўзимни галат таъриф этқон бўлғайман"[1,Б.11-12]. Шарқ тарихнавислигида нафақат адабиёт, шеърият ва бошқа китобатчилик соҳаларида, балки тарих ва тарихнавислик соҳаларида ҳам тил омилига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, тарихий асарлар муаллифи Абулғози ўз асарларини она тилида ёзаётганлигини таъкидлаб: - "... бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсин, деб турк тили билан айтдим. Бир калима чигатой, туркийдан, форсийдан ва арабийдан қўшмайман, равшан бўлсин деб, туркийни ҳам андоқ айтибманки беш яшар ўғлон тушунар", - деб ёзади [2,Б. 53-54]. Хоразм тарихнавислик мактаби доирасида кейинги асрларда ҳам бир қатор йирик тарихчилар томонидан ноёб манбалар яратилди. Тарихчи Қ.Мунировнинг таъбири билан айтганда, "Ўзбек тилида тарихий асарлар ёзиш анъанаси Ўрта Осиё хонликларидан Хива хонлигида кенг кўламда давом эттирилди. Абулғозий бошлаган ишни XIX асрда атоқли ўзбек шоирлари ва машҳур тарихнавислари Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳий катта маҳорат билан давом эттирди" [3,Б.4]. Албатта, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёнийлар томонидан яратилган асарлар ўзининг ёзилиш услуби, воқеаларнинг

тавсифига ёндашувлари, муаллифларнинг асарни ёзишдаги қарашлари каби жиҳатларига кўра Хоразм тарихнавислик мактабининг ноёб намуналаридан ҳисобланиш билан бирга Хива хонлиги тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардир [4].

2. Методлар:

Мақолада замонавий тарих фанининг муҳим тадқиқот йўналишларидан бири бўлган оғзаки тарих масаласида сўз юритилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, оғзаки тарих тарих фанининг нисбатан янги илмий йўналиши бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадаллик билан ривожлана бошлади. Замонавий тарих фанида оғзаки тарихга бир қатор таърифлар берилди, хусусан, оғзаки тарих илмий фан саналиб, унинг ёрдамида (ёки тадқиқот доирасида) оғзаки ахборот олиш орқали алоҳида шахсларнинг ўтмиш ҳақидаги субъектив қарашлари қайд этилади. Яна бошқа тушунчага кўра, оғзаки тарих воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари ёки гувоҳларининг оғзаки ахборотларининг мутахассислар томонидан илмий жиҳатдан умумлаштирилишидир. Учинчи бир таърифга кўра, оғзаки тарих бу - бўлиб ўтган воқеалар иштирокчиларининг шахсий хотиралари ва тажрибаларини ўтмиш ҳақидаги маълумотларни қайд этиш ва сақлаб қўйиш мақсадида ташкилий методик жиҳатдан амалга оширилган илмий фаолиятдир. Мақолада таҳлил этилаётган масала юзасидан бир қатор фикрлар ва таҳлиллар академик Б.Аҳмедов (B.Ahmedov, 2007), Фулом Карим (G'ulom Karim, 2009), Ш.Воҳидов (Sh.Vohidov, 2010), З.Илҳомов (Z.Ilhomov, 2018) ларнинг бир қатор асарлари ва мақолаларида кўрсатиб ўтилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Хоразм тарихнавислик мактабига оид бир асар борки, бу асар ўз мазмунига кўра ва асарнинг ёзилиши хусусиятига кўра алоҳида тадқиқий ёндашувни талаб этади, бу асар Ўтамиш Ҳожининг "Тарихи Дўст султон" ёки "Чингизнома" асаридир.

Моваруннаҳрда ва Хуросонда ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоалари тарихи ҳақида Хоразмда ўзига хос тарихшунослик шаклланди. Тарихчи Ш.Воҳидовнинг кўрсатишича, "Ўрта Осиёда ҳукм сурган Шайбонийлар, уларнинг тарихи ва даврига атаб ёзилган тарихий асарлар Темур ва темурийлар даврига нисбатан анча кам етиб келган. Хоразмлик муаллиф томонидан туркий тилда Хивада яратилган Шайбонийлар даврига оид илк асарлардан бири "Чингизнома"дир"[5,Б.3]

XVI аср ўртасида Ўтамиш Хожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий томонидан биографик йилнома асар яратилдики, бу асар "Тарихи Дўст султон" ёки "Чингизнома" номлари билан машҳур бўлган.[6,Б. 48-53]

Ўтамиш Ҳожининг асари Хоразм тарихнавислик мактабининг алоҳида ноёб намунаси ҳисобланади. Асарнинг ҳозирда маълум икки нусхаси мавжуд бўлиб, бири Тошкент нусхасидир. Тошкент нусхаси тўлиқ бўлмаган нусха ҳисобланади, шунга қарамасдан бу нусха асосида Қозоғистонда (2005), Японияда (2008), Туркияда (2009) ва Ўзбекистонда (2009) бир нечта нашрлар амалга оширилган. Иккинчи нусха эса тўлиқ нусха ҳисобланиб, Аҳмад Заки Валидийнинг шахсий кутубхонасида сақланган, ҳозирги вақтда бу нусха Туркияда хусусий тўпламлардан бирида сақланмоқда.[6,Б.50]

Ўтамиш Ҳожининг тўлиқ исми Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий бўлиб, XVI асрда яшаган. Хоразм шайбонийлари сарой тарихчиси. Хоразм тарихнавислик мактабига оид бўлган, 1550 йилда ёзиб тугалланган "Ўтамиш

Ҳожи тарихи" ("Тарихи Дўст Султон"[7], "Чингизнома"[8]) тарихий асарининг муаллифи.

Ўтамиш ҳожи Хива хони Элбарсхон саройида мирзалик қилган. У Хоразм ва Олтин Ўрданинг жанубий ҳудудларига - Каспий денгизи ва Қуйи Волга бўйларига кўп марта саёҳат қилган ва ўз тарихий асарини ёзиш учун материаллар тўплаган.[9.204]

"Ўтамиш Ҳожи тарихи" асари муаллифи Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстий ҳаёти ва ижоди ҳақида сақланиб қолган маълумотлар кўп эмас, шунга қарамасдан, муаллифнинг ўз асарида келтирган маълумотлари асосида унинг бобоси XV асрнинг охирида шайбонийлардан бўлган Ёдгор Султон хизматида бўлган, ўзи эса Хоразмда ҳукм сурган шайбоний султонлар Элбарс Султон (1515-1525 йй) ва Эш Султон (1558 йилда ўлдирилган) лар хизматида бўлганлигини, шунингдек бир қанча жойларга саёҳат қилганлигини англаш мумкин.[10,Б.3]

Бу ҳақда тарихчи Б.Аҳмедов қуйидаги маълумотларни бериб ўтади: -"Отаси мавлоно Муҳаммад Дўст ўзига тинч ва нуфузли одамлар жумласидан бўлиб, шайбонийлардан Илборсхоннинг саройида хизмат қилган. Ўтамиш хожининг бобоси эса ўз вақтида шайбонийхонлардан Ёдгорхоннинг хизматида бўлган. Ёдгорхоннинг улуси Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, хоннинг ўзи XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон билан бўлган тунги тўқнашувда ҳалок бўлган. Ўтамиш хожининг ўзи ҳам Илборсхон саройида мушши (котиб) бўлиб ишлагани маълум."[11]

"Ўтамиш Ҳожи тарихи" китобида Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган Жўжи авлодлари - Ботухон, Шайбон, Ўзбекхон, Ўрусхон, Тўхтамиш ва бошқалар ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Асар Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий томонидан шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзилган.[11] Ўтамиш Ҳожи бу даврда маълум бўлган тарихчилар орасида ўзининг ўтмиш тарихий жараёнларнинг билимдони сифатида кўрсата олган, қаердаки ўтмиш ҳақида бирор-бир баҳс ёки мунозарага сабаб бўладиган ҳолатларда албатта уни чақириб, маслаҳати ёки фикри сўралган. Шу сабабли шайбонийлар хонадонига мансуб бўлган Эш Султон ўзини ва аждодларини Жўжихонга бориб тақалишини, Жўжи ва унинг авлодларининг Дашти Қипчоқдаги ҳукмронлигидан бошлаб ўзи яшаб турган кунларгача бўлган тарихини энг билимдон тарихчилардан бири сифатида Ўтамиш Ҳожига топширади. Мазкур асарнинг ўзбек тилидаги нашрини амалга оширган тадқиқотчи Ф.Каримнинг таъкидлашича, Ўтамиш Ҳожи "асарни ёзишга киришганида Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг [12] "Дафтари"ни истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у ўз асарини асосан ўзи йиғган оғзаки ривоятлар асосида ёзган".[10,Б.4] Ўтамиш Ҳожининг ўз асарини яратишда оғзаки ривоятлардан фойдаланганлигини академик Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди, асарнинг Олтин Ўрда ва Жўжи авлодлари ҳақидаги маълумотлари афсонавий ривоятларга асосланган бўлиб, Тўхтамишхон (1380-1395 йй) ҳақидаги воқеалар баёнида узилиб қолган.[13,Б.76-77]

Бевосита Ўтамиш Ҳожининг сўзларига эътибор қиладиган бўлсак, муаллифнинг ўзида шу мазмундаги таъкидлар учрашини кўриш мумкин. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади, - " ... тилар эдимки, Чингизхон ўғлонларидан ул Дашт вилоятинда хон бўлгондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не ватга тегру на тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлук уруш ва не турлук можаролар кечти - буларнинг барчасини камоҳақ билсам"[14].

Ўтамиш Ҳожининг бу сўзларидан кўриш мумкинки, муаллиф Дашти Қипчоқда мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилишидан бошлаб то ўзи яшаб турган вақтгача бўлган даврларда кимлар хонлик тахтида ўтирганлиги, уларнинг давлат бошқаруви, давлатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаёти ва уларга боғлиқ жараёнлар, Жўжи авлодларининг ўзаро муносабатлари ва улар ўртасида кечган сиёсий курашлар тарихининг асл мазмуни ва моҳияти билан, ҳақиқатда қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича билишга ва тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Бироқ бунда етарли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, ахборотнинг етишмаслиги ва манбаларнинг йўқлиги ҳақида таъкидлаб ўтади. -"Таворихларки кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлгонлари мазкур эрмас эрди." [10,Б.6]

Шундай бир вазиятда муаррих ўз олдига қўйган мақсадга эришиш ва айни вақтда хон топширигини бажариш учун имконият излайди ва энг аввало юқорида айтилган масалалар бўйича тарихий жараёнларнинг билимдонлари бўлган ровийларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. -"Чун манга доия ул эрдиким, буларнинг аҳволидин камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусига мувозана қилиб, маъқулини хотиримда гизлаб, номаъқулни баргараф қилур эрдим". [10,Б.7] Муаллифнинг бу таъкидларидан кўриш мумкинки, у қўлга киритган ахборотларни синчиклаб ўрганган, мавжуд ахборот ва маълумотлар билан таҳлилий равишда таққослаб, маълумотларнинг тўғрилигига аниқлик киритган ва энг ишончли, энг сара деб ҳисоблаган маълумотларни асардаги воқеалар ва тарихий жараёнлар тафсилотларига киритган. Муаллифнинг юқорида келтирилган "таворихларки кўрдим..." жумласига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг ихтиёрида маълум даражада ёзма тарихий манбалар ҳам мавжуд бўлган, бироқ уларда келтирилган маълумотлар ва уларнинг тафсилотлари муаллифнинг таъкидлашича, қониқарли даражада бўлмаган бўлиши мумкин. Ўтамиш Ҳожининг ўз асарига маълумотларнинг аксарият қисмини оғзика тарих асосида тўплаганлигини тарихчи Б.Аҳмедов ҳам таъкидлаб ўтган эди: - "Ўтамиш хожи ўтган замонлар ҳақида билимдон одамлардан сўраб-суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи ҳам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган. Хулласи калом, Ўтамиш хожи ўзига керак бўлган ривоятларни кунт билан битта-битгалаб йиғиб, Дашти қипчоқ ва Қозоғистон тарихидан катта фактик материал тўплади. Лекин улардан фойдаланганда танқидий услубга амал қилди, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритди." [11] Тадқиқотчи И.А.Мустақимовнинг кўрсатишича, Ўтамиш Ҳожи асарни ёзишда Олтин ўрда тарихига оид ёзма манбалардан ҳам фойдаланган, фақатгина тахмин қилинишича, бу ёзма манбалар оғзаки ахборот ёки дostonлар, афсоналар ва ривоятлар бўлган бўлиши мумкин. [6,Б.50]

Айни вақтда муаллиф томонидан амалга оширилаётган тадқиқот объектининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тахмин қилиш мумкинки, оғзаки маълумотлар ёзма манбалардаги маълумотларни тўлдириш ва уларга аниқлик киритиш эҳтиёжи мавжуд бўлганлиги учун тўпланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, шундай бўлсада, муаллиф ўзи тўплаган маълумотларнинг ишончли эканлигига даъво қилмайди, балки асосан оғзаки тарих, оғзаки маълумотларга асосланган асарининг хатолардан ҳоли эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади ва китобхонлардан бу ҳолатни инобатга олишларини сўрайди. -"Ғараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нухани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азилардин ва улуг-кичикдин, ёронлардан илтимос

улдурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасини эшитмак бирла битиб турурмен" [10,Б.8]

Шу ўринда тарих фанининг назарий масалалари борасида фанда бир қатор қарашларни илгари сурган таниқли тарихчи олим И.Ковальченконинг фикрларини келтириб ўтишни ўринли деб ҳисобладик, унинг таъкидлашича, манбанинг юзага келиши жараёнининг ўзи ахборотлашиш ва ахборотлаштириш жараёнидир. Манбанинг яратувчиси ёки тарихнавис манбани ёзиш жараёнида аниқ мақсадни қўяди ва бир қатор вазифаларни амалга оширади. Манба муаллифининг ўзи воқеликнинг бир қисмидир. Яхши ёки ёмон манбалар бўлмайди, булар тадқиқотчининг таҳлилга ёндашуви ва қўллаётган тадқиқот методларининг самарадорлигига боғлиқдир [15].

Ўтамиш Ҳожи ҳам ўз асарини қандай вазиятда ёзилганлигини, ундаги маълумотларга қанчалик ишонч билдирилиши ёки билдирилмаслигини, асарда келтирилган маълумотларни ўқиш ёки улардан фойдаланиш чоғида уларга танқидий ёндашиш лозимлигини қуйидаги сўзлар билан таъкидлаб ўтади: -" Машҳур турурким, қулоқ эшитган сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар". [10,Б.8] Шу тариқа Ўтамиш Ҳожи ўз асарининг ёзилиши жараёнлари, асар учун маълумотларнинг тўпланиши ва уларнинг танқидий таҳлилининг амалга оширилиши ва асарга киритилиши, шунга қарамай аксарият маълумотларнинг оғзаки манбалардан олинганлигини сабаб, уларда ҳақиқатга нисбатан ривоятга мойиллик кучлилиги кабилар ҳақида таъкидлаб, асарини ўқиш ва ундан фойдаланиш жараёнида албатта танқидий ёндашув зарурлигини таъкидлаб ўтади.

4. Хулосалар:

Хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир:

- биринчидан, Ўтамиш Ҳожи ибн мавлоно Муҳаммад Дўстийнинг "Ўтамиш Ҳожи тарихи" ("Чингизнома") асари ўрта аср Шарқ тарихнавислиги анъаналарини ўзида акс эттиради;

- иккинчидан, "Ўтамиш Ҳожи тарихи" ("Чингизнома") асари Хоразм тарихнавислик мактабининг ноёб намуналаридан бири сифатида Хоразм тарихи ва Жўжи улуси тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

- Учинчидан, Ўтамиш Ҳожи ўзи ёзган китобнинг аксарият маълумотлари, воқеалар тафсилотлари, тарихий жараёнларнинг талқини асосан оғзаки тарихга асосан яратилганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади [16,Б.69-73].

Замонавий тарих фани тушунчалари билан қарайдиган бўлсак, тадқиқот жараёнида келтирилган воқеалар ва уларнинг тафсилотлари манбалар асосида, далиллар билан мустаҳкамланган ҳолда илгари сурилиши, асослаб берилиши талаб этилади, акс ҳолда келтирилган маълумотлар ёки хулосалар илмий аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Бунда албатта барча даврларда бўлгани каби, манбалар ва уларда келтирилган маълумотлар, уларнинг ишончлигиги муҳим аҳамиятга эга.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Абулғозий. Шажараи турк. -Т.: Чўлпон, 1992. -Б.11-12. (Abulg'oziy. Shazharai turk. -Т.: Cho'lpon, 1992. - B.11-12.)

[2] Alimova D., Ilhomov Z. Tarix fani metodologiyasi. -Т.: Navro'z, 2019. - Б.53-54.

[3] Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари). -Т.:

Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. -Б.4. (Munirov Q. Historiography in Khorezm (XVII-XIX and early 20th centuries). -Т.: Publishing House of Literature and Art named after Gafur Ghulam, 2002. -В.4.)

[4] Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. V, VI жилд. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. 1980; Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих. - Т.: Ўзбекистон, 2009. Шермуҳаммад Мунис. Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. - Тошкент: Ўқитувчи, 2010; Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшохий. -Т.: Мерос, 1991. (Muhammad Riza Mirab Ogahi, son of Erniyozbek. Works. Volume V, VI. -Tashkent: Literature and Art Publishing named after Gafur Gulom. 1980; Muhammad Riza Ogahi, son of Erniyazbek. Zubdatu-t-tavorix. - Т.: Uzbekistan, 2009. Shermuhammad Munis. Muhammadrizo Agahi. Firdavs ul-Iqbol. - Tashkent, 2010; Muhammad Yusuf Bayoniy. Shajarai Khorezmshahi. -Т.: Meros, 1991.)

[5] Воҳидов Ш. Мунис ва Огаҳий. "Фирдавс ул-иқбол". - Т.: Янги аср авлод, 2010. -Б.3(Vohidov Sh. Munis and Agahi. "Firdavs ul-iqbol". - Т., 2010. -В .3.)

[6]Мустакимов И.А. Арабографические нарративные источники по истории тюрко-татарских государств XV-XVIII вв. // Средневековые тюрко-татарские государства. Сборник статей. Выпуск 5: Вопросы источниковедения и историография истории средневековых тюрко-татарских государств. - Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2013. Стр.48-53. (Mustakimov I.A. Arabographic narrative sources on the history of the Turkic-Tatar states of the 15th - 18th centuries // Medieval Turkic-Tatar states. Digest of articles. Issue 5: Source studies and historiography of the history of medieval Turkic-Tatar states. - Kazan: Institute of History. S. Marjani, Academy of Sciences of the Republic of Tatarstan, 2013, pp. 48-53.)

[7] Утемиш -Хаджа б.маулан Мухаммед Достӣ.// ru.m.wikipedia.org.(Utemish - Hajj b.maulan Muhammad Dosti.// ru.m.wikipedia.org.)

[8] Утемиш Хаджи. Чингиз - наме. Факсимиле, перевод, транскрипция, примечания, исследования В.П.Юдина, комментарий и указатели М.Х.Абусейтовой. Алма-Ата. 1992. Қаранг: Аҳмедов Б. Ўтамиш ҳожи ва унинг "Чингизнома" асари ҳақида // e-tarix.uz. (Utemish Haji. Genghis - name. Facsimile, translation, transcription, notes, studies by V.P.Yudin, commentary and pointers by M.Kh. Abuseitova. Alma-Ata. 1992. See: Ahmedov B. About Hajj and his work "Chingiznoma" // e-tarix.uz.)

[9] "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Давлат илмий нашриёти, 2004, 204-б ("The National Encyclopedia of Uzbekistan". State Scientific Publishing House, 2004, p)

[10] Ўтамиш Ҳожи тарихи. (XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -Б.3 (Past History of Hajj. (Sixteenth-Century Turkic Historical Source) Past Hajj ibn Muhammad Dusti. - Tashkent: "Uzbekistan", 2009. В.3)

[11] Аҳмедов Б. Ўтамиш ҳожи ва унинг "Чингизнома" асари ҳақида // e-tarix.uz (Ahmedov B. About Hajj and his work "Chingiznoma" // e-tarix.uz)

[12] Хоразмни бир йил - 1557-1558 йилларда идора қилган (He ruled Khorezm for one year - 1557-1558)

[13] Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома). -Т.: Чўлпон, 2003. -Б.76-77. (Akhmedov B. Famous Uzbek historians: (Bio-bibliographic reference). -Т.: Chulpon, 2003. -В.76-77.)

[14] Камоҳақ - ҳақиқатда қандай бўлган бўлса. Қаранг: Ўтамиш Ҳожи тарихи.

(XVI асрга оид туркий тилда ёзилган тарихий манба). Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -Б.6. (Incredible - as it really is. See Past Hajj History. (Sixteenth-Century Turkic Historical Source) Past Haji ibn Muhammad Dusti. - Tashkent: Uzbekistan, 2009. -B.6.)

[15] Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. -М., Наука. 1987. (Kovalchenko I.D. Methods of historical research. -M., Science. 1987.)

[16] Илҳомов З. "Ўтамиш Хожи тарихи" - Хоразм тарихнавислик мактабининг ноёб ёдгорлиги. / "Ижтимоий гуманитар фанларнинг долзарб масалалари: ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. -Нукус, 2018. -Б.69-73. (Ilhomov Z. "The history of the ancient Hajj" is a unique monument of the Khorezmian technical school. / Materials of the international scientific-theoretical conference "Actual problems of social humanities: prospects of development". -Nukus, 2018. -B.69-73.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Otamurotova Robiyajon


Urganch davlat universiteti Tarix fakulteti o'qituvchisi

Matyaqubov Toyirjon Sultanbayevich

Urganch davlat universiteti Tarix fakulteti talabasi

AMIR TEMUR DAVLAT BOSHQARUVINING O'ZBEKISTONDA O'RGANILISHIGA MULOHAZALAR

For citation: Otamurotova Robiyajan, Tayirjan Matyakubov Sultanbayevich. Reflections on the study of Amir Temur's state administration in Uzbekistan. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp.47-52

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-6>

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Buyuk sarkarda va davlat arbobi Amir Temur davlati va unda olib borilgan davlat boshqaruvi tartibi to'g'risida ma'lumotlar berib o'tiladi. Shuningdek maqolada XIV asr oxiri XV asr boshlarida Markaziy Osiyodagi siyosiy vaziyat, Amir Temur davlatining siyosiy tuzumi va davlatda mavjud bo'lgan davlat mansablari haqida bayon qilib beriladi. Mustaqillik davrida Amir Temur va uning davlati tarixini o'rganish ustida olib borilgan imiy ishlar haqida ma'lumot beriladi.

Kalit so'zlari: Amudaryo, farsax, mahkama, vazir, xazina, mashvarat, o'nbegi, yuzbegi, mingbegi, tumanbegi, qozi, jarchi.

Отамуродова Робияжан,

Преподаватель кафедры УрГУ факультета истории

Тойиржон Матякубов Султанбаевич,

Студент УрГУ факультета истории

ОБЗОРЫ ИЗУЧЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Эта статья дает вам обзор великого государственного и государственного деятеля Амира Темура и его правления. В статье также описывается политическая ситуация в Центральной Азии в конце XIV и начале XV веков, политическая структура

государства АмирТемур и существующие государственные позиции. В нем содержится информация о проделанной работе по изучению истории Амира Темура и его страны в годы независимости.

Ключевые слова: Амударья, фарсах, ведомство, министр, казна, собрание, десятник, мингбеги, жарчи, козна.

Otamurotova Robiyajan,

Teacher of the кафедра of history faculty of UrSU

Tayirjan Matyakubov Sultanbayevich,

Student of UrSU history faculty

REFLECTIONS ON THE STUDY OF AMIR TEMUR'S STATE ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article gives you an overview of the great statesman and statesman Amir Temur and his rule of government. The article also describes the political situation in Central Asia in the late 14th and early 15th centuries, the political structure of the state of Amir Temur and the current state positions. It provides information on the work done to study the history of Amir Temur and his country during independence.

Index Terms: Amu Darya, Persia, Court, Minister, Treasury, Counsel, Ongoing, Yuzbashi, Mingbashi, Jarchi

1. Dolzarbligi:

O'rta asr davlatlari tarixiga nazar solar ekanmiz Buyuk sarkarda, davlat arbobi Amir Temur davlatining nechog'lik yuksak ekanligini his etamiz. Bu yuksaklikning asosiy sabablardan biri Amir Temurning davlat boshqaruvida olib borgan islohotlaridir. Bu boshqaruv tizimi nafaqat o'sha davr uchun qolaversa, hozirgi kun uchun ham muhim hisoblanadi. Shuning uchun biz O'zbekistonda Amir Temurning davlat boshqaruv usullari o'rganilishini mulohaza etdik.

Mustaqillik yillari ilmiy tadqiqotlarida Amir Temur saltanatida davlat boshqaruvining ma'muriy, harbiy va mahkama (sud) tizimi ma'lum darajada o'rganilgan. Ma'lumki, ma'muriy boshqaruv tizimi 1370 yili Amir Temurning hukmdor deb tan olinishidan boshlanadi. Odatda davlat boshqaruvida eng oliy mansabga Chingizxon avlodidan nomiga xon tayinlangan. Amir Temur tomonidan qo'yilgan dastlabki xonning taxtga o'tkazilgan sanasi va joyi xususida tadqiqotlarda turli fikrlar bildirilgan. Masalan, bu voqea hijriy 771 yil ramazon oyining boshida, ya'ni 29 mart 1370 yil Amudaryo bo'yidagi Elburz qal'asida chaqirilgan qurultoyda yuz bergani aytiladi [1, B.279]. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasida esa, 1370 yilning 11 aprelida Balxda Chig'atoy ulusining barcha beklari, amirlari, viloyat va tumanlarning dorug'alari hamda Termizning sayidlari, shuningdek, Amir Temurning yoshlikdan birga bo'lgan quroldosh do'stlari va piri Sayid Baraka ishtirokida o'tkazilgan qurultoyda an'anaga ko'ra chingiziylardan Suyurg'atmishxon mamlakat hukmdori deb e'lon qilingan, deb yozilganini ko'ramiz.

"O'zbekiston davlatchiligi tarixi ocherklari" kitobida ham "qurultoy" Balxda chaqirilgani, Sayid Baraka esa Termizdan uch farsax, ya'ni 20 km uzoqlikdagi Beva mavzesida Amir Temur qarorgohiga kelib Sohobqironga hukmdorlik ramzlari

bo'lmish bayroq va nog'ora topshirgani haqida fikr bildirilgan.[2, B.366]

2. Metodlar:

Ma'lumki, Markaziy Osiyo davlatchiligini yoritish masalasiga sovet davri tarixshunosligida salbiy qarashlar mavjud edi. Bunday qarashlar Amir Temur tomonidan tashkil etilgan o'zbek davlatchiligi masalasiga ham tegishli edi, albatta.

D.Abidjanova o'z dissertatsiyasi doirasida fransuz sharqshunosi R. Grossening Markaziy Osiyoda Amir Temur tomonidan markazlashgan davlatning tashkil topishini tasodifiy hol, deb yozgan noto'g'ri fikrlarini isbotlashga urindi va bunda yozma manbalarga tayangan holda asoslab berdi. D. Abidjanova shuningdek, X. Xukxem va A.J. Toynbilarning Markaziy Osiyoda davlatchilikning an'anaviy taraqqiyoti xususida aytgan fikrlariga qo'shiladi. "Temur qissasi" asarida esa Amir Temurning hokimiyatga kelishi xususida "Abul Barakotning tashabbusi bilan to'y bahonasida taxt da'vogarlarini bo'lmish Shoh Mahmud Badaxshiy, Shayx Muhammad Bayon Sulduz, Amir Kayxusrav va Amir Temurni ham taklif etib, muzokara olib boradi va Amir Kayxusravning taklifi bo'yicha qur'a tashlanib Amir Temur shohlik mansabiga saylanadi"[3,B.10] , deyilgan. Qur'a tashlanishi natijasida Amir Temurning tasodifiy ravishda hokimiyat tepasiga kelishi to'g'risidagi fikr shubhalidir. Chunki bunday ma'lumot o'sha davr yozma manbalarining birortasida uchramaydi.

B.Ahmedov, A. Muhammadjonov, A. Ziyov tadqiqotlarida Amir Temur markazlashgan saltanatni ma'muriy, harbiy va mahkama tizimlari yaratish orqali boshqarganligi masalalari umumiy tarzda yoritib berildi.

B.Ahmedov Amir Temurning vazirlarga qo'ygan talablarini sanab o'tar ekan, vazirlar saltanat ustunlari, ular mamlakat obodonchiligi, raiyatning tinchligi, sipohning ittifoqligi va xazina boyligini doimo nazorat qiluvchilar ekanligini

ta'kidlaydi. Shu talablar asosida Sohibqironning amirlardan Dovud, Sorbug'a, Husayn Barlos, Oqbug'a, Hoji Mahmudshoh, Elchibug'a Bahodir va Davlatshoh

baxshilarning vazirlikka tayinlangani haqida ma'lumot mavjud.[4, B.15,17] A. Muhammadjonov monografiyasida davlat tuzilishi qonun-qoidalari musulmon Sharqi davlatlaridan deyarli farq qilmay, uning boshqaruv tizimida mahalliy davlatchilik asriy an'analari o'rin olgani, qo'shni mamlakatlarning madaniy ta'siri asosida yangi tartib va qonunlar bilan takomillashgani, to'g'risida fikrlar bildirildi. Shuningdek, asarda markaziy ma'muriyat devonbegi - bosh vazir va yana yettita vazirdan iborat arkoni davlat - vazirlar mahkamasidan tashkil topgani, vazirlik nomlari, vazifalari yoritilgan.[5, B.84]

"O'zbekiston tarixi: Davlat va jamiyat taraqqiyoti" kitobida Amir Temur davlatining siyosiy tuzumi va dargoh, bosh vazir, unga qarashli bo'lgan vazirliklar boshqaruv tizimi chizmasida ko'rsatilgan.[6, B.143] Ammo ularning vazifalari haqida tafsilotlar berilmagan.

Ma'lumki, dargoh boshida rasman Chingizxon avlodlari bo'lgan (1370 yildan Suyurg'otmish, 1388 yildan Sulton Maxmud) bo'lsa-da, ammo amalda barcha hokimiyat Amir Temur qo'lida edi. Tadqiqotlarda bu masalalar ham e'tibordan chetda qolmadi. Ayniqsa "yasoq", ya'ni mo'g'ullar davridagi qonun-qoidalar majmui, haqida fikrlar bildirilgan.

Amir Temur davlati harbiy boshqaruv tizimini o'rganilishi masalasiga O'zbekistonda asosan, mustaqillik yillarida e'tibor qaratildi. Bu xususda A. Muhammadjonov, B. Ahmedov, H. Dadaboyev, A. Ziyov tadqiqotlarida ayrim mulohazalar bildirilgan. A. Muhammadjonov davlatdagi yuqori harbiy unvonlar, mansabdorlarning vazifalari, maoshi, ularga berilgan in'omlar haqida yozib, qisman qo'shinning tuzilishi va qo'mondonlik darajalari tizimi, Amir Temurning harbiy san'ati xususida to'xtalgan. Bunda davlatni boshqarishda, toju-taxt egalari vazifalari, vazir va qo'shin boshliqlarini saylash, sipohlarning maoshi, mamlakatni idora etish tartibi, davlat arboblari va qo'shin boshliqlarining burchi va vazifalari, amirlar, vazirlar va boshqa mansabdorlarning xizmatlarini taqdirlash tartibi

bayon etilgan. Aytish kerakki, barcha tadqiqotchilar Amir Temurning yirik sarkarda sifatidagi harbiy mahorati va bu sohaga kiritgan yangiliklarini "Tuzuklar"ga tayanib yoritganlar.

H.Dadaboyev risolasida Amir Temurning harbiy mahorati, jahon harbiy san'ati rivojiga qo'shgan hissasi to'g'risida mulohaza yuritir ekan, uning qo'shin tuzilmasi va undagi boshqaruv tizimining Chingizxon qo'shini tizimidan farqli jihatlari keltiriladi. Jumladan, unda davlatdagi mashvarat (harbiy kengash)ning faoliyati, harbiy mansablar, ya'ni, qo'shinning o'n, yuz, ming va tumanlarga taqsimlangani, ularga o'nbegi, yuzbegi, mingbegi va tumanbegilar sardorlik qilganliklari ta'kidlanadi. Amir Temurning farmoniga binoan atoqli lashkarboshilardan to'rttasi birinchi darajali sarkarda, ya'ni beklarbegi tayinlangan, dongdor amirlardan biriga "amir ul-umaro" lavozimi berilgan va u oliy bosh qo'mondon, ya'ni Amir Temurning noibi vazifasini ado etgan. Qo'shinning turli bo'linmalariga uch yuz o'n uch bek boshchilik qilgani, ularning dastlabki yuztasi o'nbegilik, ikkinchi yuztasi yuzbegilik, Sayfuddin, Shohmalik, Allohdod, Jahonshoh singari nomdor lashkarboshilar rahbarlik qilgani "Tuzuklar" asosida yoritilgan.

3.Tadqiqot natijalari:

Tadqiqotlarda davlatdagi huquqiy munosabatlar islom dini, Qur'oni karim va

hadislarda bayon etilgan tartib-qoidalarga asoslanilgani, shu jumladan, shariatga oid ishlarni islom qozisi, dunyoviy ishlarni ahdos qozisi, sipohiyar vaaskarlar orasidayuz beradigan huquqiy nizolarni qozi askar ko'rib hal qilgani aytiladi. "Temur va Ulug'bek davri tarixi" nomli kollektiv monografiyada shayxulislom, qozi al-quzzot (oliy sudya), qoziyi ahdos (odat bo'yicha hukm chiqaruvchi sudya), qozi askar (harbiy sudya), sadri a'zam (oliy sadr), dodxoh (shikoyatlarni ko'rib chiquvchi), muhtasib (shariat qoidalari ijrosi hamda bozorlarda narx navo, tarozilar to'g'riligini tekshiruvchi mansabdor) kabi huquqiy boshqaruv tizimiga oid atamalar keltirilgan, ammo ularning vazifalari borasida tafsilotlar berilmagan. [7,B.88] Qoziliklar to'g'risidagi ma'lumotlar A. Ziyo va Sh. O'ljayeva tadqiqotlarida batafsilroq, ya'ni Amir Temur saltanatida huquqiy boshqaruvda qozilikning uch xil turi mavjudligi aytilgan: birinchisi - harbiy sohadagi jinoyat va nizoli masalalar bo'yicha; ikkinchisi - islom shariati bilan bog'liq jinoyat va nizolarga muammolarga tegishli; uchinchisi kundalik, fuqarolik va davlatga tegishli masalalar (o'g'rilik, moliyaviy va ma'muriy sohalar) ga oid.[8] Shuningdek, Sh. O'ljayeva tomonidan markaziy, mahalliy, sud-huquq, harbiy va diniy boshqaruv tizimidagi mansab va unvonlar, ularning vazifalari kengroq yoritib berilganini ta'kidlash zarur.[9,B.157]

Qoziliklar faoliyati haqidagi ma'lumotlar devon orqali shaxsan Sohibqironga muntazam ravishda hisobot tartibida berib turilgan. "Tuzuklar"da qayd etilishiga ko'ra, saltanatda dunyoviy va harbiy jihatlarni Sohibqironning o'zi nazorat qilgan, hamda kerakli jazoni ham aynan uning o'zi bergan. B. Ahmedov davlatda qonun barchaga - vazirlar, amirlar, hokimlar, shahzodalar va raiyat uchun barobar bo'lgan, deydi hamda bunga Amir Temur 1393 yildan boshlab Eronzamin va Ozarbayjonni idora qilib turgan amirzoda Mironshohni davlat ishlarini o'z holiga tashlab qo'ygani uchun mansabidan olib tashlaganini, yetti yillik yurish chog'ida nabirasi Pirmuhammad Sultonning (Fors hokimi vazifasida) yo'l qo'ygan sustkashligi uchun ham xuddi shunday jazoga tortilganini misol qilib ko'rsatadi. Asarda Amir Temur raiyatni himoya qilishni qonun bilan mustahkamlagani, agar dorug'alar va hokimlar xalqqa zulm qilib, ularni xarob qilgan bo'lsalar, qilgan ishlariga loyiq jazo berilgani, Sohibqiron nafaqat o'z xalqi, balki fath etilgan mamlakatlarning xalqini ham imkoni boricha qonun himoyasiga olgani ta'kidlanadi. [11,B.23] Qonunlarning raiyat uchun ham barobar bo'lgani xususida B.Ahmedovning yozishicha, 1404 yil 9 oktyabrda Temurbek ayrim qassoblarni, u Samarqandda bo'lmagan yillari, go'shtni ortiq

narxda sotganlari uchun javobgar qilishni buyuradi. Shuningdek, moliga ortiq baho qo'yib sotgan ba'zi mahsido'zlar ham jazoga tortiladilar. Yuqoridagi misollar bevosita Klavixo "Kundaligi'ga asoslangan holda berilgan. Fransuz temurshunosi L.Kerenning fikricha, Amir Temur yurishdan qaytgandan so'ng jarchilar vositasida shaharda adolat o'rnatishini elga ma'lum qilgan va shu maqsadda qozixonalar ish boshlagan. Bunda ulug' amir yo'qligidan foydalanib, o'z shaxsiy manfaatlarini o'ylab ish tutgan imonsiz amaldorlar mansabi, molu dunyosi va saroy ahli bilan qarindoshligidan qat'iy nazar shafqatsiz jazolangan. Eng avvalo bosh vazir Muhammad Dovudni Amir Temur xalq ko'zi oldida jazolagan.[10,B.49]

4.Xulosalar:

Shu tariqa Amir Temur davlat boshqaruvini o'ziga hos tarzda olib brogan. Qolaversa Sohibqiron Temur davlat boshqaruvida qattiyatlik bilan olib brogan, davlat amaldorlari qilgan xatolari uchun ayovsiz jazolangan. Shuning uchun ham Amir Temur davlati o'sha davrning yuksak taraqqiy qilgan davlati bo'lgan. Hatto yevropaning Fransiya, Ispaniya kabi davlatlarning hukmdorlari ham Temur davlatini tan olganlar.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Муҳаммаджонов А. Амир Темур // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашри?ти, 2000. Жилд. I (Mukhammadjanov A. Amir Temur / The National Encyclopedia of Uzbekistan. - Т.: State Scientific Edition of UME, 2000. Volume. I)
- [2] Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова., Е.В. Ртвеладзе. - Т.: Шарқ, 2001. (Essays on the History of Uzbek Statehood / Responsible Editors: D.A. Alimova, E.V. Rtvelatze. -Т., 2001.)
- [3] Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси / Бобобеков Ҳ., Бобоев Ҳ. Қуронбеков А., Бобокалонов З., МирзаевТ. -Т.: Фан, 2004.(Amir Temur Kuragon. The story of Temur. Bobobekov Kh., Boboev Kh., Kuronbekov A., Bobokalonov Z., Mirzaev T.-Т.: Science, 2004.)
- [4] Аҳмедов Б. Сўз бошиси / Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. - Т.: Адаби?т ва санъат нашри?ти, 1991. (Akhmedov B. Introduction/ Temur tuzuklari / A. Soguni and Kh. Koramatov translation from persian. - Т.: Publishing house, 1991)
- [5] Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати.2001. (Mukhammadjanov A. Amir Timur and Timurids' kingdom. -Т.2001.)
- [6] Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққи?ти. - Т.: Академия, 2000. (Sagdullaev A., Aminov B., Mavlonov O., Norkulov N. Histoty of Uzbekistan: Developing of state and society. - Т.: Academy, 2000.)
- [7] Темур ва Улуғбек даври тарихи ... А. Асқаров. О. Одилхон. - Т.1996. (History of Amir Timur and Ulugbeks' epoch ... A. Askarov. O. Odilkhon. -Т. 1996.)
- [8]Зиё Азамат. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). - Т.: Шарқ, 2000. (Azamad Ziyо. Uzbek's statehood history (from the most ancient age to invasion of Russian). - Т.: East, 2000.)
- [9]Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. - Т.: Фан, 2005. (Uljaev Sh.M. Developing national statehood in epoch of Amir Timur and Timurids. - Т.: Science, 2005.)
- [10] Керен Л. Амир Темур салтанати / Б. Эрматов таржимаси. - Т.: Маънавият, 1999. (Keren L. Amir Timur's kingdom/ В.Ermatov's translation. - Т.: Spirituality,

1999.)


[11] Аҳмедов Б. Амир Темур давлати // Амир Темур сабоқлари: 3. Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари.-Т.: 1999. (Akhmedov B. Amir Timur's kingdom // Amir Timur's precepts: Amir Timur and his great service about to build a centralized state. -Т.: 1999.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тошов Камолиддин Тожинорович,
Термиз давлат университети ўқитувчиси

ҒАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН МУНОСИБ ҲИССА

For citation: Toshov Kamoliddin Tojinorovich. A worthy contribution to the victory. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp. 53-58

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф иккинчи жаҳон уруш йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларининг фронтга юборган моддий ёрдами ҳамда ватанпарварлиги билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берган. Мақолада келтирилган маълумотлар асосида ўзбек халқининг фронт ортини мустақамлашдаги ўрни тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: фронт, фронт орти, иссиқ кийим, озиқ-овқат, мудофаа, жамғарма, заём, моддий ашёлар, уруш, арсенал, эвакуация, меҳр-оқибат.

Камолиддин Тожинорович Тошов,
Преподаватель Термезского госуниверситета

ДОСТОЙНЫЙ ВКЛАД В ПОБЕДУ

АННОТАЦИЯ

В статье автор анализируя материальные и патриотические аспекты южных регионов Узбекистана иллюстрирует вклад узбекского народа в победу над фашизмом во время Второй мировой войны. На основе приведённых материалов, была исследована роль узбекского народа в укреплении фронта.

Ключевые слова: фронт, тыл фронта, теплая одежда, еда, оборона, сбережение, кредиты, материальные ценности, война, арсенал, эвакуация, доброта.

Toshov Kamoliddin Tojinorovich,
The teacher of Termez State University

AWORTHY CONTRIBUTION TO THE VICTORY

ABSTRACT

In the article, the author illustrates the contribution of the Uzbek people to the victory over fascism during World War II by analyzing the material and patriotic aspects of the southern regions of Uzbekistan. Based on the information presented in this article, the role of the Uzbek people in the strengthening of the front has been explored.

Keywords: front, back front, warm clothing, food, defense, savings, loans, material items, war, arsenal, evacuation, kindness.

1. Долзарблиги:

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг даҳшатли ва қирғинбарот урушлардан бири бўлди. Бу урушда бутун инсоният ўзининг барча куч ва имкониятларини фашизм устидан қозониладиган ғалабага қаратди. Роппа-роса олти йил давом этган иккинчи жаҳон уруши ғалаба билан тугади. Бу ғалаба инсониятни фашизм балосидан асраб қолди.

Албатта ўзбек халқи ҳам ушбу ғалабани таъминланишига ўзининг муносиб ўрнини қўшди. Ўзбек жангчилари қонли жанг майдонларида душман билан аёвсиз кураш олиб борди. Шунингдек партизанлик ҳаракатларида ҳам ўзбек аскарлари фаол қатнашди. Уруш даврининг оғир синовларига қарамасдан Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам таҳсинга сазавор ишлар қилинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон собиқ СССРнинг йирик ҳарбий арсеналига айланди. Натижада республиканинг бутун халқ хўжалиги уруш даври талаблари доирасида қайта қурилди. Бундан ташқари ўзбек халқи фронтга иссиқ кийимлар, озиқ-овқат етказиб бериш, мудофаа фондларини бойитиш, жангавор техникалар қурилишига маблағ тўплаш борасида ҳам фаол иштирок этди.

Дунёда тинчликни сақлаш инсониятнинг тинч ва хотиржам яшашини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кундан эътиборан тинчлик ва халқлар ўртасидаги тотувликни тарғиб этиб келмоқда. Миллий истиқлол ғояси саналган бош ғоямизнинг ҳам асл мақсади тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган. Чунки мамлакатимизнинг келажагини, иқтисодий ва сиёсий ривожини таъминлаш, ёш авлодни эзгу ғоялар асосида ватанпарвар, мард ва жасур ҳамда тарихий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялашда, қўлга киритаётган ҳар бир ютуғимизда, осуда отаётган ҳар бир тонгимизга тинчликнинг бебаҳо ўрни бор. Инсоният ўз тарихи мобайнида бошидан жуда кўплаб катта ва кичик урушларни ўтказди. Бу урушларда кўплаб талофатлар кўрди, йўқотишларга дучор бўлди. Ана шундай урушларнинг энг даҳшатлиси, инсониятни мислсиз қирғинларга гирифтор этган, миллионлаб хонадонларга қайғу, ғам ва алам шамолини олиб кирган XX асрнинг 40-йилларида содир бўлган иккинчи жаҳон уруши эди. Бу урушда фашизм устидан қозонилган ғалаба оламшумул аҳамиятга эга ҳодиса бўлди. Чунки айнан шу ғалаба инсониятни беҳисоб бало-қазолардан сақлаб қолди. Шу боис иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг аҳамияти ҳеч қачон ўз

қадрини йўқотмайди.

2. Методлар:

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик холислик, муаммоли хронологик, географик дитерминизм, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди. Мақолада кўтарилган масала тарихнавислик фанида нисбатан кам ўрганилган соҳа саналади. Бироқ Ш.Каримовнинг "Ғалабага қўшилган ҳисса" -Тошкент, 1992. асарида ўзбек халқининг фронтга қўшган ҳиссаси ёритилган бўлса, С.Турсунов ва Т.Пардаевларнинг "Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шерободликларнинг жасорати" -Термиз, 1998, ўша муаллифларнинг "Унитилмас жасорат" -Термиз, 1995, С.Турсунов, О.Соатов, Х.Жўраевларнинг "Хотира барҳаёт-қадрлаш мангу" -Тошкент, Янги нашр-2009, каби тадқиқотларда мавзунинг айрим жиҳатларигина ёритилган. Аммо ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилган эмас.

3. Тадқиқот натижалари:

Душман билан бўлаётган қонли муҳорабада ғалаба қозониш жангчиларга нафақат иссиқ кийим ва озиқ-овқатлар билан, балки бошқа моддий ашёлар билан ҳам ёрдам кўрсатишни тақозо қилар эди. Шунинг илоҳотида олган воҳа аҳли уруш бошланган кундан то 1941 йил 15 августгача бўлган қисқа вақт мобайнида армия эҳтиёжлари учун фронтга 12897 бош от ва 1334 та автомашина жўнатди. 1942 йилнинг қаҳратон қиши жангчиларга иссиқ кийимларни янада кўпроқ тўплашни талаб қилар эди. Шу муносабат билан вилоятнинг барча туманларида жангчиларга иссиқ кийимлар тўплаш ҳаракати жадаллик билан амалга оширила бошлади. Жумладан, армия эҳтиёжи учун иссиқ кийимлар тўплаш жамғармаларини бойитишда бойсунликлар 220 дона фуфайка, 2426 дона тери, сариосиёликлар 1606 кг жун, 3276 дона қўй ва қорамол териси, 209 дона кўрпа, 201 фуфайка, 314 жуфт жун қўлқоп, жарқўрғонликлар 401 та фуфайка, 424 та қўйлак, 1745 жуфт пўстин 526 дона ҳар хил пахтали кийимлар 2734 кг жун ва 4767 дона қўй териси топшириб алоҳида ўртак кўрсатдилар [1]. Умуман, 1942 йилнинг 31 декабригача бўлган вақт мобайнида вилоят ҳарбий комиссариати омборхонасига жангчиларга иссиқ кийимлик учун 55 та пахталик шим, 108 жуфт пайпоқ, 2 жуфт жун қўлқоп, 565 та дастрўмол, 116 та ёзлик қўйлак, 27 дона одеял ва 19 дона пўстин топширилди [2].

Фашизмни маҳв этишга қаратилган уруш умумхалқ ҳаракати тусини олган эди. Душман билан бораётган жангда ғалаба қозонишга ҳар бир кексаю-ёш ҳиссасини қўшишни ўзининг инсоний бурчи деб ҳисобларди. Душман устидан ғалаба қозонишда вилоят мактаб ўқувчиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Улар фронт ортида туриб ишлаб чиқириш корхоналари ва қишлоқ хўжалик далаларида меҳнат қилишдан ташқари жангчиларга кўплаб иссиқ кийимлар ва озиқ-овқатлар тўплаб жўнатишда ҳам алоҳида ўртак кўрсатдилар. Жумладан, 1941 йилнинг 10 августида Шеробод туманидаги Сталин номли ўрта мактаб ўқувчилари М.Ашурбоева ва Б.Ҳамроевларнинг ташаббуси билан жангчиларга совға жўнатилди. Термиз шаҳридаги К.Маркс номли мактаб ўқувчилари эса жангчиларга умумий миқдори 7000 сўмлик бўлган иссиқ кийимлар тўплаб топширдилар. Айниқса Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи 11 ёшли қиз Надя Алейникованинг жангчиларга ғамхўрлиги алоҳида диққатга сазовор бўлди. Фронтга кетган отасидан қора хат олган Надянинг мурғак қалбига ҳам шафқатсиз уруш ўз ярасини солди. Душманга нисбатан чексиз нафратда бўлган Надя отаси учун душмандан қасос олишга онт ичди ва шу онтни бажариш учун ўзи йиғиб юрган пулга 30 дона игна, 15 дона

ип ҳамда бир неча килограм ўрик, жийда ва майиз сотиб олиб жангчиларга совға жўнатди. Совғалар солинган қутичанинг устига эса ўз қўли билан "Отам учун лаънати немислардан қасос олинглар" деб ёзиб қўйди [3].

Фронтга кўплаб иссиқ кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳаракатини жадаллаштириш ишида фронтдан туриб фронт ортида меҳнат қилаётган меҳнатқашларга қарата ёзилган мактубларнинг таъсири катта бўлди. Жумладан Украина фронтининг жангчилари жарқўрғонлик ёшларга фронтдан туриб мактуб йўлладилар. Жарқўрғонлик ёшларга қарата ёзган мактубида фронт ортида бунёдкорлик иши билан шуғулланаётган ёшларни яна улкан меҳнат зафарларига эришишда ва фронтга кўплаб моддий ёрдам уюштиришда фаол иштирок этиши уқтириб ўтилган эди. Биргина 1943 йилнинг 7 январида воҳа аҳли фронтга 257 та ярим пўстин, 224 та нимча, 195 та телпак, 145 жуфт қўлқоп, 93 жуфт пайпоқ ва 39 жуфт пийма жўнатдилар[4].

1943 йил 23 февралда жойларда жангчиларга совғалар уюштириш ҳаракати қизгин тус олди. Шу муносабат билан 1943 йилнинг 14 январида Вилоят ижроия кўмитаси жангчиларга совғалар юборишни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга биноан жойларда байрам совғалари тўплаш ҳаракати ниҳоятда авж олиб кетди. Жумладан, Сариосиё туман, МТС ходимлари 30 та посылка тўплаб жангчиларга совға сифатида жўнатдилар. Жарқўрғонликлар 500 дан ортиқ совға жўнатган бўлса, шўрчилик серҳиммат инсонлар саъй ҳаракатлари билан жангчилар учун 9349 кг тариқ, 3 тонна арпа, 192 кг гуруч, 468 кг мой, 9 кг тамаки, 75 жуфт пайпоқ, 33 жуфт қўлқоп, 2 та патефон, 43 та пластинка тўплаб жўнатилди [5]. Деновликлар эса жангчиларга 2 вагон совға жўнатди. Юборилган совғаларнинг умумий оғирлиги 23038 кг бўлиб, ундан 3000 литр вино, 1400 кг қуруқ мева, 14 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 237 кг мош, 6 патефон, 136 та пластинка ҳамда 420 та шахсий совғалар жой олган эди.

1943 йилнинг 27 январида Бойсун туманидаги "Ленин йўли" жамоа хўжалиги Ўзбекистоннинг барча ёшларига қарата мурожаат қабул қилди. Бойсунлик ёшлар қабул қилган мурожаатда жангчиларга байрам совғаларини янада кўпроқ жўнатиш фронт ортидаги ҳар бир ёшнинг бош вазифаси эканлиги қайд қилиниб, Ўзбекистоннинг барча ёшларини ушбу ишда фаол иштирок этишга чақирганди. Мурожаат қабул қилинган куннинг эртасига жангчиларга совға сифатида 3800 кг гўшт, 625 кг қуруқ мева ва 811 кг сабзавот маҳсулотлари жўнатдилар [6]. Жарқўрғон туманининг Жарқўрғон қишлоқ кенгашига қарашли "Меҳнат роҳат", "Намуна", ва "Қизил соқчи" жамоа хўжаликларининг аъзолари жангчиларга ёрдам сифатида 7 бош қўй, 60 кг ёғ, 20 центнер ғалла, 6,5 тонна ошқовоқ ва 2 тонна сабзи жўнатдилар [7]. Жангчиларнинг Сталинград остоналарида душман устидан қозонган ғалабаси барча тинчликсевар халқлар қаторида Сурхон элининг софдил инсонлари қалбларига олам-олам қувонч бахш этди. Ушбу ғалабадан илҳом олган воҳа аҳолиси жангчиларга совға уюштириш ишини янада қиздириб юборди. Масалан, биргина Термиз шаҳрида жойлашган ҳарбий гарнизон ётоқхонасида истиқомат қилаётган ҳарбийларнинг рафиқалари жангчиларга янада кўпроқ ёрдам бериш мақсадида 260 дона турли хил иссиқ кийимлар тўплади. Жангчиларга моддий ёрдамлар уюштириш ҳаракатида вилоятнинг Шеробод тумани аҳли ҳам ибрат кўрсатди. Биргина 1943 йилнинг 1 январидан 10 сентябригача бўлган вақт мобайнида Шерободликлар жангчиларга ёрдам сифатида 41186 кг гўшт, 875488 сўм пул, 297 кг жун, 320 дона ётери, 71757 кг ғалла, 269 центнер сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 2784 кг қуруқ мева ва 570 кг сариеғ жўнатди [8, Б36-37].

Жангчиларга ёрдам жўнатиш ишида мактаб ўқувчилари ҳам алоҳида намуна кўрсатдилар. Жумладан, Термиз шаҳридаги К.Маркс номли ўрта мактаб ўқувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан жангчиларга ёрдам сифатида 1200 сўмлик турли хил ширинликлар ва 100 дан ошиқ китоб тўплаб жўнатилган бўлса, жарқўргонлик ўқувчилар эса жангчиларнинг соғлигини сақлаш жамғармасига 3 кун ичида 365 кг шафтоли данаги, 52 кг ўрик данаги, 140 кг қовун ва ошқовоқ уруғи тўплаб топширдилар. Сталинград остонасида қозонилган ғалабани эшитган Жарқўргон туманининг "Занг" қишлоқ кенгашига қарашли "Қизил юлдуз" жамоа хўжалиги аъзолари Сталинград ҳимоячилари учун 1 гектар ерга арпа, 8,5 гектар ерга тариқ, 10 сотих ерга пиёз экиб, ундан олинган ҳосилни жангчиларга совға қилиб юборадиган бўлдилар. "Деҳқон бирлашув" жамоа хўжалиги аъзолари эса жангчилар учун 2 гектар ерга арпа ва буғдой экидилар. Бундан ташқари 1 қўй, 100 кг арпа, 6 центнер ошқовоқ, 10 кг жун ва 10 дона тери тўплаб жангчиларга совға сифатида жўнатдилар [9].

Ҳақиқатдан ҳам барча иттифоқдош республикалар халқ оммасининг ғоят зўр саъй-ҳаракатлари ва фаол меҳнатлари туфайли маъмурий бошқарув усуллариининг салбий оқибатларига қарамасдан бутун мамлакат бутун халқ ҳаракатининг ягона тизимини яратиш, мамлакат ичкариси билан фронтнинг бирлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлинди. Г.К.Жуков ўтган урушнинг урушдаги ғалаба қандайдир ғайритабиий куч, буюк шахс ёки бахтли тасодиф туфайли инъом этилган эмас, у жангчиларнинг мислсиз тўкилган қони, фронтдаги кишиларнинг тинимсиз меҳнати, пешона тери ҳамда чексиз сабр-матонатининг эвазига қўлга киритилди. Шу боисдан ҳам иккинчи жаҳон урушининг йирик фаркардаларидан бири Г.К.Жуков масаланинг ана шу томонига тўхталиб шундай ёзган эди: "Энг аввало биз совет кишиларимизга бошимизни ерга қадар эгиб таъзим қилишимиз керак. Улар душман устидан ғалабани ташкил этиш мақсадида олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун ўзларига зарур бўлган, барча зарур нарсалардан, озиқ-овқатдан ва уйқудан воз кечиб ўзларига боғлиқ барча нарсаларни қилдилар [10, Б208]. Бошқа бир у бундай деб қўшимча қилади: "Бу одам қаерда бўлмасин-фронтдами, мамлакат ичкарисидами, душман орқасидами, фашистлар лагеридами, Германиядаги эркисиз меҳнатдами барча жойда фашизм устидан қозониладиган ғалаба соатини яқинлаштириш учун қўлидан келадиган барча нарсани қилди"[10, Б208] табиийки ўзбек халқи ҳам фашизм устидан қозонилган ғалабага беқиёс ҳисса қўшди.

Дарҳақиқат, фашистлар Германияси устидан ғалабани таъминлашда ўзбек халқининг ҳам ниҳоятда катта ҳиссаси бор. Машъум уруш йилларида ўзбек халқи ҳам фашизмга қарши курашда мислсиз жасорат кўрсатди. Фронт ортидаги тинимсиз меҳнат, ҳисобсиз йўқотишлар чексиз азоб ва уқубатлар халқимизнинг сабр-бардошини, чидам ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди. Фронт чизиқларида олиб борилган беомон жангларда мардлик ва шижоат кўрсатган ўзбек жангчиларининг жасорати сўнмас қаҳрамонликка айланди.

4.Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

-Иккинчи жаҳон урушида бутун тинчликсевар инсоният қаторида ўзбек халқи ҳам мислсиз жасорат кўрсатган ва фашизм устидан қозонилган ғалабага ўзининг муносиб улушини қўшган;

-Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонга эвакуация қилинган ҳамда Сталин ренсими асосида бадарға қилинган аҳолига ёрдам бериш, уларга бошпана ва

моддий ҳамда маънавий кўмаклашишда ўзбек халқининг менталитетига хос бўлган меҳр-мурувват ва саховат каби фазилатлар ўзининг яна бир бор тасдиғини топган;

-Иккинчи жаҳон урушининг қийинчиликидаги ҳамда етишмовчиликларига қарамасдан ўзбек халқи шу жумладан Сурхон воҳасининг аҳолиси ўзининг моддий ёрдамини фронтдан аямаган, аксинча кўплаб моддий бойликларни тўплаб фронтга ва жангчиларга жўнатган;

-Иккинчи жаҳон урушида Сурхон воҳасининг аҳли ҳам фронтга иссиқ кийимлар, озиқ-овқат етказиб бериш, шунингдек жанговор техникалар қурилиши, мудофа фондларини бойитишга ўзининг муносиб улушини қўшган ва бу билан фашизм устидан қозонилган галабани таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшган.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Илғор Сурхон учун газетасининг 1941 йил 11 ноябрь сони. (Issue of the newspaper "Surkhon for advanced". November 11, 1941)

2. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45- фонд 1- ёзув, 51- иш, 47- бет.(Surkhandarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 51, page 47)

3. "Ленинская знамя" газетаси, 1943 йил 31 март. (Issue of the Leninskaya znamya newspaper, March 31, 1943.)

4. Сурхондарё вилоят давлат архив 45-фонд, 1-ёзув, 110-иш, 48 бет. (Surkhandarya regional state archive 45 funds, note 1, case 110, page 48.)

5. Илғор Сурхон учун газетаси, 1943 йил 12 февраль сони. (February 12, 1943 issue of the newspaper "Surkhon for advanced".)

6. "Ленинская знамя" газетаси, 1943 йил 28 январь (Leninskaya znamya Newspaper, January 28, 1943)

7. "Ленинская знамя" газетаси, 1943 йил 10 февраль (Leninskaya znamya newspaper, February 10, 1943)

8. Турсунов С., Пардаев Т. Шеробод меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати. -Термиз, 1993, 36-37 бетлар. (Tursunov S., Pardaev T. "The Courage of Sherabad Workers during the Great Patriotic War" Termez, 1993, pp. 36-37.)

9. Илғор Сурхон учун газетаси, 1943 йил 14 февраль (The February 14, 1943 issue of the Progressive Surkhan Newspaper.)


10. Жуков Г.К. Воспоминания и размышления. -М., 1969. -С.208. (Zhukov G.K.Vospominaniya and smashing. -M., 1969. -P.208.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Темирова Машхура Мухаммадаминовна,
Қўқон Давлат педагогика инситути ўқитувчиси

СОВЕТ ҲУКУМАТИ ДАВРИДА РАДИОНИНГ КОММУНИСТИК МАФКУРА ТАРҒИБОТИ ВОСИТАСИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

For citation: Temirova Mashkhura Mukhammadaminovna. Transforming radio as a means of propagating communist ideology during the soviet era. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp. 59-71

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада республика радиоси партия коммунистик ғояларини тарғиб қилишдаги фаолияти масалалари ёритилган. Шунингдек, радионинг республикада совет ҳукумати олиб борган сиёсатини тарғиб қилишдаги асосий восита бўлганлиги ва бунинг ҳалқ онгига таъсири тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Республика радиоси орқали ҳар куни эфирга бериб борилган эшиттиришлар коммунистик партиянинг ғояларига мос тарзда тузилганлиги шу даврда чоп этилган газеталардаги дастурлар орқали таҳлил этилган.

Калит сўзлар: радиоэшиттириш, радиодастур, партия, коммунистик, тарғибот, социалистик, радиогазета, эфир.

Темирова Машхура Мухаммадаминовна

Преподаватель Кокандского государственного педагогического института

ПРЕВРАЩЕНИЕ РАДИО КАК СРЕДСТВО ПРОПАГАНДЫ КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ИДЕОЛОГИИ В СОВЕТСКОЕ ВРЕМЯ

АННОТАЦИЯ

В статье освещается деятельность республиканского радио по пропаганде коммунистических идей партии. Также есть информация, что радио было основным инструментом в продвижении советской политики в республике и ее влиянии на

общественное сознание. Анализируя газеты того периода, можно увидеть, что ежедневные передачи на республиканском радио были сделаны в соответствии с идеями Коммунистической партии.

Ключевые слова: радиовещание, радиопрограмма, партия, коммунист, пропаганда, социализм, радио, газета.

Temirova Mashkhura Mukhammadaminovna
Teacher of Kokand State Pedagogical Institute

TRANSFORMING RADIO AS A MEANS OF PROPAGATING COMMUNIST IDEOLOGY DURING THE SOVIET ERA

ABSTRACT

The article covers the activities of the republican radio in propagating Communist ideas of the party. There is also information that radio was the main instrument in promoting Soviet policy in the republic and its impact on public consciousness. Analyzing the newspapers of that period, it is possible to see that the daily broadcasts on Republican radio were made in accordance with the ideas of the Communist Party.

Index Terms: radio broadcasting, radio program, party, communist, propaganda, socialist, radio, newspaper.

1. Долзарблиги:

Аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳамда ҳукуматнинг олиб борган сиёсати ва барча бошқа соҳалар ҳақида доимий ахборот етказиб беришда, совет тузуми шароитида деярли ягона ахборот манбаи - радио мислсиз катта аҳамият касб этди. Аммо бугунги кунда фан-техника тараққиёти кун сайин шиддат билан ўсиб бормоқда. Шу жумладан радио ҳам ўрганилган даврга нисбатан жуда катта ютуқларни қўлга киритди ва кенг имкониятларга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамадан радио интернет имкониятларидан фойдаланиш жиҳатидан ортда қолмоқда. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, радио бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан кўпгина қулайликларга эга бўлиб, унинг бу қулайликларидан аҳолининг жуда кам қисми фойдаланмоқда. Шу сабабга кўра, радионинг XX асрнинг ўтган 70 йили мобайнидаги хизматларини тарихийлик жиҳатдан илмий асосда ёритиш унинг бугунги кундаги аҳамиятини оширади.

2. Методлар:

Ўзбекистонда радионинг вужудга келиши ҳамда унинг фаолиятига доир тадқиқотларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. тарихчилар ва филологлар томонидан амалга оширилган. Бу борада филологлар Р. Абдусатторов, Н. Нишонбоевларнинг илмий алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тадқиқотларида Ўзбекистон радиосининг журналистикаси масалалари ёритилган. Ўзбекистон радиосининг вужудга келиши тарихини 1937 йилга қадар бўлган жараёни Б. Риҳсиев томонидан тадқиқ етилган. А.Ф.Есин ҳам илмий ишида радио ва телевиденияни тарихий нуқтаи назардан ўрганиб чиққан. Шунингдек, С.Е.Смирнов ва Р.Раҳмоновларнинг радио фаолиятига доир рисоалари ҳам олоҳида ўринга эга. Мазкур тадқиқотлар республикани радиолаштириш жараёнининг турли даврларни ҳамда унинг фаолиятини ёритганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистонда радиолаштириш жараёнининг тўлиқ тарзда тугатилиши, унинг

моддий-техник ҳолати, радиожурналист кадрлар масаласи ҳамда аҳолини радио билан қамраб олиниши жараёни тизимли равишда ўрганилмаган. еспублика радиоси советлар даврида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам тарихийлик нуқтаи назаридан тўлиқ ёритилмаг анлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида радиолаштириш тарихига доир кўплаб маълумотларнинг мавжудлиги ва республика радиосининг тарихини илмий жиҳатдан ёритиб берувчи тадқиқотларнинг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги мавзунини илмий асосда ўрганишни тақозо этади.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда аҳоли учун мунтазам радиоэшиттиришлар 1927 йилнинг бошларидаёқ олиб борила бошлади. Жамиятда ўзининг сиёсий ва мафкуравий ғояларини тарғиб қилиш воситаси сифатида совет ҳукумати радиодан кенг фойдаланган. Ўзбекистон радиоси ташкил этилган даврдан бошлаб республикада давлатнинг, айниқса партиянинг ички ва халқаро майдонда амалга ошираётган фаолияти, халқаро сиёсий аҳвол ва айни вақтда совет жамиятидаги жараёнлар кенг кўламда ёритила бошланди, бунда совет фуқароларининг турмуш даражасининг ижобий томонларини тарғиб қилиш асосий сиёсий ва мафкуравий устувор вазифалар этиб белгиланди, жамиятдаги мавжуд кўплаб ижтимоий муаммолар ҳақида сўз юритишга эса рухсат берилмади. Бу мафкуравий мақсадларнинг амалга оширилиши учун радиолар фаолияти ҳукумат томонидан етарли даражада маблағлар билан таъминланиб турилди. Бу ишларга сиёсий жиҳатдан жиддий тус берилиб, хаттоки 1928 йил 2 январда бўлиб ўтган ЎзССР КПнинг XV съездида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишлари учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш масаласи кўриб чиқилди ва бундай вазифани оммавий равишда амалга оширишда республика радиоси "энг муҳим ва фойдали восита" эканлиги эътироф этилди, шунингдек, республикада радио ишларини яхшилаш бўйича бир қатор кўрсатмалар ҳам берилди[1].

Совет ҳокимиятининг ташкил топган энг дастлабки кунлариданоқ тарғибот ва ташвиқот тизимида оммавий ахборот воситалари ва радио асосий воситалар саналган. Газеталар ва радио партия аппарати тизимининг мантқиқий давоми ва унинг "мафкуравий қуроли" вазифасини бажарган бўлса, журналистлар эса "мафкуравий фронт офицерлари" деб юритилган[2].

Собиқ Иттифоқ давлатларининг барчасини қўшиб ҳисоблаганда 1922 йилда 232 та газеталар мавжуд бўлган бўлса, 1932 йилда уларнинг сони 7,5 минтага етказилди, 1940 йилга келиб эса жами 8,8 мингдан ортиқ газеталар нашр этилган бўлсада[3], радио совет ҳукумати ва партия органларининг асосий тарғибот ва ташвиқот воситаси бўлиб қолди.

Совет ҳукумати ва партия раҳбарлари ўзларининг сиёсий ва мафкуравий ғояларини тарғибот қилишда турли эшиттиришлардан кенг фойдаланганлар ва Ўзбекистон радиоси қарор топган дастлабки йилларда эса асосий жанр радиогазета бўлган эди. Радиогазетанинг биринчи эшиттиришини 1927 йил "Правда Востока" газетасининг таҳририяти томонидан ташкил этилган радиого ёрдам бериш тўғараги амалга оширган эди. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳар куни кундузги соат 7:20 дан 7:30 га қадар Тошкент радиоси орқали радиогазеталар эфирга узатилган. Ўн дақиқалик бу радиогазетада республикада амалга оширилаётган энг муҳим сиёсий ва иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги масалаларга оид маълумотлар ўқиб эшиттирилган бу хабарларни етказишда ҳам асосий эътибор "совет жамиятининг эришаётган мислсиз ютуқлари"га қаратилган бўлиб, улар ҳам республика

аҳолисини "коммунистик руҳда тарбиялаш" борасидаги кўп сонли эшиттиришлардан бири эди. Бундай эшиттиришларнинг совети кишисининг "мафкуравий онгини оширишдаги" аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 1927 йилнинг иккинчи чорагига келиб радиогазеталарнинг эфир вақти 20 дақиқага узайтирилган эди[4].

Республика радиосининг 1928 йилнинг биргина март ойидаги эшиттириш дастурлари жадвалига эътибор берилса, эшиттиришларнинг асосий қисми оммавий тарғиботга доир бўлган. Қишлоқ хўжалиги соҳасига бағиршланган эшиттиришлар ҳафтанинг тўрт кунда эфирга узатилиб, бир ҳафталик эфир вақтининг 14,2% (жами 28 соат 4 соати қ.х) ташкил этган.

XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларда республикада мулкдорлар синфини тугатиш, совет тузумига қарши ғояларга қарши кураш, жамиятда аёллар ва эркеклар ҳуқуқини тенглаштириш, саводсизликни тугатиш, жамоалаштириш каби олиб борилган сиёсий жараёнлар таҳлили ва асосан бу борада ҳукуматнинг эришаётган "ижобий натижалари ва ютуқлари"га ўта юқори даражада сиёсий тус берилиб, "совет кишиларининг мислсиз ғалабалари" сифатида талқин қилинган мунтазам эшиттиришлар бериб борилди.

XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларида Тошкент радиосида бешта тилда 12 та радиогазета эшиттирилганлиги бу борадаги амалга оширилган ишларнинг кўламини кўрсатиб турибди. Масалан, рус тилида "Рабочий", ўзбек тилида "Пахта учун кураш", "Озод қилинган хотин-қизлар", қozoқ тилида "Трактор", қирғиз тилида "Колхоз" ва бошқа номдаги радиогазеталар мунтазам равишда эфирга узатиб турилган[5].

Бу даврда эфирга узатиб борилган радиогазеталарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, асосий эшиттиришлар сиёсий масалаларга бағишланган бўлиб, кейинги ўринларда эфирнинг кўпчилик вақти қишлоқ хўжалиги ва пахтага ишлов бериш ҳамда парваришлаш ишларига бағишланган эшиттиришларга ажратилган. Яна бир эътиборли томони, бу эшиттиришлар соҳалар бўйича мутахассислар иштирокидаги маърузалар ва суҳбатлар тарзида ҳам ташкил этилган[6].

Сиёсий тус берилган радиоэшиттиришлар туркумига кирган дастурлардан яна бири махсус мавзу асосида ташкил этилиб, унда республикадаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалиги соҳалари ўртасидаги XX асрнинг 30-80 йилларида совет жамиятида урф бўлган ва алоҳида хусусиятлари билан авж олган "социалистик мусобақа"лар ва айни вақтда иттифоқдош республикалар ўртасида ҳам мавжуд бўлган шундай "мусобақалар" ёритиб борилган[7]. Бу каби масалаларга бағишланган эшиттиришлар Тошкент радиосининг ҳар куни эрталабки соат 6:30 дан 7:00 га қадар дастурларидан муқим ўрин олган эди[8].

XX аср 30-йилларининг биринчи ярмида республика радиосидаги эшиттиришларнинг мазмуни ва сифати такомиллашиб бориб, радионинг ўзи ҳам дастлабки йилларга нисбатан бирмунча оммалашди. Бу йилларда республика радиосининг асосий вазифаси ва айни вақтда эшиттиришларнинг устувор йўналишлари этиб энг аввало ҳукуматнинг "мафкуравий тарғиботлардаги муқим кўрсатмаларини" бажариш белгиланди, хусусан, ҳар бир ишлаб чиқилган дастурлар ва эфирга узатилаётган эшиттиришларда советлар мамлакатаида фан, маданият ва техникани ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни, илғор тажрибаларни ёритиб боришга асосий эътибор қаратиш, шунингдек, коммунистик партия ва совет ҳукуматининг "республика иқтисоди ва халқ фаровонлигини

юксалтириш" йўлида амалга ошириб бораётган тадбирлари ва режаларини кенг тарғиб қилиб бориш алоҳида кўрсатиб қўйилди. Бу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда республика раиосида XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда қурилаётган йирик қурилишларнинг бориши, жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати, Олмалиқ шахри қурилиши, Чирчиқ электр химия комбинатларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида эшиттиришлар мунтазам равишда бериб борилди[9].

Бир томондан радиоэшиттиришлар мавзулари ва мазмуни кенгайтириб боришига катта эътибор қаратилган бўлса, иккинчи томондан барча оммавий ахборот воситалари каби радио эшиттиришлар ҳам давлат томонидан қаттиқ назорат остига олинган эди. Қолаверса, радиоэшиттиришларни аниқ сиёсий ва мафкуравий мақсадларга йўналтириш нуқтаи-назаридан 1927 йил январида ВКП(б) марказий комитети томонидан барча радио эшиттиришларнинг дастурларини партиясиз назоратидан ўтказиш мажбурийлиги ҳақида қарор қилинади[10]. Хаттоки шундай ҳолат ҳам кузатилади-ки, 1930 йилнинг охирида радиогазетада халқ хўжалигига нисбатан танқидий материаллар қўпайиб кетганлиги сабабли Ўзбекистон Коммунистик партиясиз марказий комитетининг биринчи секретари А.Икромов радио студияга телефон қилиб, қаттиқ дакки беради ҳамда асосий эътиборни "совет давлатининг ютуқларини" акс эттирувчи репортаж, лавҳа ва очерклар эшиттиришларига қаратишни кўрсатиб ўтади [11]. Шу тариқа биринчи беш йиллик (1928-1932 йй) давомида республика радиоси коммунистик партиясиз ва совет ҳукуматининг ташвиқот ва тарғиботнинг "ўткир қуроли"га, "социалистик мусобақанинг ташкилотчиси", "халқни сиёсий, бадиий ва эстетик руҳда тарбиялаш ўчоғига" айлантирилди.

1935 йил май ойида Совет давлати раҳбари Сталин томонидан "Тарғибот ишларини такомиллаштириш масалалари" юзасидан ВКП(б) МК йиғилишида маъруза қилинди. Сталиннинг таклифи билан тарғибот ишларини бешта йўналишда, яъни, нашр ишлари, партиясиз пропагандаси ва агитацияси, мактаблар, фан ва маданий-маърифий йўналишларда мунтазам амалга ошириб бориш таклиф этилди[12]. Кейинчалик бу алоҳида фаолият кўрсатган бўлимлар бирлаштирилиб, ВКП (б) МК таркибидаги ягона "Тарғибот ва ташвиқот бўлими" га айлантирилди, бу билан ҳокимият барча партиясиз органлари, оммавий ахборот воситалари, радио ва бошқаларнинг тарғибот ва ташвиқот ишларини тўла назорат қилишини таъминлади[13].

1932 йил охирида Ўзбекистон ССР бутун мамлакат билан биргалик биринчи беш йиллик (1928-1932 йй) режани муддатидан илгари, 4 йилу 3 ой ичида бажаради. Ўз даври учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган бу воқеа республика радиостанциясида радионамойиш билан нишонланди. Бу радионамойишда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов ҳамда республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев, шунингдек, ҳукуматнинг бошқа вакиллари жонли эфирда нутқ сўзладилар[14]. Бундан шуни англаш мумкинки, биринчидан, бевосита жонли эфирларнинг ташкил қилиниши радио фаолиятининг маълум даражада профессионаллашиб борганлигини кўрсатса, иккинчидан радиоэшиттиришлар мазмуни ва эфир вақтлари тарғибот-ташвиқот ишларига мос тарзда шакллантириб борилган, айни вақтда эса, эфир дастурлари мазмуни ва турлари, йўналишлари ҳам бойитиб борилган. Хусусан, 1934 йилдаги радиоэшиттиришлар дастурларига эътибор қаратиладиган бўлса, умумий эшиттириш дастурларининг 49,3% ни мусиқий дастурлар, 4,3% ни адабий драматик эшиттиришлар, 3,6% ни таълим-тарбиявий мазмундаги, 7,9% ни жисмоний

маданий эшиттиришлар ва 13,9 %ни оммавий тарғиботга доир эшиттиришлар ташкил қилган бўлса, асосий 18,9% дастурларнинг мазмунини сиёсий хабарлар ташкил этганлигини кўриш мумкин [15].

Иккинчи беш йиллик (1933-1937 йй) даврида оммавий-сиёсий эшиттиришлар жамиятдаги рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мос равишда ҳилма-хил жанрда олиб борилди. Бу даврдаги эшиттиришларнинг ҳам асосий қисми аввалгидек совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаёт жараёнларидаги "раҳнамолик" фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олди. Совет даврига оид сиёсий адабиётларда ва архив ҳужжатларидаги маълумотларда қайд этилишича "иккинчи беш йилликда (1933-1937 йй) Ўзбекистон социализм қуришни якунлади" [16].

Республиканинг "илғор социалистик давлатга айланганлиги" ҳамда 1936 йил 5 декабр куни Советларнинг фавқулодда VIII сзди СССРнинг янги Конституциясининг қабул қилинганлиги республика радиосининг энг муҳим ва долзарб мавзусига айланди. Эндиликда радио янги конситуцияни кенг халқ оммасига ҳавола этиш ва бу орқали халқни партия чақириқлари ва давлат сиёсатига мос тарзда "ҳаёт тарзини ташкил қилишга" даъват эта бошлади. Ўзбекистон радиоси Республика Советлари VI Фавқулодда сьздини 1937 йил 12 февралда олиб эшиттирган[17].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг асосий ҳарбий-стратегик ва иқтисодий таянчига айланди, республиканинг барча ишлаб чиқариш соҳалари ҳарбийлаштирилди, қишлоқ хўжалиги асосан фронт учун пахта ва бошқа маҳсулотлар етказиб бера бошлади. "Ҳамма нарса фронт учун!", "Ҳамма нарса ғалаба учун!" каби жанговор чақириқлар республика радиоси зиммасига ҳам жиддий мафкуравий ва сиёсий масъулият юкледи. Ҳарбийлаштириш энг аввало радиода намоён бўлди, эшиттиришлар дастури тубдан ўзгартирилди. Ўзбекистон радио эшиттириш карнайларидан аҳоли учун ҳар куни фронтдаги жангчиларнинг қаҳрамонликлари ва жасоратлари, жанговор ҳаракатларнинг айрим лавҳалари, шунингдек фронт орқасидаги долзарб жараёнлар билан боғлиқ муаммолар ёритиб борилди.

1941 йил 22 июндаги "Сўнгги ахборот" дастурида фронтдан олинган биринчи хабар эшиттирилди. 1941 йил 3 июл куни эрта тонгда Москва вақти билан соат 8.00 да давлат раҳбари И.В.Сталин радио орқали барча халқни оммавий сафарбарликка чақирди[18].

Урушнинг дастлабки кунларидан собиқ иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидаги кўплаб саноат корхоналари, заводлар ва фабрикалар Ўзбекистонга кўчириб келинди. Бу саноат корхоналарининг Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб жойлаштирилиши ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, уларда мамлакатнинг мудофаа қудратини оширишга хизмат қилувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда радиоэшиттиришларда ёритиб борилди. Ўзбекистон фронтнинг аслаҳахонасига айланганини қайта-қайта таъкидлаб турилди. Тошкент радиосининг шундай эшиттиришларидан бирида ўзбекистонлик ишчилар ўз иш ҳақларининг бир қисмини, деҳқонлар сўнгги жамғармаларини фронт учун самолётлар, танклар ишлаб чиқаришга ҳадя этаётганлигини, шунингдек, Ўзбекистондан фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак олиб кетаётганлиги ҳақида, Москвадан кўчириб келтирилган Чкалов номли заводда ишлаб чиқарилган ҳарбий самолётлар ҳамда Тошкентдан эшелонларга юкланиб, фронтга юборилаётган танкларнинг тўғри уруш майдонларига бориб ҳарбий ҳаракатларда иштирок

этаётганлиги ва совет жангчиларининг галабаларига муҳим ҳисса қўшаётганлиги ёритиб берилган эди[19].

Бу йилларда ҳукумат томонидан шошилинч қарорлар чиқарилиб, уларнинг деярли барчаси зудлик билан кенг халқ оммасига етказилиши зарур бўлган. Жумладан, 1941 йил 7 июль кунги радио эшиттиришлар дастурида СССР Халқ Маорифи Комиссарининг ўринбосари Рачинская радио орқали шошилинч мурожатномани ўқиб эшиттиради, ушбу мурожатнома вилоят ва туман маориф мудирларига таъаллуқли бўлиб, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш тўғрисида эди [20]. Хусусан, 1941 йил 11 август кунги эшиттиришларда, шу йилнинг 13 августидан ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини пахта йиғим-теримига жалб қилиш тўғрисида радиодан эълон берилади[21].

Ўзбекистон радиосининг кўпчилик ҳодимлари Совет Ахборот бюроси хабарларини, "Сўнги Ахборот" материалларини, "Правда" газетасининг бош мақоласи ва обзорини қўлларига қалам олиб тинглардилар. Бу материалларни улар зудлик билан ўзбек тилига таржима қилиб, республика аҳолисига ҳар қандай ҳолатда ҳам етказиб турди. Уруш йилларида фақат Совет Ахборот бюроси хабарларидан 2 минга яқини ўзбек тилига таржима қилиб эшиттирилди. Москва радиоси орқали эшиттирилган энг муҳим материаллар асосида ўзбек радио журналистлари "Сўнги соатда" номли эшиттириш остида юзлаб ахборот бердилар [22].

1941 йил 3 июль кунги эшиттириш дастурларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган бутун шаҳар ўқитувчилар мажлисининг қарори юзасидан оммавий чақирىқ қилинади. Ушбу эшиттиришда ўқитувчилар учун харбий таълим берувчи тайёрлов курслари ташкил этилиши ҳамда 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчиларни ҳаво ҳужуми ва кимёвий ҳужумларда ёрдамчи куч сифатида тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилади[23].

Уруш йилларида республика миқёсида кўплаб ҳарбийлаштириш тўғрисида кўплаб қарорлар чиқарилди, тадбирлар амалга оширилди. Республика радиоси орқали эса қарорлар ижроси ҳамда тадбир натижалари тўғрисида мунтазам эшиттиришлар бериб борилди. Жумладан, давлат ҳизматидаги ва фронтга сафарбар этилган ота-оналарнинг фарзандлари учун боғчалар 24 соат ишлаш режимига ўтилиши тўғрисидаги қарор, республикадаги ҳар бир мактаб ва хонадонларни ҳарбий ҳолатга келтириш юзасидан олиб борилаётган тадбирларнинг амалдаги ижроси тўғрисида аниқ фактлар асосида радио журналистлар томонидан ёритиб борилди[24]. Шунингдек, чиқарилаётган қарор ва фармонлар ижроси ҳамда барча ҳарбийлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун керак бўладиган моддий таъминот масаласига бу йилларда марказ кўмаклаша олмаслигини ҳисобга олган ҳолда, республика зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис бу йилларда радио дастурлар орасида меҳнатга бўлган муносабатни янада оширишга қаратилган эшиттиришларнинг сонини ортади[25]. Жумладан, радио орқали пахта планининг бажарилиши, қишлоқ хўжалигининг бошқа сохалари хусусан чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича қўлга киритган натижалари борасидаги маълумотлар эшиттириб борилди[26].

Бутуниттифоқ радиосида бўлганидек республика радиосида радиогазеталарнинг сўнги ахборот эшиттиришларига айлантирилиши радио тарихидаги муҳим ўзгаришларидан бири бўлди. "Сўнги ахборот" дастурида республика ҳаётига тааллуқли муҳим хабарлар мунтазам ёритиб берилган. Уруш йиллари "Сўнги

ахборот" дастури кўпайтирилди. У ҳар ҳафтада икки марта эфирга чиқиб турди. Аҳоли бу дастурнинг бирор сонини ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиларди [27].

Уруш йилларида мингларча ўзбек оилалари урушда қатнашаётган ёки ватан ҳимояси учун ҳалок бўлганларнинг Ўзбекистонга кўчириб келтирилган фарзандларини ўзларига фарзанд қилиб олдилар. Ўзбекистон радиоси эса халқ орасида бу каби инсонпарварлик ва меҳр-мурувват жараёнларини амалга ошириш йўлидаги тарғибот эшиттиришларини олиб борди. Айниқса, турли миллатлар болаларининг 14 нафарини фарзандликка олган Шомаҳмудовлар оиласи ҳақида республика радиосида очерк ва ҳикоялар, лавҳалар мунтазам эшиттириб турилди[28].

Фронт ортида турган халқ ўзларининг шахсий жамғармаларини ўз ихтиёрлари билан фронт учун ёрдам тариқасида бериб турди. Халқ томонидан жами 30 миллионга яқин маблағ топширилди. Бу оммавий ватанпарварлик ҳаракатини тарғиб қилишда республика радиоси ўз ҳиссасини қўшди.

Урушдан кейинги беш йилликнинг биринчи йилларидаёқ радио эшиттиришларда қишлоқ хўжалигини тиклашга, халқнинг моддий фаровонлигини муттасил оширишга қаратилган эшиттириш дастурлари тайёрланди. Марказий ва республика радиоэшиттиришларни мунтазам олиб эшиттирадиган жуда кўп калхоз ва совхозларда радиоузеллар ишлай бошлаган[29]. Олиб эшиттирувчи радионуқталарнинг сони 1940 йилдаги 71200 тадан 1950 йилга келиб 163600 тага етганлиги, республика аҳолисининг қўлидаги кўп тармоқли приёмникларнинг сони 200000 дан ортиқ эканлиги радио дастурлардаги тарғибот ишларини амалдаги натижаларини кўрсатишга имкон яратди[30].

КПСС Марказий Комитетининг 1960 йил 29 январдаги Совет радиоэшиттиришларини яхшилаш тўғрисидаги қарорида радиоэшиттиришларнинг гоёвий ишлардаги катта роли эътироф этилиб, унинг дастурларида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларига янада кўпроқ ўрин ажратиш вазифаси топширилди[31].

XX асрнинг 50-60 йилларидаги радиодастурларнинг бир кунлик эфир вақти 12 соатни ташкил этиб, шундан 60 % концерт ва турли кўнгилочар маданий дастурлар ташкил этган. Қолган 40 % дастурларда аҳоли онгига коммунистик мафкурани сингдириш йўлидаги турли масалаларга бағишланган эшиттиришлар бериб борилган бўлиб, ҳафтада бир марта соат 22:00 эфирга узатилган "Коммунистик ахлоқ ва тарбия" номли эшиттиришни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин[32].

Бундай тарғибот ва ташвиқот ишлари қишлоқ хўжалигига оид эшиттиришларда ҳам эфирга узатиб турилди. Масалан, 1967 йилда пахтачилик машиналари бўйича махсус давлат конструкторлик бюросида икки қаторли пахта териш машинаси конструктураси яратилгач, уни далада синовдан муваффақиятли ўтказгани учун конструкторлар - Мариков, Тютков, Глазатов, Приходко, шунингдек машхур механизаторлар Турсуной Оҳунова, Жавод Кўчиев ва машина конструкциясини яратганлар номига кўплаб табрик хатлари кела бошлади. Бу мактуб ва телеграммалар радио редакцияларида мунтазам равишда эълон қилиб турди. Бундай тарғибот эшиттиришлари натижасида республикадаги кўплаб аёллар механизаторлик касбини танладилар[33]. Бу каби қишлоқ хўжалиги мавзусига бағишланган дастурлар радиоэшиттиришларнинг кунлик эфир вақтининг (соат 20:45 да) 45 дақиқасидан ўрин олган. Бу мавзу ҳафталик эшиттиришларнинг 3-5 % ташкил этган[34].

Радио Ўзбекистонда мафкуравий тарғибот билан бир қаторда республикада

амалга оширилаётган қурилишлар ҳақида, шу давр жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида урф бўлган "социалистик мусобақа"лар ҳақида, байналминалчилик ва ватанпарварлик мавзуларида ҳамда халқаро воқеаларга бағишланган мунтазам эшиттиришларни эфирга узатиб борди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир ҳафталик радиодастурларнинг 0,6% халқаро воқеалар, 0,4% республикадаги қурилиш ишлари тўғрисида, 10% республика аҳолисини миллий бағрикенглик руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлардан иборат бўлган[35].

Ўзбекистон радиоси иттифоқдош республикалар орасида ҳам кенг фаолият олиб борган. Бу фаолият доирасида "Мусобақа-омма ижодиётига", "Биз - ватанпарвар интернационалчилармиз", "Дўстлик байроғи", "Совет турмуш тарзи", "Бизнинг замондошимиз" "Интернационал-дўстлик клуби", "Ёшларнинг меҳнат автографи" сарлавҳаси остида радиоэшиттиришлар бериб борилди. Уларда партиянинг миллий сиёсати, иттифоқдош республикалар иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш жараёнлари ёритилган. Ўзбекистон радиоси ўз тингловчиларига "Ягона оилада" рубрикаси остида қардошлик дастурини эшиттириб борган. Унда Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқларнинг биргаликда меҳнат қилаётганликлари ва уларнинг эришган муваффақиятлари ёритиб борилган. Бу давр матбуотида ҳам юздан ортиқ миллатга мансуб халқларни жипслаштиришда радио ҳодимларининг меҳнатлари юксак баҳоланган[36].

Совет ҳукуматининг халқ орасида илмий-атеистик тарғиботини кучайтириш ишида ҳам республика радиоси асосий восита бўлди. 1927 йил июнь ойи эшиттириш дастурлари орасида ҳафта мобайнида икки соатлик эшиттиришларни динга қарши марузалар ва суҳбатлар ташкил этганлигини кўриш мумкин[37]. Аҳоли орасида диний эътиқодни ва тушунчаларни йўқотиш мақсадида дастурларда илмий атеизмга доир маруза ва суҳбатлар билан бир қаторда жойларда динга қарши ва унинг зарарли оқибатларини тушинтириш юзасидан жонли эшиттиришлар, радиоочерклар уюштирилди. Агар XX асрнинг 30-йилларида бу мавзудаги эшиттиришлар бир ойлик эшиттиришлар умумий соатининг 11,1% ташкил этган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярми ва охирига келиб бир ой мобайнида икки марта 40 дақиқадан эфирга узатилиб, дастурларнинг тахминан 2% ташкил этган[38].

Юқоридаги фоиз кўрсаткичлар республика радиоси ташкил этилган дастлабки йилларга нисбатан камайганлигини кўрсатмоқда. Бунга сабаб дастлабки йилларда динга қарши радио орқали олиб борилган тарғибот ишларининг ҳалқ онгига сезиларли даражада таъсир ўтказганлигининг советлар таъбири билан айтганда "мафкуравий тарғиботларнинг ижобий натижаси" эди. Шунга қарамаздан совет ва партия ҳукумати раҳбарлари бу масалани диққат марказидан четда қолдирмади. Жумладан, бу даврдаги радиодастурларни кузатиш натижалари шуни англатадики, динга қарши эшиттиришлар асосан ўзбек халқининг миллий байрами Наврўз арафаси, совет давлатида кенг нишонланган "Октябр инқилоби"ни ҳамда янги йил байрами арафасида бундай эшиттиришлар маълум даражада кўпайганлигини кўриш мумкин[39]. Хусусан, "Дин-меҳнаткашларни эзиш қуроли", "Бухоронинг муқаддас ерлари", "Космосни эгаллашда фан ва техниканинг роли", "Диний байрам ва маросимлар ҳақида уйдирма ва ҳақиқат", "Илмий - техника тараққиёти ва дин", "Ислом ва хотин - қизлар", "Ажойиботлар олами", "Фан ва техника янгиликлари" каби эшиттиришлар шулар жумласидандир[40].

Республика ва вилоят радиоэшиттириш комитети ҳузурида махсус илмий атеистик советлар иш олиб борган. Унга партия, совет ҳодимлари, олимлар, шифокорлар, маданият арбоблари жалб этилган бўлиб, улар ўзларининг марузалари

билан радио эшиттиришларда фаол иштирок этиб бордилар. Бундай эшиттиришларга айниқса вилоят радиоларида кўпроқ эътибор берилган. Чунки ҳукума раҳбарлари "коммунистик ғояни республиканинг барча аҳолисига бирдек сингдириш зарур" деб ҳисобланганлар [41]. Бундай мазмундаги эшиттиришлар Наманган [42], Фарғона [43], Самарқанд [44] ва Бухоро [45] вилоятларида ҳар ойда икки марта эфирга узатилган.

Аҳолига коммунистик мафқурани сингдириш борасида муҳим радио эшиттириш дастурларидан бири бу "Сиёсий билимлар радио унверситети" номли эшиттириш бўлиб, бу эшиттириш партия ўқув жараёнидаги тингловчиларга ва тарғиботчиларга мўлжалланган бўлсада, бу эшиттириш кенг халқ оммаси учун ҳам эшиттирилган. Буларда сиёсий иқтисод ва коммунистик ғоялар бўйича марузалар, суҳбат ва бошқалар ўқув йили давомида ҳар ҳафтада жума кунлари эфирга узатилган. Уларнинг мавзуси мактабларида ўтказиладиган машғулотларнинг режасига мувофиқ тарзда тузилган ва одатда мактабларида бу мавзулар ўранила бошлашдан анча олдин эшиттирилади. "Тарғиботчилар тўғарак стол атрофида" рубрикаси остида берилаётган эшиттиришлар, очерк ва ҳикоялар анъанавий эшиттиришлар тусини олди. Радио "энг яхши тарғиботчиларнинг тажрибасини партия ўқуви тизимидаги барча тарғиботчиларга ёйиш"га интилди. Бу соҳада улар сиёсий маориф уйлари ва кабинетларига ёрдам кўрсатиб борди[46].

Республика радиоси "коммунистик мафқурани халқ онгига сингдириш" билан шуғулланиб турган бир вақтда ҳориж мамлакатлари радиоларида Ўзбекистон ҳамда иттифоқдош республикаларнинг ҳаёти ҳақида, миллий республикалар халқларига нисбатан совет ҳукуматининг олиб бораётган сиёсатини аслида қандай эканлигини кўрсатишга қаратилган эшиттиришлар мунтазам бериб борилган. Совет давлати ҳукумати эса бу маълумотларни инкор қилиш мақсадида республика радиоси оммавий тарғибот бўлими ҳодимлари олдига совет турмуш тарзи, унинг кун сайин "янада яхшиланиб бораётганлиги", эришилаётган "ютуқлар" тўғрисидаги маълумотларни эшиттириш дастурларида кенг ёритиш ҳақида кўрсатма берди[47]. Бу мақсадда Республика радиосида "Совет турмуш тарзи", "Улуғ октябрь байроғи остида", "Коммунизм йўлидан 60 йил", "Меҳнат сулоалари шажараси", "Дўстлик - олмосдан мустаҳкам", "Ўзбекистон дўстларимиз кўзи билан" каби бир қатор эшиттиришлар берилди[48].

Республикада ташкил этилган радио партиянинг измида бўлиб, унинг дастурлари республикадаги барча ижтимоий қатламга бирдек мафқуравий таъсирини ўтказиб, ўзлари учун керакли бўлган шахсларни тарбиялашга ҳизмат қилди. Шу сабабдан радио дастурларни тайёрлаш режаси камида бир ой илгари тузилиб партия аъзолари томонидан қандай масалаларга эътиборни кучайтириш аниқ белгилаб берилган. Партия томонидан белгиланган масалалар бўйича тайёрланган суҳбатлар, марузалар, янгилıklar ва бошқалар асосида тузилган эшиттиришлар тематикаси партия тасдиғидан ўтгандан сўнггина эфирга узатилган[49].

4. Хулосалар:

Республика радиоси ўзининг мустақиллик даврига қадар олиб борган 70 йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида совет ҳукумати ва партия мафқурасини халқ онгига сингдиришга, иттифоқда ва республикада амалга оширилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг ўз даври учун фақатгина "ижобий" томонларини очиб беришга ҳизмат қилди.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] ЎМА(Ўзбекистон Миллий архиви), Р.837 -фонд, 5-рўйхат, 387-йиғма жилд, 32-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund R.837, opis 5, case 387, page 32.)
- [2] Чогандарян М.Г. Методы, способы и приемы советской пропаганды в 1920?30-е гг. XX в / Теория и практика общественного развития. 2013. № 4. Стр.181-183. (Chogandaryan M.G. Methods, methods and techniques of Soviet propaganda in the 1920-30s. XX century / Theory and practice of social development. 2013. No. 4. Pages 181-183.)
- [3] История СССР с древнейших времен до наших дней. М.,1967. Т. VIII. С. 653 ; -М.,1971. Т. IX. С. 371. (The history of the USSR from ancient times to the present day. М., 1967. Т. VIII. S. 653; -М., 1971. Т. IX. S. 371.)
- [4] Правда Востока.1927 йил июль, август, сентябрь сонлари. (True East. 1927 July July, August, September sonlari.)
- [5] ЎМА, Р.837 -фонд, 5-рўйхат, 253.-йиғма жилд, 47-48 варақ. . (National Archives of Uzbekistan, fund R.837, opis 5, case 253, page 47-48.)
- [6] Раҳмонов Р. Ўзбекистон-халқ аудиторияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1977- Б.7. (Rahmonov R. Uzbekistan-folk audience. -Tashkent: Uzbekistan, 1977- B.7)
- [7] Правда Востока.1927-1930 йиллар сонлардаги радиоэшиттириш дастурлари. (Pravda Vostoka. Broadcasting Programs 1927-1930)
- [8] ЎМА, Р.9-фонд, 1-рўйхат, 2924.-йиғма жилд, 114-варақ. . (National Archives of Uzbekistan, fund R.9, opis 1, case 2924, page 114.)
- [9] ЎМА, .Р.736 -фонд, 1-рўйхат, 611.-йиғма жилд, 29-варақ. . (National Archives of Uzbekistan, fund R.736, opis 1, case 611, page 29.)
- [10] Рихсиев Б. Энди сўз кекса хизматчиларга // Фан ва турмуш. - Тошкент, 1969. - №5. - Б.6. (Rixsiev B. Now the word for older workers // Science and Life. - Tashkent, 1969. - No.5. - P.6.)
- [11] История советской политической цензуры. Документы и комментарии. 1917-1993. Ответственный составитель и руководитель творческого коллектива Горяева Т.М. М., 1997.- Стр.159.(The history of Soviet political censorship.Documents and comments. 1917-1993. Responsible compiler and head of the creative team Goryaeva T.M. - М., 1997. P. 159.)
- [12] Неvezhin В.А. "Если завтра в поход...": подготовка к войне и идеологическая пропаганда в 30-х ? 40-х годах. - М., 2007. (Nevezhin V.A. "If you go camping tomorrow ...": preparation for war and ideological propaganda in the 30s - 40s. - М., 2007.)
- [13] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 17-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 17.)
- [14] ЎМА, Р.1619-фонд, 11-рўйхат, 147-йиғма жилд, 3-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund R.1619, opis 11, case 147, page 3.)
- [15] Феррапонтов Б. "Гулистондан гапираимиз" //Ўзбекистон коммунисти, №1 1969 йил. -Б.67.
- [16] Феррапонтов Б. "Гулистондан гапираимиз" //Ўзбекистон коммунисти, №1 1969 йил. -Б.67. (Ferapontov B. "We speak from Gulistan" // Communist of Uzbekistan, No. 1969 -P.67.[16]
- [17] Раҳмонов Р. Ўзбекистон-халқ аудиторияси.. -Тошкент: Ўзбекистон,1977. - Б.16. (Rahmonov R. The Uzbek-folk audience .. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - P.16.)
- [18] Каримов Ш. Фалабага қўшилган ҳисса. -Тошкент: Ўзбекистон, 1990. - Б.110.

(Karimov Sh. Contribution to Victory. -Tashkent: Uzbekistan, 1990. - P.110.)

[19] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 29-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 29.)

[20] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 26-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 26.)

[21] ЎМА, 1796-фонд, 6-рўйхат, 310-йиғмажилд, 49,58-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 1796, opis 6, case 310, page 49,58.)

[22] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 1-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 1.)

[23] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 3-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 3.)

[24] ЎМА, 94-фонд, 5-рўйхат, 4043-йиғмажилд, 5-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 94, opis 5, case 4043, page 5.)

[25] ЎМА, 1796-фонд, 6-рўйхат, 310-йиғмажилд, 49,58-варақ. (National Archives of Uzbekistan, fund 1796, opis 6, case 310, page 49,58.)

[26] Раҳмонов Р. Ўзбекистон - халқ аудиторияси. -Тошкент: Ўзбекистон,1977-Б.16. (Rahmonov R. The Uzbek-folk audience .. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - P.16.)

[27] Раҳмонов Р. Ўзбекистон - халқ аудиторияси. -Тошкент: Ўзбекистон,1977-Б.16. (Rahmonov R. The Uzbek-folk audience .. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - P.16.)

[28] ЎМА, Р.837-фонд, 33-рўйхат, 6874-йиғма жилд, 49-варақ (National Archives of Uzbekistan, fund R.837, opis 33, case 6874, page 49.)

[29] ЎМА, Р.1822-фонд, 1-рўйхат, 508-йиғма жилд, 11-варақ (National Archives of Uzbekistan, fund R.1822, opis 1, case 508, page 11.)

[30] Иброхимов Ё. Ҳамиша изланишда// Ўзбекистон матбуоти. - 1965. - №1. - Б.20. (Ibrohimov Y. In constant search // The Uzbek Press. - 1965. - No. 1. - P.20.)

[31] Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз газетаси. 1957- 1969 йил март - апрель сонлари (We speak and broadcast from Tashkent. March 1957-1969 - April)

[32] Хидоятлов С. Пахтакор меҳнати шарафли. -Тошкент: Ўзбекистон, 1974-Б.4,5. (Xidoyatov S. The labor of cotton growers is honorable. - Tashkent: Uzbekistan, 1974 - P.4,5)

[33] "Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" газетаси. 1957- 1969 йил январ, апрель, июль сонлари. (Newspaper from Tashkent and we will show. Issue 1957-1969 January, April, July).

[34] "Тошкент оқшоми" газетаси. 1960-1970 йил май, июнь, июль, август, октябрь сонлари. (The Tashkent Evening News. May, June, July, August, October, October 1960-1970).

[35] Рўзметов А. Радио интернационал тарбиянинг таъсирчан қуроли// Ўзбекистон Коммунисти . 1983. 7 июнь. - Б. 90. (Ruzmetov A. An Effective Tool for Radio Internationally Educated // Communist Uzbekistan. 1983. June 7. - P. 90.)

[36] ЎМА, Р.736-фонд, 1-рўйхат, 611-йиғма жилд, 30-варақ (National Archives of Uzbekistan, fund R.736, opis 1, case 611, page 30.)

[37] Тошкент оқшоми газетаси. 1960 -1970 йил июль сонлари. Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз газетаси 1980-89 йил март-апрель сонлари. (The Tashkent Evening News. 1960 - July 1970 issue. Talking to Tashkent and presenting its March / April 1980-89 issue.)

[38] Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз газетаси 1960- 80 йил март, октябрь, декабрь сонлари. (The Tashkent Evening News. 1960 - July 1970 issue. Talking to Tashkent and presenting its March / April 1980-89 issue.)


- [39] Наманган вилояти Давлат Архиви, Р.832-фонд, 3-рўйхат, 1-йиғма жилд, 11-варақ. (Namangan State Archives, Fund R.832, opis 3, case 1, page 11).
- [40] Шарипов.А. Илмий-атеистик пропаганданинг таъсирчанлиги учун //Мухбир. 1983 № 5- Б. 90.
- [41] Наманган вилояти давлат архиви. 832-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 30-варақ. (Namangan State Archives, Fund R.832, opis 3, case 1, page 11)
- [42] Фарғона вилояти архиви. 1224-фонд, 7-рўйхат, 1205-йиғма жилд, 17-19-варақ. (Archives of the Fergana region. Fund 1224, List 7, Volume 1205, Pages 17-19).
- [43] "Зарафшон" газетаси. 1960-1970 йил январь оий сонлари. ("Zarafshan" newspaper. January 1960-1970 Issues.)
- [44] Бухоро вилояти давлат архиви. 1220-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 149-варақ. (State Archives of Bukhara region. Fund 1220, list 1, volume 10, page 149).
- [45] Есин А. Сиёсий билимлар радио Университети//Мухбир. 1983 № 5. - Б. 24. (Esin A. University of Political Science Radio // Correspondent. 1983 No. 5. - B. 24.)
- [46] Московский П.В. Совет халқини коммунистик тарбиялашда радио ва телевидениянинг роли. -Тошкент: Ўзбекистон, 1969. -Б.11. (Moskovsky P.V. The role of radio and television in the communist education of the Soviet people. -Tashkent: Uzbekistan, 1969. -P.11.)
- [47] Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз газетаси. 1960- 1980 йил февраль оий сонлари. (We talk and show in Tashkent. 1960 - 1980 February issue.)
- [48] ЎМА (Ўзбекистон Миллий архиви), Р.736-фонд, 1-рўйхат, 611-йиғма жилд, 131-варақ (National Archives of Uzbekistan, fund R.736, opis 1, case 611, page 131.)
- [49] ЎМА (Ўзбекистон Миллий архиви), Р.736-фонд, 1-рўйхат, 611-йиғма жилд, 131-варақ (National Archives of Uzbekistan, fund R.736, opis 1, case 611, page 131.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хидиров Фозил Келдиёрович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси

ЯНГИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

For citation: Xidirov Fozil Keldiyorovich. Priorities of state youth policy in the socio-political life of modernized Uzbekistan. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp.72-78

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, сиёсат, қонун, ижтимоий лойиҳалар, маънавият, ҳуқуқий маданият, инсон манфаатлари.

Хидиров Фозил Келдиёрович,

Слушатель Академия государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан

ПРИОРИТЕТЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ МОДЕРНИЗИРОВАННОГО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности участия институты гражданского общества в реализации государственной молодежной политики.

Ключевые слова: Государство, общество, политика, право, социальные проекты, гражданское общество, духовность, правовая культура, интересы человека.

Xidirov Fozil Keldiyorovich,
Under the academy of Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan

PRIORITIES OF STATE YOUTH POLICY IN THE SOCIO-POLITICAL LIFE OF MODERNIZED UZBEKISTAN

ABSTRACT

The peculiarities of the participation of civil society institutions in the implementation of the state youth policy are discussed in the present article.

Index Terms: Government, society, politics, law, social projects, civil society, spirituality, legal culture, human interests.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг интеграциялашуви, жаҳоннинг бир бурчагида пайдо бўлган ғоялар, янгиликлар ҳамда ижтимоий қарашларнинг бошқа ҳудудларга тезкорлик билан ёйилишини халқаро глобаллашувнинг ажралмас феномени сифатида такидлашимиз мумкин. Мазкур ижтимоий процессларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар қатламининг ўрни ва роли каттадир.

Шу жумладан, Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шакллантирилиши жараёнида ёшлар ўзига хос ўринга эга. Маълумки, жамиятимизнинг кўпчилиги қисмини айнан 30 ёшгача бўлган ёшлар қатлами ташкил этади. Агар юртимизда ёшлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни илмий тадқиқ этадиган бўлсак бу борадаги ишларни шартли равишда 3 босқичга бўлишимиз мумкин.

1 босқич - давлат эътибори йўналтирилган босқич.

Мустақилликнинг илк йилларида айнан ёшлар жамиятни модернизация қилувчи катта куч эканлигини англаб, уларга юксак эътибор қаратилди. Бу эса, 1991 йил ноябрь ойида қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Қонун (дастлабки таҳрирдаги) ҳамда бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди. Ёшлар соҳасида ишлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этила бошланди.

2 босқич - имкониятлар яратиш босқичи.

Ўсиб келаётган авлодни таълим-тарбия олиши, касб эгаллаши, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиши ҳамда ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Республикада 9 мингдан ортиқ умумий ўрта таълим мактаблари, бир ярим мингта академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва 60 дан ортиқ Олий ўқув юртлари ёшларимизнинг таълим олишлари ва етук кадрлар бўлиб етишишларини таъминлаб бермоқда. Ёшлар сиёсати соҳасида фаолият юргизувчи давлат ташкилотлари билан бир қаторда бошқа бир қанча нодавлат жамоат ташкилотлари ҳам тузилди.

3 босқич - жадал тараққиёт босқичи.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари уларга мустақилликнинг илк йилларида қаратилган эътибор ва яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда юксак марраларни эгаллаб келмоқда. Ёшлар мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи

кучга айланди десак ҳеч муболаға бўлмайди. Ёшларимиз хақаро фан олимпиядаларида, спорт мусобақаларида, мусиқа ва санъат фестивалларида ўзбек номини муносиб тарзда ҳимоя қилиб келишмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки муҳим ҳужжатлардан бири сифатида 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари вояга етаётган ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз ёшларининг жамият сиёсий-ижтимоий, маънавий соҳасидаги кенг қамровли ҳуқуқларини кафолатлаб бериш билан бирга, баркамол авлод тарбияси учун дастлабки ва ҳал қилувчи ҳуқуқий асосларни белгилаб берди. Жумладан, қонуннинг биринчи моддасида "Ёшларга оид сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиш ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир", деган қоидалар белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати" тўғрисидаги ЎРҚ-406-сонли Қонун [1] ҳужжати ҳам бу борадаги ишларни тизимлаштириш ва барқарорлаштиришга асос бўлди.

Қолаверса, 2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи"нинг тузилиши [2] билан ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш юз берди дейишимиз мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатига таъриф берадиган бўлсак, бу тушунча - давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими [3], сифатида эътироф этилади.

Халқимизнинг истиқболи, эртанги кунининг пойдевори бугун вояга етаётган навқирон авлодга муносабат, ёшларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун яратилаётган имкониятлар ва бошқа омилларда намоён бўлади. Шу маънода юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ёшлар масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

2. Методлар:

Мақола ёшларга қаратилаётган бугунги мамлакатимиздаги эътибор умум қабул қилинган тарихий ва социологик методлар - тарихийлик, қиёсий-мантиқийлик, таҳлилий, кетма-кетлик, холислик, объективлик тамойиллари асосида ёритилган.

Истиқлолдан кейинги чорак асрдан зиёдроқ даврда ёшлар масаласи, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги ташаббускорлиги ҳамда давлатнинг улрга яратаётган кенг имкониятлари, масаланинг у ёки бу жиҳатлари ўзбекистонлик олимлар, аввало, Давлатимиз Раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг (President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev) маъруза ва асарларида,

қолаверса, мамлакатимизда ёшларга оид, уларнинг ташаббускорлиги, уларни қўллаб-қувватлаш ва кенг шароитлар яратишга оид бўлган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, "Ёшларга оид давлат сиёсати" тўғрисидаги Қонун (The Law on State Youth Policy), Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида" ги қонун (The Law of the Republic of Uzbekistan "On State Youth Policy" of September 14, 2016)ларида ўз аксини топган.

3.Тадқиқот натижалари:

Янгиланган ётган Ўзбекистонда 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун [4] бугун ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг даражасини яна бир янги бир марраларга олиб чиқади. Ушбу қонунда "давлат сиёсати" деган сўзларни учратамиз. Шунинг ўзидан ҳам мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг даражасини билиб олиш мумкин.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун 4 та боб, 33 та моддадан иборат бўлиб, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш, уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа салоҳиятларини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган - ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассам этган. Унда белгиланган нормалар ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ёшларга оид нормалари билан ўзаро боғланган ва улар ўртасидаги уйғунликни таъминлаган.

Мазкур қонун аввалги қонундан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, ушбу қонун ўзининг мазмун-моҳияти, пишиқ-пухталиги, ҳажми, моддалари номи билан ҳам аввалгисидан фарқ қилади.

Иккинчидан, қонунда "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар", "ёш оила", "ёш мутахассис", "ёшлар тадбиркорлиги" тушунчаларининг мазмуни очиб берилган. Мазкур тушунчаларнинг қонун билан белгилаб қўйилгани ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қонуннинг энг катта ютуқларидан бири "ёшлар"нинг ёш чегарасига аниқлик киритилгани, яъни 3-моддада "ёшлар (ёш фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар" деб белгилаб қўйилганидир. Қонунда "ёш оила" деган тушунчага биринчи марта қонуний таъриф берилган. Тўғри, аввал ҳам турли қонуности ҳужжатларда мазкур тушунчага таърифлар берилган, бироқ, шу вақтгача олий юридик кучга эга бўлган қонун орқали унинг тушунчаси белгиланмаган эди. Қонуннинг 3-моддасига кўра, "ёш оила - эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл)", - деб белгиланди. "Биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар" деган сўзлар ишлатилмади.

Учинчидан, қонун давлат сиёсатини амалга ошириш учун ўзига хос инфратузилмани мустақкамлаб қўйди. Яъни, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари, ёшлар ижтимоий хизматлари, ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг қонунчилик асослари қайд этилди.

Қонуннинг 33 та моддасидан 15 таси ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга

чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтларига бағишланган. Энг муҳими, мазкур орган ва муассасалар сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этувчи 8 та орган ва муассасалар тизими: таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар; меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; адлия органлари; муҳофаза ишлари бўйича органлар белгиланиб, уларнинг ваколатлари қонунан мустақамланди. Бироқ, бу билан бошқа субъектлар ушбу жараёнда иштирок этмайди, деган хулосага келмаслик керак. Чунки қонуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Деярли барча органлар ваколатларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш белгиланган. Мазкур органларнинг ваколатлари ва иштироки қонуннинг 5-моддасида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган. Масалан, адлия органлари ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириши ҳамда мувофиқлаштириши белгилангани ҳолда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, прокуратура органлари, ички ишлар органларининг ҳам бу фаолиятда иштирок этишлари, оммавий ахборот воситалари эса бундай тадбирларни ёритиши мустақамлаб қўйилган.

Барча ваколатлар муҳим бўлгани ҳолда масъул органлар ва муассасалар ваколатларининг айримларига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради. Бу жудаям муҳим бўлиб, юзага келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш ҳамда давлат сиёсатини ривожлантириш имконини беради. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди, ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади.

Шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва муассасалари, меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлашга доир ваколатлари, вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири - бу ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳаллалар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни аниқ белгилаб қўйилганидир. Айниқса, мазкур тузилмалар ҳуқуқларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгилангани мамлакатимизда "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари"

концепциясини амалга оширишда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, қонунда ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига алоҳида урғу қаратилиб, ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари чекланиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Яъни қонуности ҳужжати билан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас.

Қонунда таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш, етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг аввалги қонунда бўлмаган кафолатлари белгиланди.

Шунингдек, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланиши қайд этилди.

Бундан ташқари, қонунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни, ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижтимоий хизматига оид нормалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган дастлабки Мурожаатномасида "Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқ" [5], дея таъкидлаб ўтади.

Бешинчидан, мазкур қонунда энг асосий кафолатлар, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгилангани ҳолда қонун чиқарувчи қонун ҳужжатларида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа кафолатлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳам берилиши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўймоқда.

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги асосида ёшларга ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни давлатимиз раҳбари қуйидагича таъкидлайди: "Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги

қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда".[6]

4.Хулосалар:

Сўнг сўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ёшлар - келажагимиз эгалари. Юртимизнинг ишончли ворисларидир. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб, шу жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Ўйлайманки, бугунги кун имтиёзлари, имкониятлари ёшларнинг маънавий оламини янада бойитишга, дунёқарашини кенгайтиришга, энг асосийси, уларда Ватан учун, оиласи учун масъуллик ҳиссини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Демак, бугунги кунда маънавий-ахлоқий ишларни самарадорлигини ошириши орқали ёшларда фаол фуқаролик позициясини ошириш, уларнинг жамиятнинг этакчи ёш кадрлари бўлиб етишиш орқали ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур масалаларни қуйидагича излқлаш мумкин:

- ёшларнинг ижодий ва инновацион тафаккур юрита олишлари, уларнинг интеллектуал ривож топиб, таянч билимларга эга бўлиб боришлари, уларда ижтимоий-инновацион компетентликни шакллантиришга қаратилган маънавий тадбирларни мунтазам режали асосда йўлга қўйиш;

- Мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, хусусан, Республикада мафкуравий тарғиботни олиб борадиган ташкилотлар кўмагида ёшларнинг мафкуравий-иқтисодий билимларини амалий ҳаётга кенг қўллаш учун тажриба-тадқиқот курсларини ва методик марказларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] "Халқ сўзи" газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182-сонидан. ("Халқ сўзи" 2016 № 182 of the newspaper, from the 18th of september.)

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 2017 йил 30 июнь. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the IV congress of the Kamolot Youth social movement. June 30, 2017.)

[3] "Ёшларга оид давлат сиёсати" тўғрисидаги Қонун. 3-моддадан. (The Law on State Youth Policy. article 3.)

[4] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида" ги қонуни. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On State Youth Policy" of September 14, 2016.)

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2017 й. 23 декабрь сони. (From the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. 2017, december 23.)

[6] "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси"дан. Халқ сўзи. 2017 й. 23 декабрь сони. (From the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. 2017, december 23.)


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Усманова Зулфия,
Иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчи", Фарғона политехника институти,
Фарғона, Ўзбекистон (zulfiyaxon16.04@mail.ru)

Тишабаева Лола
"Ўзбекистон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона политехника
институти, Фарғона, Ўзбекистон (lolaxon28.11@mail.ru)

XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА МАРҒИЛОН ИПАКЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Usmanova Zulfiya, Tishabaeva Lola. Some issues of the development of the Margilan silkworm industry in the second quarter of the 20th century. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp. 79-84

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўтган асрнинг 30-йилларида Марғилон шаҳрида ипакчилик саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё манбаларидан унумли фойдаланиш, кадрлар тайёрлашда миллий хусусиятларга эътибор бериш, қийинчиликлар, муаммолар, ютуқлар каби долзарб масалалар архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: индустриалштириш оқибатлари, ишлаб чиқаришни хом ашёга яқинлаштириш, аҳолининг бандлиги, кадрлар масаласи, миллий хусусиятларга эътибор бериш, саводсизликни тугатиш, қарамликка чек қўйиш, Марғилон - ипакчилик базаси.

Усманова Зулфия,
Старший преподаватель кафедры "Экономика", Ферганский
политехнический институт, Фергана, Узбекистан (zulfiyaxon16.04@mail.ru)

Тишабаева Лола
Старший преподаватель кафедры "История Узбекистана" Ферганского
политехнического института, Фергана, Узбекистан (lolaxon28.11@mail.ru)

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ МАРГИЛАНСКОЙ

ШЕЛКОВОДСТВА ВО ВТОРОЙ ЧЕТВЕРТИ 20-ГО ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены вопросы, касающиеся развития шелководства города Маргилана в тридцатых годах прошлого столетия, исходя из использования местного сырья и материалов, при учитывании национальных особенностей при подборе кадров, а так же проблемы, трудности, достижения и другие актуальные задачи с использованием архивных материалов.

Ключевые слова: последствия индустриализации, сближение производства с источниками сырья, занятость населения, учёт национальных интересов, ликвидация неграмотности, упразднение зависимости, Маргилан - база шелководства

Usmanova Zulfiya,

Senior teacher, Department of Economics, Ferghana Polytechnic Institute,
Ferghana, Uzbekistan (zulfiyaxon 16.04@mail.ru)

Tishabaeva Lola

Senior teacher, Department of History of Uzbekistan, Ferghana Polytechnic
Institute, Ferghana, Uzbekistan (lolaxon28.11@mail.ru)

SOME ISSUES OF THE DEVELOPMENT OF THE MARGILAN SILKWORM INDUSTRY IN THE SECOND QUARTER OF THE 20TH CENTURY

ABSTRACT

This article highlights the issues relating to the development of sericulture Marghilan in the thirties of the last century, based on the use of local raw materials, when taking into account national specificities in the selection of personnel, as well as the problems, difficulties, achievements and other relevant tasks using archival materials.

Index Terms: The consequences of industrialization, the convergence of production sources of raw materials, employment, registration of national interests, the eradication of illiteracy, elimination of dependence Marghilan - base of sericulture.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, тарихимизга, ўтмишимизга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши натижасида тарихий воқеаларга ҳолисона ёндошиш имконияти туғилди.

Ушбу мақоламизда биз ўзининг 2000 йиллик тўйини нишонлаган қадимий ва навқирон, ҳунармандчилик, айниқса ипакчилик марказларидан бири бўлган Марғилон шаҳри тарихининг айрим ўқилмаган саҳифаларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетли, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

Маълумки, 1876 йилда Қўқон хонлигининг тугатилиши натижасида ўлкада мустамлакачилик тузумининг қарор топиб иқтисодий ресурсларнинг метрополия

манфаатларига бўйсундирилиши Марғилон шаҳрини ҳам қамраб олди. Ҳукумат ўлкадаги бошқа қимматли хом ашё манбалари қаторида ипкачилик маҳсулотларига катта эътибор қаратди.

Аммо Қўқон хонлиги даврида жуда сердаромад ва жахон бозорида харидоргир бўлган ипкачилик соҳаси XIX асрнинг 80-йилларида кескин оқсай бошлади. Чунки Россия сармоядорларининг ипкачилик маҳсулотларига бўлган талабларининг кескин ортиб бориши туфайли уни етиштириш хажмини ошириш жараёнида сифат кўрсаткичлари пасайиб кетди.

Айнан шундай ҳолат совет мустамлакачилиги даврида ҳам қайд этилади. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, 20-йилларнинг ўрталарига келиб халқ хўжалигини тиклаш асосан тугатилди. Янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Лекин, индустриаллаштириш сиёсатининг авж олиб кетиши туфайли Марказ ўлкамизда кўплаб саноат корхоналари ва тармоқларини яратиш йўли билан, унинг битмас - тугалмас бой табиий ва минерал ресурсларини ишга солиш, арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиш ва охир оқибатда ўзи учун кўпроқ фойда ундириб олишни мақсад қилиб қўйди.

Бироқ, саноат ишлаб чиқаришини маҳаллий хом - ашё манбаларига яқинлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини белгилашда миллий хусусиятлар эътиборга олинмади, марказ эҳтиёжлари асосида ҳал қилинди. Бунга мисол сифатида қуйидаги архив маълумотларини келтириш мумкин.

1933 йилнинг биринчи 1-кварталида Марғилон шаҳри тўқимачилик саноат таркибида 558 та кооперациялашган ҳунармандчилик артеллари мавжуд бўлиб, улар ипак йигирш ва тўқишга мўлжалланган эди.

Бу корхоналар қуйидагича номланган: 1) Сталин номли артель; 2) "Байнал-Минал" артели; 3) "Иккинчи беш йиллик" номли шойи тўқиш саноат коммунал хўжалиги; 4) Икромов номидаги ипак бўяш, йигириш ва тўқиш фабрикаси; 5) "Ёруғлик" номли тўқимачилик артели. [2]

Юқорида номлари келтирилган корхоналарда артель аъзоларининг ишлаб чиқаришда бандлиги масаласини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.

Ишлаб чиқаришда аъзоларнинг бандлиги масаласида 1-ўринни "Сталин" номли артель эгаллайди. Чунки бу корхонада Марғилон маҳаллий ҳунармандларининг 42,8 % мавжуд эди. 2-ўринда "Байнал - Минал" - 35,7 % ни ташкил этади. Бу иккала артель аъзолари 438 кишидан иборат. [3] Юқорида кўрсатилган бешала артелларнинг йиллик маҳсулот ҳажми 1932 йил нархида 4.545.500 сўмни ташкил этган. [4]

Қуйида биз, архив ҳужжатларида келтирилган рақамлар асосида 1933 йил 1 - январдан 1 - октябргача бўлган даврда, белгиланган режанинг артелларда бажарилиши ҳолатига тўхталиб ўтамиз.

№	Артеллар номи	3 кварталга туширилган режаси	Бажарилиши	% ҳисобида бажарилиши
1	"Сталин" номли	1.689.800	1.045300	61.87
2	"Байнал-Минал"	1.235.800	809.600	65.51
3	"Иккинчи беш йиллик"	71.700	61.000	85.08
4	"Икромов" номли	126.500	5.600	4.43
5	"Ёруғлик"	23.400	67.600	28.69
Жами:		3.357.800	1.989.100	59.24

Демак, ҳунармандчилик саноати артелларида режа топшириқларининг бажарилмай қолиш сабаби - хом ашё билан таъминланмай қолишидир. Натижада ҳунармандларнинг маълум қисми ишлаб чиқариш артелларидан кетишга мажбур бўдилар. [5]

Демак, саноатни, айниқса, ипакчилик саноати учун кадрлар тайёрлашда ички имкониятлардан фойдаланиш, яъни маҳаллий ҳунармандларни ишлаб чиқаришга жалб этиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланган. Бу ҳақда архив ҳужжатларида қуйидагилар баён этилган:

Ипакчилик саноатини ишчи кучи билан таъминлаш муаммоси, Марғилон шароитида нисбатан энгил ҳал бўлади. Чунки Марғилон узоқ вақтлардан бери аҳоли зич жойлашган шаҳарлардан бири бўлиб, аҳолининг асосий қисми маҳаллий саноат, биринчи навбатда ипак ишлаб чиқариш саноати билан шуғулланади. 1930 йил саноат рўйхати рақамларига кўра, Марғилон шаҳри ва Марғилон районида маҳаллий саноатда банд бўлган аҳоли 11710 кишини ташкил этган. Бу эса умум республика ҳажмининг 15,1 % ни ташкил этган лекин биз ҳозирги пайтда бу ҳунармандларнинг барчаси ишлаб чиқаришга жалб этилган, деб айтишга асосимиз йўқ. Чунки ҳозирги пайтда мавжуд бўлган маҳаллий саноат артелларига 2300 киши жалб этилган. Қолганлари эса хўжаликнинг бошқа соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. [6]

Демак, саноат ишлаб чиқаришини маҳаллий хом ашё манбаларига яқинлаштириш ва саноат ишлаб чиқариш таркибини белгилашда миллий хусусиятларга эътибор берилмаган. Бундан ташқари, бутун иттифоқда бўлгани сингари Ўзбекистонда, хусусан Марғилон шаҳрида ҳам ўта юқори қилиб берилган режаларни бажаришнинг иложи бўлмаган. Шунингдек ипакчилик саноати қурилишида ҳам зарур нисбатларнинг бузилиши, ноаниқ топшириқлар, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги саноати ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш имконини бермади.

"Бундай шароитда мамлакат юқори сиёсий раҳбарияти умуман индустриаллаштириш сиёсатини бўлмасада, унинг амалга ошириш суръатларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Иккинчи беш йиллик (1933-1939 йиллар) нинг дастлабки топшириқлари кескин пасайтирилди, хўжалик ҳисобида иш юритишнинг айрим томонларини тиклашга ҳаракат қилинди". [7]

3. Тадқиқот натижалари:

Фарғона тўқимачилик саноати иттифоқи, дейилади архив маълумотларида, - 1933 йил режасининг бажарилмай қолганлигига жавобан, 1934 йил режасини 1933 йилга нисбатан 20% ортиги билан бажаришга ваъда беради. [8]

Шунингдек артельчилар савдосизлигини тугатиш мақсадида 17 та ликбез (савдосизликни тугатиш) пунктлари ташкил этилган. Махсус ипакчилик техникумида ўқиётган бўлажак кадрлар туб миллат вакиллари дир ва 1934 йилнинг январидан биринчи бор битирувчи мутахассислар [9] ишлаб чиқаришга жалб этилади.

Бундан ташқари шуни эътиборга олиш керакки, ёш кадрлар ва шунингдек фойдаланилмаётган резерв ишчи кучи, яъни аёллар меҳнатидан ипакчилик саноатида оқилона фойдаланиш, энг актуал масала бўлиб, бунда на фақат ишлаб чиқариш нуқтаи назардан, балки сиёсий нуқтаи назардан ҳам муҳимдир. [10]

Дарҳақиқат, архив ҳужжатларини ўрганар эканмиз, 30-йиллардаги оғир қатағонлар, тазйиқлар, тақиқлар шароитида ҳам айрим ходимлар туб аҳолини маҳаллий саноатга жалб қилиш, ишсизлик каби ижтимоий муаммони ҳал этиш

каби долзарб масалаларни кун тартибига қўйганлар.

Бироқ, марказ миллий ўлкаларда империя тизимининг ижтимоий қатламларини вужудга келтиришдан манфаатдор эди. 3-беш йиллик режасидаги вазифалар билан танишар эканмиз, Марғилон шаҳрида ипак йиғириш ва ипак тўқиш фабрикаларини қуриш масалалари қайд этилди.

Марғилон шаҳри ва унинг атрофидаги районлар тўлақонли равишда Ўзбекистоннинг

асосий ипакчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Бундай ипак хомашёси базасида СССРда йирик ипак йиғириув фабрикаси Марғилонда қурилди. Шунингдек ишлаб чиқариш ҳажми бўйича СССРда ягона ҳисобланган калавалаш фабрикаси қурилмоқда. Корхонанинг биринчи навбати 1939 йилда ўзлаштирилса тўла ўзлаштириш эса 1942 йилга мўлжалланган. [11]

Лекин, хом ашё манбаси мавжуд бўлган бу иккала корхона ўртасида маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришда боғлиқлик йўқ. Дарҳақиқат, мавжуд қоидага кўра барча маҳсулот пилла, шойи тўқиш фабрикасида қайта ишлаб чиқилади, Москвага жўнатилади, сўнгра, газлама яна қайта айирбошлаш учун Фарғона водийсига жўнатилади. Марғилонда мавжуд бўлган комбинат бундай ноўрин ҳолатга чек қўйиш, яъни пилла йиғиришдан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни таъминлаши, яримфабрикат ва тайёр маҳсулотлар ташиш харажатларини йўқотиши мумкин эди. [12]

Яна шуни таъкидлаш керакки, - дейилади архив ҳужжатларида, - марказий фабрикаларда Ўрта Осиё талабига мувофиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқилмайди. Яна иттифоқ ҳукуматининг марказий корхоналарни сунъий шойи ишлаб чиқаришга ўтказиш, табиий шойи корхоналарини эса хом ашё манбаи ёнида қуришдан иборат кўрсатмаси мавжуд. [13]

4.Хулосалар:

Мақолага хулоса ясар эканмиз, қўйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, биз Республикамизда бўлгани сингари, Марғилон шаҳри иқтисодиётида ҳам, фақат хом ашё етиштириш хусусияти мавжуд бўлганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Шойи йиғириш фабрикасининг айнан Марғилонда қурилиш масаласини кўяр эканмиз - дейилади архив маълумотларида, - шаҳар ташкилотлари на фақат соф маҳаллий эҳтиёжларидан, балки Марғилонда шойи тўқиш комбинатининг қурилиши давлат нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдилар. Чунки Марғилон ва унинг атрофидаги районлар Ўзбекистон ипакчилик маҳсулотининг тахминан 38% ини ишлаб чиқаради ва Ўрта Осиёнинг асосий ипакчилик базаси бўлиб ҳисобланади. 3-беш йилликда ипакчилик саноатини янада ривожлантириш энг мухим вазифалардан биридир. [14]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудида, хусусан Марғилон шаҳридаги саноат корхоналарини хар томонлама ривожлантириш, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, моддий турмуш даражасини ошириш масалалари марказнинг диққат-этиборидан чеккада қолди. Шу сабабли ҳам тайёр маҳсулотдан тушадиган мўмай даромад, Ўзбекистон хомашёсини қайта ишлашга мослашган марказий корхоналар чўнтагига тушар эди.

Шунга қарамасдан Марғилоннинг меҳнатсевар, жонкуяр моҳир ҳунармандлари ўзларининг бебаҳо шойи ва адраслари билан нафақат Ўзбекистонда балки жаҳонга ҳам танилиш каби буюк бахтга муяссар бўлдилар.

Иқтибослар/Сноски/References


- [2] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.100.Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [3] Ўша жойда.
- [4] Ўша жойда.
- [5] Ўша жойда.
- [6] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.4. Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [7] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент, 2000. 341-бет.
- [8] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.101. Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [9] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 2202. Л.102. Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [10] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.5. Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [11] ЎМА, ф - 88, Оп. 9.Д. 5626. Л.4. Ўзбекистон миллий архиви (National Archive of Uzbekistan)
- [12] Ўша жойда.
- [13] Ўша жойда.
- [14] Зулфия Усмонова ХХ асрнинг 20-30 йилларида Марғилон ипакчилик саноати *Biznes - Эксперт* журналі № 6 2015 йил 72-74 бет, (Zulfiya Usmonova Margilan's silk industry in the 20-30s of the twentieth century// *Biznes - Expert* No. 6 2015 year p 72-74)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тошбоев Фурқат Эшбоевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Хамраев Ғайрат Ғаниевич
катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖИГА ДОИР (XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

For citation: Tashboev Furkat Eshboevich, Khamraev Gayrat Ganievich. The archeological science in Uzbekistan. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp. 85-91

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-11>

АННОТАЦИЯ

Муаллифлар ушбу мақолада Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги фаолияти билан Ўзбекистонда ҳам археологик тадқиқотларнинг бошланганлиги ва октябрь инқилобидан кейин бу фаолият Средазкомстарис, Узкомстарис каби ташкилотлар томонидан давом эттирилганлиги ҳақида маълумот берган.

Калит сўзлар: Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги, қурум, муғхона, Чоч, Уструшона, Илонўтти дараси, Средазкомстарис, Узкомстарис, Қовунчи маданияти, Мирзачўл сардобалари.

Ташбоев Фурқат Эшбоевич
Доктор философских наук по истории (PhD), доцент
Хамраев Ғайрат Ғаниевич
Старший преподаватель
Джизакского государственного педагогического института

АРХЕОЛОГИЧЕСКАЯ НАУКА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Авторы этой статьи сообщают, что в Узбекистане также началась археологическая деятельность туркестанских любительских групп, и что после Октябрьской революции эту работу продолжили такие организации, как Средазкомстарис и Узкомстарис.

Ключевые слова: археологический кружок туркестанских любителей, Чох, Уструшона, ущелье Илонотти, Средазкомстарис, Узкомстарис, сардобы Мирзачуля.

Tashboev Furkat Eshboevich
Doctor of Philosophy in History (PhD), Associate Professor
Khamraev Gayrat Ganievich
Senior teacher, Jizzakh State Pedagogical Institute

THE ARCHEOLOGICAL SCIENCE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The authors of this article report that the archaeological activities of Turkestan amateur groups also began in Uzbekistan, and that organizations such as Sredazkomstaris and Uzkomstaris continued this work after the October Revolution.

Index Terms: archeological circle of Turkestan lovers, Chokh, Ustrushona, Ilonotti gorge, Sredazkomstaris, Uzkomstaris, Mirzachul sardobes.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё худудидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш Россия империяси Туркистонни забт этганидан сўнг, Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги (ТҲАТ) аъзолари томонидан бошланган. Илк бор машҳур шарқшунос Н.И. Веселовский томонидан 1884 йил Фарғона водийсидаги ўтроқ аҳоли маданиятига мансуб ёдгорликлар ва дашт худудларида жойлашган қурум ва муғхоналар ҳамда Ўзганнинг шарқий томонида жойлашган мозорқўрғонлар очиб ўрганилган [1, С.214]. 1886 йил В.М. Флоринский томонидан Еттисув яқинида эрамиз бошларига оид мозорқўрғонлар очилган. 1887 йил Н.П. Остроумов инқилобгача бўлган даврда биринчи бўлиб, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қазув ишларини ташкил этган. Бу тадқиқот илмий жиҳатдан археологик қазув методларига риоя қилинган илк изланиш бўлиб, унда Тошкент яқини (Никофоров ери)да жойлашган 20 та айвонли лаҳад қабрлар очиб ўрганилган [2, С.215]. Ушбу қабрларда жасадлар ер ёки қамишли тўшамага ётқизилган ҳолда боши шимол ва шимолий-шарқ томонга қаратиб дафн этилган бўлиб, қабр лаҳадига ўтиш йўлагиди ҳайвон суяклари, марҳум ёнида эса турли хил буюмлар қайд қилинган. Шу тарзда рус интеллигенцияси ташаббуси билан Ўрта Осиё худудида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш бошланган.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетли, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

1918 йилга қадар фаолият кўрсатган ТҲАТ нинг қазув тадқиқотлари асосан, Чоч, Сўғд ва Фарғона водийси воҳаларидаги ёдгорликлар билан боғлиқ эди. Уструшонада эса октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки ўн йилликларда ҳам нафақат чорвадорларга оид ёдгорликларда, балки деҳқончилик воҳаларидаги монументал ёдгорликларда ҳам бирон-бир махсус археологик қазув-тадқиқот ишлари ўтказилмаган. Ўтказилган қазув тадқиқотлари асосан рус зиёлилари томонидан олиб борилган бўлсада, бу "археолог"ларнинг кўпчилиги олий

маълумотли турли хил касб эгалари бўлиб қадимшунослик фани ва унга оид қазув тадқиқотларидан беҳабар ҳавасманд кишилар эди. Фикримиз тасдиғи сифатида келтирадиган бўлсак, Чу водийси ва Олмаота атрофларидаги қишлоқ маконлари ва мозорқўрғонлардан кўпчилигини ўрганган А.М.Фетисовнинг касби боғбон, Еттисув вилояти Копал туманининг бирнеча қишлоқларида қазув ўтказган, П.С. Нечогинанинг касби ҳарбий инженер, Тўқмоқ уездидидаги Лебединка қишлоғидаги ёдгорликларни тадқиқ этган П.В. Поярковнинг касби ҳарбий врач [3, С.216-218], кўплаб археологик қазув ишларига бошчилик қилган Н.П. Остроумовнинг касби эса журналист бўлганлиги кўпчиликка маълум.

Бироқ, ёдгорликларни илмий ўрганиш билан бир пайтда уни (айниқса мозорқўрғонларни) талон-тарож қилувчи - хазина изловчилар сони ҳам ортиб борганлиги кузатилади. XIX асрнинг 80, 90- йилларида Европа ва маҳаллий аҳолига мансуб кишилар томонидан хазина топиш орзусида кўплаб мозорқўрғонларни пала-партиш очиш, талаш ҳолатлари ҳам кузатилган. Маҳаллий ҳокимиятнинг эса бунга эътибори суғ бўлиб, тақиқ жорий қилинган жойларда ҳам талончилик ишлари давом этган.

Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги аъзолари томонидан Уструшонада олиб борилган изланишлар эса асосан эсдаликлар шаклида бўлиб, улар асосан мавжуд ёдгорликларни ёзиб олиш ва қайд этиш билан чекланган. Уструшонанинг шимолӣ-ғарбий қисмидаги тарихий ёдгорликларини ўрганишнинг илк босқичи таниқли шарқшунос, археолог П.И. Лерх фаолияти билан бошланади. П.И. Лерх Россия Археология Комиссияси топшириғи билан 1867 йил сентябрь ойида Петербурдан Жиззахга келган. Уни қадим Уструшонанинг бой ва айни пайтда кўпчилиги тепаликларга айланган юзлаб тарихий ёдгорликлари лол қолдиради. Бироқ ушбу тадқиқотчида қазув тадқиқотлари ўтказиш имконияти бўлмади. Шундай бўлсада, ушбу олим томонидан Илонўтти дарасидаги темурий шаҳзода Мирзо Улуғбек томонидан 1425 йил ва шайбоний Абдуллахон II томонидан 1557 йилда, ўз ғалабаларини келгуси авлодларга етказиш мақсадида битилган махсус зафарнома - тош лавҳларга битилган ёзувлар тадқиқ этилади. Уларни ўқиб, тасвирга олади ва таржима қилиб нашр эттиради [4, Б.33-34]. Россия ҳукумати миссияси таркибида Бухорога сафар қилган Л.Ф. Костенко эса, Жиззах ва Чиноз ўртасида сақланиб қолган сардоба ва карвонсаройлар ўрнини аниқлайди [5, С.16-17]. 1876 йилда А.П.Хорошихин ҳам Туркистон ўлкасига оид мақолалар тўпламида ушбу ёдгорликлар, номсиз тепаликлар ва тоғолди даштликларида жойлашган кичик ўлчамдаги тепалик (мозорқўрғон Ф.Т.)лар ҳақида маълумот беради [6, С. 66-68].

XIX асрнинг 60-70 йиллари ҳарбий топограф Г.А. Аминов раҳбарлигида Мирзачўл ва Жиззах чўлларида археологик қидирув ва мавжуд ёдгорликларни топографик харитага тушириш ишлари амалга оширилган. Бу тадқиқотчи томонидан қадимги ўтроқ аҳоли манзиллари, Эски-Туятортар шоҳ ариғи сувлари ўзани ва унинг Мирзачўл дашт мавзеларигача етиб келганини аниқланган. В.Ф. Караваев, И.А. Кастанье. Н. Ликошин, П.С. Скварский каби ўлкашунослар ҳам у ёки бу мавзу доирасида Уструшонадаги ёдгорликлар ҳақида умумий маълумот тарзида тўхталиб ўтишган [7, С. 44]. XX асрнинг 20- йилларигача бўлган давр, нафақат, Уструшонадаги тарихий ёдгорликлар балки, бутун Ўрта Осиё чорвадорлари моддий маданиятини ўрганиш бўйича дастлабки қадамлар эди. Бу даврда, гарчи, Уструшонадаги ёдгорликларни ўрганиш бўйича алоҳида мавзу доирасида, махсус режага асосланган экспедициялар уюштирилмаган бўлсада, Уструшона худудидаги

ёдгорликларни ўрганишга дастлабки қадамлар қўйилган эди.

Умуман олиб қараганда 1917 йилгача Россия империяси томонидан Ўрта Осиёдаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун биронта махсус илмий археологик экспедиция юборилмаган. Қазув ишлари давлат томонидан ташкил этилмаган ва бу тадқиқотлар ўз номига мос бўлган ҳаваскорлар (ТХАТ) томонидан ўтказилган. Айтиш лозимки, ушбу тўғарак аъзоларининг Ўрта Осиё ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва дастлабки қазув ишлари Ўзбекистон археологиясининг кейинги ривожига катта аҳамият касб этди.

Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин қадимги ёдгорликлар, санъат ва маданий меъросни ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида Турккомстарис ташкил этилди. Дастлабки пайтларда ушбу ташкилот 1917 йилги инқилобгача фаолият юритган ТХАТ олимлари ва ўлкашуносларига таяниб иш олиб борди. Давр талаби билан инқилобдан кейин унинг иш фаолиятида ўзгариш ясалди ва тарихий ёдгорликлар, санъат ва маданий ёдгорликларни асраш ва ўрганишни давлат ўз хомийлигига олишга ҳаракат қилди. Энди санъат ва маданият ёдгорликларини асрашни Туркистон автоном ССР ўз зиммасига олди ва шунга оид қарор ва фармойишлар чиқарилди.

Дастлабки 1918-1920 йилларда бундай ташкилотлар маҳаллий ва ҳарбий муассасалар ёки илмий ходимлар ва ўлкашунослар ташаббуси билан ташкил этилди. 1918 йил кузида собиқ ТХАТ нинг аъзолари В.Л.Вяткин, Б.Н. Кастальский вилоят архитектори М.Ф. Мауер билан биргаликда XV асрда қурилган Улуғбек мадрасасининг минора қисмини қулаш арафасига бориб қолганлиги, ташқи деворнинг эса қаттиқ емирилганлигини таъкидлаб, уни тиклаш ва таъмирлаш ташаббуси билан чиқадилар. 1919 йил Самарқанд вилоят халқ комиссарлари совети ушбу таклифни қўллаб, ёдгорликни сақлаш ва асраб қолиш учун рассом А.К. Татезосян бошчилигида гуруҳ ташкил этади. Бу комиссия Ўрта Осиёда 1918-20 йилларда кечган кучли сиёсий ва иқтисодий инқирозларга қарамай, ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш борасида муваффақиятли фаолият олиб боради. Бироқ, маҳаллий ҳокимият органлари жамғармасида маблағ кам бўлганлигидан, унинг фаолиятини ташкил этиш борасида лоқайд бўлдилар.

XX асрнинг 20- йилларида ушбу ташкилот томонидан бир қанча ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ўтказилган. 20- йиллари охири айниқса, 1928 йил Средазкомстарис ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларида қишлоқ маконлари, шаҳар маданиятига оид ёдгорликлар, карвонсаройлар ва чорвадорлар маданиятига оид мазорқўрғонларни режали асосда очиб ўрганиш ҳам бошлаб юборилади. Бу изланишлар айниқса кўшни Тошкент воҳасида жадал олиб борилган. Узкомстарис ташаббуси билан 1928 йил М.Е.Массон Оҳангарон ва Тўйтепада, М.В. Веоводский бошчилигида 1929 йил Пскентда, Б.А. Латынин томонидан 1934 йил Исфарада, М.Е. Массон раҳбарлигида 1935 йил Чирчиқ дарёси бўйларида, Г.В.Григорьев ва М.Э. Воронецлар томонидан 1937-38 йилларда Жун ариғи бўйлари ва Қовунчитепага яқин ҳудудларда кўплаб археологик ёдгорликлар очиб ўрганилган[8,С.220-225]. Бу ёдгорликларнинг археологик ўрганилиш тарихини икки йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналишда, деҳқончилик микровоҳаларидаги манзилгоҳлар - қўналға (поселения)лар, қишлоқ макон (мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳ)лари, карвонсаройлар, мудофаа иншоатлари, қаъла ва шаҳарларни ўрганиш. Иккинчи йўналишда эса чорвадорлар маданиятига оид мазорқўрғонларни ўрганиш.

Бу пайтда, нафақат Ўзбекистон халқлари балки, кўшни республикалар

маданияти тарихига ҳам дахлдор бўлган улкан тадқиқотлар бошланди. Бу Тошкент воҳасида "Қовунчи маданияти" га оид ёдгорликларнинг комплекс ҳолда ўрганилиши даврининг бошланиши билан белгиланади. Уструшона билан бевосита туташ, Ўрта Сирдарё бўйи минтақасида ўрганилган, деярли бир-бирига яқин моддий маданият (ёдгорлик) намуналарининг умумий ном билан "Қовунчи маданияти" деб аталишига сабаб, 1934 йилда Г.В. Григорьев, Чирчиқ дарёси ўнг қирғоғида жойлашган шаҳар харобалари ва турар жойларни режали асосда ўрганишни бошлайди. Топилган ашёвий манбаларни қазिश ишлари биринчи марта ўтказилган жой Қовунчитепа номи билан "Қовунчи маданияти" деб аталган. Ўшандан буён воҳада ўрганилган бу ёдгорликдагига ўхшаш моддий маданият намуналарининг барчаси умумий тарзда "Қовунчи маданияти"га тааллуқли деб эътироф этиш ёзилмаган қоида сифатида қабул қилинган.

XX аср 30- йилларидан бошлаб Қовунчи маданиятига оид ёдгорликлар Тошкент воҳаси (Чирчиқ, Оҳангарон водийси)да М.Е. Массон, М.Э. Воронеж, Г.В.Григорьев, А.И.Тереножкин, Т.Г. Обольдуева, Б.А. Литвинский, Х. Дуке, Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, Л.М. Левина ва бошқа археологлар томонидан мақсадли равишда илмий ўрганилган. Тинимсиз изланишлар натижасида, Қовунчи маданиятига мансуб шаҳар харобалари - қадимги шаҳар маданиятининг йирик пунктлари, қаср типигаги унча йирик бўлмаган истехкомлар, турар жойлар, мудофаа деворлари ва мозорқўрғонлар ўрганилиб, Қовунчи маданиятининг пайдо бўлиши илдизлари минтақа халқлари маданияти ва этник шаклланишидаги ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида яхлит илмий маълумотлар тўпланган.

4. Хулосалар:

XX асрнинг 30- йилларига келиб ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги ёдгорликлар шу билан биргаликда, тоғ ёнбағирлари ва унга туташ дашт ва чўллик ҳудудларда даврлар мобайнида усти емирилиб ярим доира шаклида тупроқ ёки тошдан кўтарилган ва айни пайтгача сақланиб қолган кўплаб мозорқўрғонлар борлиги маълум бўлди. Тошкент воҳасида шаҳар маданиятига мансуб ёдгорликлар билан биргаликда кўчманчилар маданиятига оид Тўй-тепа, Шоштепа, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Қавардан, Оҳангарон, Ачамойли каби мозорқўрғонлардан қадим тарихимиз ва унда кўчманчиларнинг тутган ўрни бўйича кўплаб янгиликлар кашф қилинган. Бу мозорқўрғонлар мил. авв. III-II асрлардан то милодий VIII асрларигача бўлган даврларга оид эканлиги аниқланиб, кўплаб ноёб ашёвий манбалар муомалага киритилган.

Бироқ, бу даврда ҳам Уструшонада мавжуд бўлган кўплаб археологик ёдгорликлар мутахассислар эътиборидан четда эди. XX асрнинг 30- йилларида ҳам бу тарихий маданий воҳада мавжуд ёдгорликларни ўрганиш мақсадида бирорта археологик тадқиқотлар ўтказилмаган. Фақатгина, археолог М.Е. Массон бошчилигида махсус экспедиция уюштирилиб унда асосан, Мирзачўл сардобалари тарихи ўрганилган. Ушбу олим сардобаларни пухта тадқиқ этиб, Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган бу иморат - сардобалар, "савдо карвонлари учун сувлоқ ва дам олиш жойи вазифасини ўтаган" лигини ёзади [9] .

Ниҳоят, XX асрнинг 40- йилларига келиб Уструшонадаги чорвадорлар қадимиятига оид ёдгорликларни ўрганиш бошланган. Буни бошланишига сабаб эса, 1943 йилда Ўрта Осиёдаги йирик Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишидан олдин бу ҳудуднинг археологик ёдгорликларини илмий ўрганиш зарурияти юзага келганлиги эди. Шу тарзда, Уструшона ҳудудидаги мозорқўрғонларни ўрганиш тарихи бошланади. Қидирув тадқиқотлари натижасида, Фарҳод ГЭС қуриладиган

жойнинг деривацион канал ўтадиган қисмида, Бекободдан 4,5 км шарқда, Ширинсой яқинидаги адирликда, бир-бирга туташ тарзда жойлашган мозорқўрғонлар мажмуаси борлиги аниқланган. Бу ерда В.Ф. Гайдукевич бошчилигида махсус археологик экспедиция қазув тадқиқотларини амалга ошириб 28 та деярли ўғирланмаган, ашёвий манбаларга бой (ушбу ишимизда яна бир бор илмий таҳлил қилинадиган), лаҳадли ва ёрма қабрларни очиб ўрганган [10, С.335-352]. Бу даврда қўшни Сўғд, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида кенг миқёсда изланишлар олиб борилган. Бироқ, илмий қиёслашларда Ширинсой мозорқўрғонларидан кенг фойдаланилсада, Уструшонадаги бу каби, чорвадорлар маданияти тарихини ўрганишга доир махсус экспедициялар кейин ҳам кўп вақт мобайнида уюштирилмаган.

Шундай қилиб XX асрнинг 20-30- йиллари Ўзбекистонда турли мавзу ва илмий мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган кўплаб археологик экспедицияларнинг хизмат сафарлари уюштирилган йиллар сифатида археология фани тарихига кирди. Энди бу тадқиқотлар қамрови кенгайиб Уструшонада ҳам махсус археологик отрядлар ўз фаолиятини бошлаган эдилар.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии // ИМКУ. - Тошкент: 1964, -№ 5. -С.214. (Obelchenko OV To the study of burial mounds in Central Asia // IMCU. - Tashkent: 1964, -№ 5. -P.214.)

2. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии... - С.215. (Obelchenko OV To the study of burial mounds in Central Asia // IMCU. - Tashkent: 1964, -№ 5. -P.215.)

3. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии... - С.216-218. (Obelchenko OV To the study of burial mounds in Central Asia // IMCU. - Tashkent: 1964, -№ 5. -P.216-218.)

4. Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ., Жиззах тарихи. - Тошкент, 2007. -Б. 33-34.(Haydarov H., Usmanov Q, History of Jizzakh. - Tashkent, 2007. -B. 33-34.)

5. Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. // Спб.,1871. - С. 16-17. (Kostenko L.F. Travel to Bukhara of the Russian mission in 1870 // St. Petersburg, 1871. - P. 16-17.)

6. Хорошихин А.П. Сборник статей касающихся Туркестанского края // Спб., 1876. - С. 66-68. (Khoroshikhin A.P. A collection of articles relating to the Turkestan Territory // St. Petersburg, 1876. - P. 66-68.)

7. Караваев В.Ф. Голодная степ в ее прошлом и настоящем. Петербург: 1914., Кастанье И.А. Древности Ура-Тюбе и Шахристана //ПТКЛА. Год двенадцатый. - Т.: 1915. -С.44., Скварский П.С. Несколько слов о древностях Шахристана // ПТКЛА. -Т.: 1896. - С. 44. (Karavaev V.F. Hungry step in her past and nagging. Petersburg: 1914., Castagne I.A. Antiquities of Ura-Tyube and Shakhristan // PTKLA. Year twelve. -Т.: 1915. -P.44., Skvarsky P.S. A few words about the antiquities of Shakhristan // PTKLA.Т.: 1896. - P. 44.)

8. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии... - С.220-225. (Obelchenko OV To the study of burial mounds in Central Asia // IMCU. - Tashkent: 1964, -№ 5. -P.220-225.)

9. Массон М.Е. Проблема изучения цистеры-сардоба. // Материалы Узкомстариса.

-Т.: 1935. № 8. (Masson M.E. The problem of studying the sardoba cistern. // Materials of Uzkomstaris. -Т.: 1935. №. 8.)


10. Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // СА - М.: 1952. -№26. -С. 335-352. (Gaidukevich V.F. Burial ground near Shirinsay in Uzbekistan. // SA - M.: 1952. -№26. -FROM. 335-352.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Наимов Исмат,
ЎзР ФА Тарих институти
таянч докторанти (ismat.naimov@yandexl.ru)

АҲМАД ДОНИШНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

For citation: Naimov Ismat. The Life Of Ahmad Danish. Look to the past. 2020, vol. 2, issue 3, pp.92-102

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-2-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган кўзга кўринган маърифатпарвар олим Аҳмад Дониш (1827-1897)нинг босиб ўтган ҳаёт йўли манбаларга таянган ҳолда баён этилган. Бухоро амирлигида мураккаб бир вазият ҳукм сураётган бир даврда Аҳмад ибн Носирнинг донишманд бўлиб камол топишида қандай ҳаётий синовлардан ўтганлиги ҳамда уларнинг серқирра фаолиятига таъсири, қолдирган бой илмий меъроси тўғрисида илмий-назарий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Аҳмади Маҳдум, муҳандис, лавҳакаш, сафарлар, сарой аҳли, Жаъфархўжа, шайх Жалол, котиб, Садр Зиё.

Наимов Исмат,
Базовый докторант
института Истории АН РУз (ismat.naimov@yandexl.ru)

О ЖИЗНИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АХМАДА ДОНИША

АННОТАЦИЯ

В данной статье опираясь на исторических материалах описан жизненный и творческий путь выдающегося просветителя второй половине XIX века Ахмада Дониша (1827-1897). В то время, когда в Бухарском эмирате царила тяжелая ситуация, были сделаны научно-теоретические выводы о жизненных испытаниях Ахмада ибн Насира как мудрого человека, а также об их влиянии на многогранную деятельность и богатые научные наследие которые он оставил после себя.

Ключевые слова: Ахмади Мехдум, инженер, каллиграф, поездки, люди дворца,

Джафархужа, Шейх Джалал, секретарь, Садр Зия.

Naimov Ismat,
Base doctorant of the institute History
of Academy of Sciences UzR (ismat.naimov@yandexl.ru)

ABOUT THE LIFE AND WORK OF AHMAD DONISH

ABSTRACT

This article is based on historical materials describes the life of Ahmad Donish (1827-1897), an outstanding educator who lived in the XIX century. At a time when the situation in the Bukhara Emirate was difficult, scientific and theoretical conclusions were made about the life trials of Ahmad Ibn Nasir as a wise man, as well as about their impact on the multifaceted activities and rich scientific heritage that he left behind.

Index Terms: Ahmadi Mendum, engineer, calligrapher, travel, people of palace, Djfarhoja, Sheykh Jalal, secretary, Sadr Ziya.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунга қадар Аҳмад Дониш ҳаёти ва унинг бутун бир ижодий фаолияти тадқиқотчилар томонидан тўлиқ ўрганилиб тугалланган эмас. З.Ражабов, И.Мўминов, С.Улуғзода, Р.Ҳодизода, О.Баҳовуддинов ҳамда бошқа қатор маҳаллий ва хорижий олимлар алломанинг таржимаи ҳолини илмий нуқтаи-назардан тадқиқ қилган бўлсаларда, улар томонидан келтирилган маълумотлар қисман бир-биридан фарқ қилиб, яхлит бир ҳолатга келтирилмаган. Аллома биографиясига ўтган асрнинг 40-50 йилларида эътибор берилган ва тадқиқотларнинг аксарияти шу йилларда олиб борилган. Бироқ, келтирилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Аҳмад Донишнинг таржимаи ҳолини ўрганишда унинг "Дафтари тақвим" ҳамда "Наводирул вақоъ" асарлари шунингдек, С.Айнийнинг "Эсталиклари" яқиндан ёдам беради. С.Айний аллома ҳаёти тўғрисида алоҳида тадқиқот доирасида ёзмаган бўлсада, у ўзи гувоҳи бўлган воқеалар хотиралари асосида баён этган ва шунинг учун ҳам унинг маълумотлари ўзининг ишончлиги билан аҳамиятлидир.

2. Методлар:

Аҳмад Дониш босиб ўтган ҳаёт йўлини, шартли равишда қуйидаги тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Жумладан, 1836-1850 йиллар ўқувчи ва талабалик; 1850 - 1875 йиллар сарой хизматида; 1857 - 1874 йиллар хорижий сафарлар; 1875 - 1897 йиллар ижодий фаолият давлари ҳисобланади.

3. Тадқиқот натижалари:

Аҳмад Дониш 1827 йил 22 сентябрда ("Наводирул вақоъ"да меъзон ойининг биринчи кунда таваллуд топганлигини таъкидлайди) Бухоро шахрининг Кўчаи Сангин гузарида туғилган. Унинг тўлиқ исми-шарифи Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ханафий ал-Сиддиқий ал-Бухорий бўлиб, Аҳмад Абу Бақр авлодидан ҳисобланади [8, Б.33].

Ота томонидан бобоси Мир Юсуф Пирмаст (Ҳозирги кунда Пирмаст номи билан аталувчи қишлоқ Бухоро вилоятининг Шофиркон ва Вобкент туманлари чегарисида жойлашган бўлиб, Анжирбоғ ва Бозоржойи деб юритилмоқда) туманида оддий деҳқончилик билан машғул бўлган [2, Б.27-28]. Отаси Мир Носир Суғут

қишлоғидан (ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон тумани Дўрмон ҚФЙ ҳудудида) Бухоро шаҳридаги мактаблардан бирида ўқишга келган ва ўқишни тамомлагандан сўнг кичик масжидлардан бирида муллалик фаолияти билан шуғулланган [8, Б.10]. Мулла Носир истиқомат қиладиган хонадон Кўчаи Сангин (домулло Турсунжон мадрасаси (1796-1797)нинг ўнг томонида жойлашган, айти пайтда М.Амбар кўчаси деб юритилмоқда) маҳалласида жойлашган бўлиб, Аҳмад Дониш шу хонадонда дунёга келган. Аҳмад Донишнинг таъкидлашича, оиласида ундан олдин туғилган болалар турли сабабларга кўра нобуд бўлишган ва шу сабабли у ёлғиз фарзанд ҳисобланган [8, Б.336].

Аҳмад Дониш дастлабки илми онаси Сакина Абдураҳмон қизидан ўрганган. У зиёли бўлиб, ўз хонадонидида маҳалла қизлари учун дарслар ташкил этган ва ўғлига ҳам бошланғич таълимни берган. Аҳмад Дониш онаси ҳузуридида абжад ўқишни (араб алифбосидида рақамларнинг ҳарфлар ёрдамида ўқилиши), тахтага ёзиб бериладиган ҳижо ҳарфларини ўқиб ўрганиб олади. Ҳали мактабга бормай туриб, сўзларнинг маъноси чиқмаса ҳам уларни вазнга солиб, гапириш санъатини ўзлаштиради. Шунингдек, Аҳмад Дониш ҳали ёш бўлишига қарамай Қуръони Каримнинг тўртдан бир қисми, яъни "Чор китоб"нинг бирини ўқиб туширади. Ушбу муқаддас диний китобнинг ёзувларини ўқиш билан қаноатланмай, маъносини ҳам луғат ва шарҳлар орқали мустақил билишга ҳаракат қилади. Бунда у Яқуб Чархийнинг "Тафсири Чархий" (Чархийнинг Қуръонга қилган тафсири)дан кенг фойдаланади ва у билан сўзлар маъносини таққослаб боради.

Ўғлидаги ноёб қобилиятни сезган мулла Носир унинг ўқишига ниҳоятда эътиборли бўлади ва 9 ёшида қуръонни ёд олдириб қори қилиш ниятида ўз гузаридаги мактабга кўяди. Бироқ, ёш Аҳмаднинг қориликка иштиёқи бўлмайди. Мактаб таълимининг децпотик усуллари ўткир зеҳн соҳиби бўлган Аҳмад Донишнинг ўқишга бўлган интилишини сўндиради ва бундай ҳолат унинг руҳиятига ҳамда соғлиғига ҳам салбий таъсир этади. Бундан тавишланган мулла Носир ўғлининг таълимини тўхтатишга қарор қилади. Мактаб домласининг отасига ўғли Аҳмаднинг тилида тутқунлик борлиги, мабодо у қуръонни ёдласа ҳам яхши қори бўлмаслигини шу сабабли, бу фикрдан воз кечиш маъқуллигини айтгани ҳам унинг қорилик мактабини тарк этишига туртки бўлади. Ўзининг айтишича, мактабдаги уриш-сўқиш ва калтаклар таъсирида аранг бир сабоқдан иккинчи сабоқга ўтиб олган, бироқ кўп ўтмай уларни ҳам ёдидан чиқарган.

Беш йил давом этган қорилик мактабидидаги зерикарли таълим ўқишга бўлган интилишини сўндирмайди, аксинча у маскандидаги кундагик дарслардан қутилиб чиқиши биланоқ, қаерда тарихчилар мажлиси ташкил этилса, ўша ерга ошиқар, хусусан бундай қиссаҳонларнинг маъракалари асосан Бухоронинг энг диққатга сазовор жойлари Пойи Калон ва Девонбеги Лаби ҳовузида ташкил этилиб, пайғамбарлар ва подшоҳларнинг тарихларини эшитишни хуш кўрар эди [8, Б.337]. Машҳур венгриялик шарқшунос Герман Вамбери ҳам 1863 йилда Бухородаги саёҳати давомида анъанавий тусга кирган шундай қиссаҳонликларнинг гувоҳи бўлганлигини таъкидлайди [11, Б.139-140]. Албатта, бундай давралардаги ҳикоялар, ўткир ҳажвиялар ҳамда замона муаммолари тўғрисидаги суҳбатлар эндигина шаклланиб бораётган Аҳмаднинг дунёқарашига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қўймайди.

Аҳмад Дониш 1841 йилдан (14 ёшидан) бошлаб мадрасада таълим ола бошлайди. Отаси унга мадрасадан бир ҳужра ижарага олиб бериб, шу вақтдан бошлаб ёш Аҳмаднинг мустақил ҳаёт кечиришига имконият яратиб беради. Ўқиб юрган

чоғларида ҳуснихат, лавҳа ва жадваллар чизиш билан шуғулланади ва қисқа муддат ичида яхши ҳаттот, моҳир лавҳакаш бўлиб етишади. Бироқ, кейинчалик мадраса таълими ҳам уни қаноатлантирмай, астрономия, ҳандаса ва ҳисобни шахсий ташаббуси билан "кунжаки домла" (репититор)ларни топиб ўрганади.

Бунга сабаб, XIX аср ўргаларида мадрасаларда ўқув жараёни асосан ўрта асрларда шаклланган схоластик дастурлар асосида олиб борилган. Мадрасаларда мантиқ илми, Қуръони Каримга шарҳлар, жуғрофия, тарих, табиий фанлардан қисқа ва умумий маълумотлар берилган. Мадрасада ўқув жараёнининг тўлиқ курсини тамомлаш учун талаба жами 137 та дарслик, ўқув қўлланма ва шарҳлар тўпламларини ўқиб ўзлаштириши лозим эди. Ўқув жараёнидаги мантиқ, фалсафа, ҳандаса, арифметика каби предметлар бўйича ёзилган дарсликларнинг аксарияти араб тилида ёзилган бўлиб, улар луғатлар ёрдамида ўрганилган. Талабалар мадраса таълимини 18-20 йил давомида олишса ҳамки, ўқув жараёнидаги бирор бир фанни тўлиқ ўзлаштира олмаган. Назарий билимларнинг реал ҳаёт билан боғланиш жараёни анча мушкул бўлганлиги сабабли, мадраса таълими талабаларнинг қизишини ўзига жалб эта олмаган [12, Б.11-16].

Албатта, мусулмон оламида таълим тизимининг юқори босқичи саналган мадраса таълимидаги бу каби қатор муаммолар Аҳмад Дониш каби илмга чанқон бўлган иқтидорли талабани ўзига ром эта олмайди. Натижада, у илмга бўлган чанқоқлигини ўз устида мустақил ишлаб қондиришга ҳаракат қилади.

Ўзининг айтишига қараганда, Мирза Абдулфаттоҳ исмли мунажжимдан у астрономияга оид билимларни ўзлаштириб олган ва уни ўз устози сифатида тан олган [8, Б.11]. А.Дониш қўлэмалардан бирида ўз муаллимининг куйидаги ривоятини келтиради.

Андак-андак з илм ҳосил кун

Андаки моййи фаровон аст.

Яъни: оз-оздан илм ҳосил қил, оз-оздан фаровонлик юзага чиқади.

Шу билан бирга Аҳмад Дониш мустақил равишда Ибн Сино, Умар Ҳайём, Навоий, Фузулий, айниқса Мирзо Бедил асарларини мутолаа қилиб дунёқарашини янада кенгайтиради ва ўз даврининг беҳад илмли кишиси бўлиб етишади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Аҳмаднинг донишманд бўлиб етишида Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) ижодининг хизматлари ниҳоятда каттадир.

Маълумки, Бедил - Шарқ сўз санъатида услуби мураккаб шоир сифатида машҳур. Шоир ижоди мактаб ва мадрасаларда махсус дастур асосида ўқитилган бўлиб, "шарқ донишмандчилигида" бедилхонлик анжуманлари ниҳоятда машҳур бўлган. Унинг асарларини ўқиб тушуниш, фикрларининг мағзини чақишнинг ўзи қийин - алоҳида мантиқий фикрлаш тайёрлигини тақозо қилади [14, Б.4]. Аҳмад Дониш эса мана шундай қобилиятга эгаси бўлиб, Бедил ижодидан баҳраманд бўлган. Унинг ижодининг моҳиятини ўзида акс эттирган ҳаёт сабоқларининг фалсафий, ахлоқий-тарбиявий ва маънавий моҳиятини англаб етган ҳамда бутун ҳаёти давомида унинг ҳикматларига риоя қилган.

Аҳмад Донишнинг талабалик йиллари оғир кечган. Сабаби, оиласи иқтисодий жиҳатдан қийналиб кун кечирган. Ўзининг эслашича, у нодир китобларни мутолаа қилиш мақсадида, уларни сотиб олишга маблағи бўлмаганлигидан насиёга олишга мажбур бўлган [8, Б.334]. Натижада, ёш Аҳмад ўз моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида мустақил пул топишга ҳаракат қилган ва бунинг иддасидан чиққан.

"Наводир ул вақое"да у ўзига танқидий назар билан қараб, шундай деб ёзади: - "...шумликдан китобат қилиш орқали пул топишни ўйлаб, дарсдан чиққанимдан

сўнг, ёзиб-юриб, ҳар ойда бир Бедил девонини тайёрлайдиган бўлдим. Бозорга чиқариб уни 20 тангадан 30 тангагача сотадиган бўлдим, бу пулларнинг бир қисмини ўзимнинг эҳтиёжим учун сарфлаб, қолганини эса тўплаб борар эдим. Пул кўпайгани сари ўзимда бахиллик ғалаба қозонаётганлигини пайқадим. Кўп емай-ичмай 600 тангага эга бўлдим. Пул топишда ҳийлакорлик, маккорликда ҳам қадам одимлайдиган бўлдим. Атрофимда "ошу-нон" деювчи дўстларим кўпайди. Мақр ишлатиб шайтонни ҳам алдайдиган даражага етдим" [8, Б.339].

Аҳмад Дониш талабалик йилларида ҳаддан ортиқ орзу-ҳавасга берилиб, кетганини таъкидлайди. Бошқа талабаларнинг йиллик нафақалари 400 танга бўлса, у ўзининг ҳунари орқали 2000 танга топишга эришади. Бироқ, нафсга берилиб харажатларини назорат қила олмаслиги оқибатида бир тийин ҳам ортира олмаганлигини аксинча, ҳатто қарздор ҳам бўлиб қолганлигидан афсусланади.

У бир воқеа таъсирида фақирлик сари юз ўгиради. Кунлардан бир кун у ота қишлоғига бориб, яқин қариндошларини йўқлаб бир неча кун меҳмон бўлади ва Бухорога қайтишда амакиваччаси кузатиб қўймоқчи бўлиб, у билан бирга йўлга чиқади. Улар йўлда яна бир қариндошлари уйида тунайдилар. Кутилмаганда соғлом, бақувват бир ботмон юкни қўлининг учи билан кўтара оладиган ҳамроҳи хасталаниб, ўша кеча икки соат ичида вафот этади [8, Б.340]. Бу воқеа унга ниҳоятда таъсир этиб, фикр-қарашларида туб ўзгаришлар содир бўлади. Ўшандан кейин умр ўткинчи эканлигини англаб, бойлик орттириш, ҳузур ҳаловатда яшаш орзуларидан воз кечади. Бу ҳақда у шундай хулосалайди, - "Мен дунёни ўз ихтиёрим билан танлаганим йўқ, балки, кўп йиллар ўтиб орттирган тажрибамдан маълум бўлдики, менинг бахтли бўлишим мол йиғмасликда, бой бўлмасликда экан. Чунки, менда яшириниб ётган нафс ва шайтоний ишларнинг кўписи ўзимга аёндыр. Агар бошимга давлат куши қўнса ҳам, фиръавни ўз хизматимга олмайман" [8, Б.341].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Аҳмад Дониш ўз иқтидори бўлган лавҳакашлик, муҳандислик ва моҳир хаттолик санъатидан фақатгина кун кечириш манбаи сифатида фойдаланишни мақсад қилмайди. Балки, унинг бу ҳунарларни эгаллашдан асосий мақсадларидан яна бири бу ўз Ватани ва фуқароларига моҳирона хизмат кўрсатиш ҳам эди. У "...агар султон ўрдада иморат қилса ёки ўзига атаб мадраса-масжид, хонақоҳлар қурдирса, ҳамма ҳунар ва санъатларимни кўрсатиб, барчани ҳайрон қолдирмоқчи эдим. Агар подшоҳ томонидан зийнатланган бирор китоб ёздирмоқчи бўлсалар, бу иш ҳам менинг қўлимдан келар эди" - дейди. Бироқ, унинг бу қобилиятидан бахтига қарши ҳеч ким фойдаланмайди. Чунки, мамлакатда иқтисодий-сиёсий ҳамда ижтимоий соҳаларда мураккаб инқирозли жараёнлар кечаётган, бир давр эди.

1850 йиллар бошларида Аҳмад Дониш амир саройида ҳаттотлик ва бош меъмор лавозимида фаолият юритаётган меъмorchиликдан сабоқ берувчи устози тавсиясига кўра моҳир хаттот сифатида сарой хизматида олинади ва тез орада амир ҳузуридаги бош ҳаттот лавозимини эгаллайди [8, Б.356].

Устози амир билан суҳбатларининг бирида шогирди Аҳмаднинг хаттотлик ва мусаввирликдаги иқтидорини мақтайди. Амир Насрулло шундан кейин ёш Аҳмадни саройга ҳаттотлик вазифасига тайинлайди. Шу вақтда А.Дониш эндигини 24-25 ёшлар атрофида эди.

Аста-секин мансаб пиллапоялари бўйлаб кўтарилган А.Дониш, тез орада бош меъмор даражасига етади. Давлат хизматида бўлиш Аҳмад Донишни саройнинг бошқа хизматчилари ҳамда мансабдор шахслари билан яқинлашиш, шу тарзда

уларнинг турмуш-тарзи билан танишиш имкониятига ҳам эга бўлади. Аҳмад Дониш барча соҳалардаги билимлари юқори бўлгани учун тез орада сарой аҳли ичида ўзига хос ҳурматга эга бўлади. Кейинчалик, ҳатто, амирнинг ўзи ҳам айрим муаммоли масалалар бўйича А.Дониш билан маслаҳатлашишни маъқул кўради.

А.Дониш саройга ишга кирганини шундай эслайди: "Бир куни пайти келиб устозим мени султонга мақтабди. Фалон одам менинг шогирдим, ҳар турли хат ёзишда моҳирлиги бор, хушхатликда унга бирор киши тенг бўлолмайди. Агар у қалам ҳунарини кўрсатса, рассом Беҳзоднинг санъати касодликка учрайди. Агар қил қаламлари ишга кирар экан, ажойиб ва ғаройиб санъатлар юзага чиқади, деб номимни кўтарибди. Шундан кейин Насруллоҳон мени ҳузурига даъват этиб, бир китобни содда хатда кўчиришни буюрди. Мен бу ишни тез ва хушсифатлик билан бажардим. Шундан бошлаб амир ҳар куни тиб, тарих, ҳисоб, маърифий масалага доир китобларни хушнавис қилишни буюрар ва бир "жузъий"га (тахминан бир босма варақ ҳажмида) ўн дирҳамдан маош берар эди. Бу орада устозим вафот этди ва Султон мени унинг ўрнига вазирликка тайинлаб, ойма-ой минг дирҳамдан маош тўлайдиган бўлди. Шундай қилиб, барча меъмор ва наққошлар менинг раҳбарлигимда фаолият кўрсатадиган бўлди" [8, Б.356].

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Аҳмад Дониш амир саройида фаолият юритган даврида нафақат хаттотлик балки, меъморчилик соҳасида ҳам кучли билимга эга бўлганлигини намойиш қилиб, катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Шунингдек, сарой хизматида ёлланиши ва у ерда эгалланган бой тажрибаси унинг кейинги серқирра фаолиятида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Аҳмад Дониш учун амир саройида хизмат қилиш муҳим эмас эди. Унинг энг асосий мақсади амир саройидаги мавжуд бўлган бой кутубхонадан унумли фойдаланиш, ўз билимини янада ошириш ҳам ётар эди. Ўша замонларда амирлик саройидаги энг катта кутубхонада нодир китоблар тўпланган бўлиб, уларни саройнинг обрўли хизматчилари мутолаа қилишлари мумкин эди.

Аҳмад Дониш мазкур кутубхонадаги нодир қўлёзма китоблар, шу жумладан Сулаймон ўғли Маҳаммад Фузулий (1498-1556) асарларини жуда қизиқиб ўқиди. Аҳмад Дониш томонидан Фузулийнинг озарбайжон - турк тилида ёзилган шеърларидан олган парчалари жуда қизиқарлидир. Бу эса Донишнинг Фузулий гоёлари, унинг астрономия ҳақидаги фикрлари билан қизиққанлигидан далолат беради [15, Б.118].

Аҳмад Донишнинг кейинги ҳаёт йўли унинг хорижий сафарлари билан боғлиқ бўлди. Хусусан, у бутун умри давомида уч маротаба Бухоро амирлигининг элчилари мирзаси сифатида Россия империясида бўлди.

Унинг Петербургга биринчи сафари 1857 йил 9 январдан 1858 йил 11-12 январгача [10, Б.11]; иккинчи сафари 1869 йил 2-3 октябрдан 10 декабргача [10, Б.13]; учинчи сафари эса 1873 йил январдан 1874 йил майгача давом этди [22].

Ушбу сафарларда империянинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш, илғор фикрли шахслар билан мулоқотда бўлиш ҳамда рус халқининг маданияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди ва улар шубҳасиз унинг дунёқарашига тубдан ўзгариш ясади. Аҳмад Дониш ушбу сафарларда ўзини моҳир давлат арбоби сифатида намоён этди ва ўз юрти манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилди. У империя маъмурлари билан моҳирона музокаралар олиб бориб, ўз билимдонлиги билан уларнинг ҳурматини қозонишга муяссар бўлди [19].

Амир Музаффархон унинг хизматларини муносиб баҳолаб, 1868 йилда амирликнинг олий нишонаси бўлган "Ўроқ" унвонини берди ва салтанатда катта

бир лавозимни эгаллашни таклиф қилди.

Амир Насрулло вафотидан сўнг тахтга ўтирган Музаффархон (1860-1885) Аҳмад Донишга илтифот кўрсатиб, уни ўзининг шахсий мунажжими этиб тайинлайди. Аҳмад Донишнинг зиммасига амирнинг тушларининг хосиятини баён этиб бериш вазифаси юклатилади [16, С.94].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, амирлик амалдорлари тушлар баёни орқали ўзларининг келажакларини билишни истар эдилар. Хусусан, 1832 йилнинг 27 июнида Бухоро шахрига ташриф буюрган (инглиз айгоқчиси) ва Қушбеги қабулида бўлган Александр Борнс бу тўғрисида ишончли маълумот беради. Қабул жараёнидаги ўзаро суҳбатда саёҳатчи юлдузларни кузатишни ёқтиришини ҳамда ўзи билан дурбин (осмон жисмларини кузатувчи асбоб) олиб келганини айтади. Шунда Қушбеги юлдузларга қараб уни келажagini ҳамда келгуси йилда буғдой нархи қанча бўлишини башорат қилишни сўрайди. Саёҳатчи эса, у бундай илмга эга эмаслигини ва бу имконсиз эканлигини қушбегига тушунтиради. Қушбеги эса бундан ранжийди [7, С.385].

Петербург сафарларидан сўнг қаламига мансуб илк асарлардан бири "Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида"ги рисола ҳисобланади. Ушбу рисола 1875 йилда вужудга келган бўлиб, у Аҳмад Донишнинг сиёсий билимларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. А.Дониш ушбу асарида ўз замонасининг сиёсий ва ижтимоий муаммоларини акс эттириб, уни амир Музаффархонга (1860-1885) билдиради. Амир ушбу асар билан танишгунига қадар Аҳмад Донишга ўз ҳукуматида юқори мансабларидан бирини эгаллашни таклиф этган эди. Бироқ, Аҳмад Дониш амирнинг таклифига агарда амир ҳукумати таркиби, тузилиши ҳамда ислоҳотларни юқорида келтирилган рисолада баён этилганидек, амалга оширилишига руҳсат берилсагина, унинг таклифини қабул қилишини билдиради.

Амир Аҳмад Донишнинг ушбу рисоласи мазмуни билан танишиб, газабланади ва "мен уни Русияга элчилар сафида котибликка юбордим. У эса менга ўргатишга жазм этди"- дейди. Буни эшитган Дониш ўзига хос ултиматум қўйгандек, - "Мен эса бу аҳмоқ эшакмиялар хизматида бўлишни ҳам хохламайман"- деб, жавоб қайтаради [18, С.83].

Аҳмад Донишнинг шу билан ўз ихтиёрига кўра сарой хизматида бўлишдан воз кечади. Садр Зиёнинг таъкидлашича, Аҳмад Дониш бир муддат давомида Ғузор, Зиёвуддин ва Вобкент туманларида қозилик, шунингдек, вақфдан келадиган даромаддан тўланадиган оз миқдордаги маош эвазига Жаъфархўжа мадрасасида китобдорлик вазифасини бажаради [16, С.99].

Шундай қилиб, 1880 йиллар ўрталарига келиб у бутунлай давлат хизматидан воз кечади. Давлат арбоби сифатидаги фаолияти ўз ниҳоясига етган бўлсада, мустақил фаолият юриб ижодий фаолиятида янги давр бошланади. Мир Араб мадрасасидан бир ҳужра олиб, шогирдлар тайёрлаб, талабаларга дарс ўта бошлайди. Хаттотлик, мусиқа, тарихнавислик, астрономия илми билан жиддий машғул бўлади. Махсус таклиф билан ҳафтада бир марта ўз лойиҳаси асосида барпо этган Жаъфархўжа гузаридаги хонадонида ўтиришлар ташкил этишни ва ўз атрофида замонанинг илғор маърифатпарварлари, маслакдошларини йиғишни одатлайди. Бундай маърифатпарварлик йиғинлари одатда латифагўйлик, мушоара ҳамда хонанда ва созандалар иштирокида мусиқа садолари остида ўтар эди. Аҳмад Дониш бундай мажлисларни кузатишни хуш кўрар, бироқ уларга қўшилмай, ўзининг севимли машғулоти китобатлик, лавҳа ва жадваллар чизиш билан машғул бўлар эди [2, Б.32].

Аҳмад Дониш хонадонида бир неча бор меҳмон бўлган лавҳакаш мулла Муҳиддиннинг маълумот беришича аллома ўз хонадонига ташриф буюрган берча меҳмонларини ҳам хуш кўра вермаган. Унинг уйи болохоналик бўлиб, келувчиларни катта кўчадан ўзининг тор кўчасига бурилгандаёқ кўрган. Агар келувчилар ўзига ёқмайдиган одамлар бўлсалар, у зинадан тушиб, пастки айвончадаги эшикдан бошқа хонага ўтиб, ўзини касалликка солиб ётган. Бироқ, меҳмонларнинг иззат-икромини ўз ўрнида қўйиш одати бўлган [1, Б.214].

Аллома хонадони доимо замона зиёлилари билан гавжум бўлган. Аҳмад Дониш ташриф буюрувчиларнинг суҳбатидан зерикса ва ёлғиз ўтириб бирор илмий масала устида фикр юритмоқчи бўлса, Мир Араб мадрасасига келиб, ўзи ижарага олган ҳужрасида бир кеча тунаб, эртасига яна ўзининг турар жойига қайтар эди [1, Б.205].

Аҳмад Дониш "Наводир ул вақоеъ"да бу ҳақда қуйидагича ҳикоя қилади: "Мен ёлғиз қолсам юрагим сиқилади, бошимга фикр келмайди, қўлим ишга бормайди. Аммо дўстлар менинг уйимга йиғилиб, суҳбат, ўйин билан шуғуллансалар, фикрим очилади, ишга рағбат пайдо бўлади, бундай чоғларда жуда унумли иш қиламан. Бошқа китобат ёзувчилар хилватроқ ўрин ахтарсалар, мен бўлсам кўпчилик ўртасида ўртоқларим ҳузурда бўлган чоқларимда олий маънолар эсимга келиб, яхшироқ асарлар яратар эдим" [8, Б.35].

Аҳмад Дониш моҳир рассом ҳам эди. С. Айнийнинг гувоҳлик беришича, у чизган расмлар ўзининг моҳирлиги билан кишини завқлантирган. Таъкидлашча, Аҳмад Донишнинг шогирди Ҳомидбек унга Мирзо Анвар номли Бухорода бир неча вақт бош миршаблик қилган кўкнорининг расмини кўрсатади. Аҳмад Маҳдум бу расмнинг остига ўз қўли билан: "Агар бу кўкнори яна бир йил Бухорода миршаблик қилса, шаҳар ўғрига тўлади" деб, ёзиб қўйган бўлган. Шунингдек, С.Айний Аҳмад Маҳдум ўзининг рассомчилик санъатидаги моҳирлигини "Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулайҳо" каби ишқий-афсонавий дostonларда намоён этганлигини, хусусан расм ва лавҳалар билан безаган "Юсуф ва Зулайҳо" сюжети муносиб баҳоланиб, уч юз пуд буғдойга сотилганлиги тўғрисида маълумот беради [4, Б.200].

Аҳмад Дониш саёҳатга чиқишни ҳам хуш кўрган. С.Айнийнинг гувоҳлик беришича, у ҳар йили бир маротаба айни пишиқчилик мавсумида, яъни сентябр ва октябр ойларида Бухоро туманлари бўйлаб саёҳатлар қилган. У ўз саёҳатини ота қишлоғи Сўғдан бошлаб, Шофиркон туманининг Кошиён қишлоғи, у ердан Гиждувонга, сўнгра Сарикўли эшон билан Зарафшондан ўтиб, Бўстон, Ванғози, Азизобод, Ҳусбудун ва Фурбун, қишлоқлари орқари Мазор дарвозасидан қайтиб шаҳарга кириб келар эди [2, Б.36-37]. Ушбу саёҳатларда Аҳмад Дониш мамлакат ободончилиги, деҳқонларнинг аҳволидан яқиндан хабардор бўлар ва ўз навбатида уларнинг турмуш-тарзидан таҳвишга тушиб, мамлакатда ислохотларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида мулоҳазалар қилар эди. Таъкидлаш лозимки, у амирлик бўйлаб амалга оширадиган саёҳатларида ижод билан шуғулланмас, аксинча, оддий халқ билан кўпроқ мулоқотда бўлишни афзал билар эди. Бироқ, саёҳатдан қайтиши биланоқ, ижодий фаолиятга киришиб кетар эди.

1891 йил 15 майда Россия сиёсий агентлигининг қистови билан амир Абдулаҳадхон фармонида кўра Бухорода жами 15 ўриндан иборат биринчи "Рус тузем шифохонаси" ташкил этилади [20]. Аҳмад Дониш ҳазм қилиш билан боғлиқ сурункали қабзият касаллигининг безота қилиши сабабли 1895 йиллар бошларида тоби қочиб қолади. Маҳаллий аҳоли вакиллари билан фарқли ўлароқ, янги

фикрлайдиган Аҳмад Дониш шайх Жалол дарвозаси олида жойлашган лазаретнинг биринчи бош врачлари Пензяков Иосиф Фёдоровичга мурожаат этади ва унинг қарамогига даволанади [5, Б.48-50]. И.Ф. Пензяков империя ҳузурдаги Москва университетининг тиббиёт факультетини тамомлаган (1889 йил) ва ҳали ўша йиллари жуда ёш бўлишига қарамасдан Бухоро амирлиги ҳудудида вабо эпидемиясига қарши профилактик тадбирларни самарали олиб боргани учун 3-даражали "Муқаддас Станислав" ордени билан мукофотланган эди [21]. Даволаниш тадбирлари олиб борилишига қарамай, Аҳмад Дониш 1897 йилнинг март ойи бошларида 70 ёшида вафот этади, аллома юксак эҳтиром билан Бухоро шаҳридаги даҳмайи Беҳиштиён (Хўжа Исҳоқ) қабристонига дафт этилади.

Садриддин Айний Аҳмад Донишнинг тахминан 60 ёшлари атрофидаги қиёфасини тасвирлашча, у узун бўйли бўлиб оддий одамлар кийганда ерга тегадиган подшоҳлик банорас чопони тиззасигача келган. Унинг гавдаси тўлиқ бўлганлигидан бўйининг узунлиги унча сезилмас ва биринчи қарашда ўрта бўйли одамлардай кўринган (бўйи тахминан 192 см бўлган). Боши одатдан ташқари катта бўлиб, бўйи тўла бўлгани ҳолда йўл юрганда ўзини уён-буёнга эгиб, кўлида доимий равишта ҳасса тутган ҳолда ҳаракатланган. Туси буғдой ранг, юзи тўла ва силлиқ, қора кўзли, қошлари узун, жиддий нигоҳли киши бўлган. Соқоли ўртача бўлиб, оқ туклари қорасидан кўпроқ бўлган [4, Б.199-200].

А.Дониш умри давомида бир марта уйланган ҳамда никоҳидан бир нафар ўғил ва қизни вояга етказган. У ўз ҳунарини фарзандларига ҳам ўргатган. Жумладан, ўғли отаси каби хаттотлик, жадвал ва лавҳакашлик ҳунарини эгаллангандан кейин уйлангач, алоҳида яшаган ва шу ҳунардан келадиган даромаддан оиласининг тирикчилигини таъминлаган. Қизини эса астрономик тадқиқотларни олиб боришда ҳамроҳлик қиладиган ўзининг моҳир шогирдига турмушга бериб, уни ички куёв қилиб олган. У айни пайтда оиланинг хўжалик ишларини ҳам бошқарар, қизи эса уй юмушларини бажарар эди.

Таъкидлаш лозимки, XX аср ўрталарига қадар хаттотлик (каллиграфлик) ҳунарига ниҳоятда талаб катта бўлган. Ўрта асрларда ҳали босма китоб чоп этиш ихтиро этилмаган даврда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинган. Китоб кўчириш илм даражасидаги ҳунар ҳисобланиб, бу иш билан шугулланган кишилардан юксак маҳорат ва нафислик талаб этилган. Уларни эгалланган хаттотлар ва мирзалар (котиблар) номи билан машҳур бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз замонасининг маърифатли арбоби саналган. Табиийки, зарринқалам эгалари ёзган ҳар қандай хат санъат мўжизаси каби ўлмас асар ҳисобланган [24, Б.9].

Шундай қилиб, Аҳмад Дониш ўта машаққатли шу билан биргаликда мазмунли умр йўлини босиб ўтиб, энциклопедист олим бўлиб етишди. Замондошлари олимнинг серқирра фаолияти ҳар соҳадан дарак беришини таъкидлаш учун унга "Аҳмади Махдум" (Махдум сўзининг луғавий маъноси - Ҳазрат, Хожа, Эшон бўлиб, замонанинг зиёли ва обрўли инсонларига нисбатан қўлланилган), "Аҳмади Махдуми Дониш", "Аҳмади Дониши муҳандис" (ҳандасадон-геометр), "Аҳмади Махдуми Мунажжим" ва "Аҳмади Калла" сингари турли-туман тахаллуслар беришди. Бу унинг кенг тафаккури, чуқур билими ва беқиёс қобилият эгаси эканлигидан далолат беради.

Шу билан биргаликда, Аҳмад Донишнинг серқирра фаолияти ва беқиёс қобилияти замондошлари томонидан юксак эътироф этилди. Хусусан, аллома билан яқиндан маслакдош бўлган Шарифжон Махдум (Садр Зиё) ўзининг "Наводири зиёия" асарида: - "сураткашликда Беҳзоду Моний, фалакшуносликда

Улуғбек Кўрагоний, хаттотликда Мир Али, лавҳакашликда Мир Шофеъи, табобатда Ибн Сино, шеърнависликда Саъдий Шерозий ҳамда саховатпешаликда Ҳотами Той эди" - деб таърифлаб, унинг барча хунарлардан хабардор эканлигини эътироф этади [17, Б.47]. С.Айний "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарининг "Илмий инқилобга ҳозирланиш" номли бўлимида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий вазиятни танқид қила туриб, шандай бир шароитда Аҳмад Донишни "қоронғу кечаларнинг охирларида йилтиллаб туққан тонг юлдузидек, Бухоронинг қоронғу уфқларидан чиққан бир юлдуз" [3, Б.25] - деб, алломага юксак баҳо беради.

3. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот орқали Аҳмад Донишнинг ҳаёт йўли яхлит бир ҳолатга келтиришга ҳаракат қилинди. Бухоро амирлигида ниҳоятда мураккаб бир вазият ҳукм сураётганлигига қарамай, ўз даврининг донишманди бўлиб етишганлиги асослантилди. Босиб ўтган ҳаёт йўлининг ҳар бир даврдаги синовлари уни янада камол топишига замин яратиб борди. Натижада, у мамлакатда ислохотларни амалга ошириш, халқни маърифатли қилишга қаратилган йигирмадан ортиқ бой илмий мерос манбаларини қолдирди. Улар ўз навбатида кейинги авлод вакилларининг шаклланишида ўзининг таъсирини ўтказди. Таъкидлаш лозимки, алломанинг айрим асарлари ўзбек, рус, тожик ва инглиз тилларида қисман таржима қилинган бўлсада, ҳали ўз ниҳоясига етказилмаган ва илмий жиҳатдан ўрганилмаган ҳамда улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Айний С. Асарлар. 8 томлик. V том. - Тошкент: Бадиий санъат, 1965. - 311 б. (Ayniy S. Works. 8 drops. V full. - Tashkent: Art, 1965. - 311 p.)
- [2] Айний С. Асарлар. 8 томлик. VI том. - Тошкент: Бадиий санъат, 1965. - 240 б. (Ayniy S. Works. 8 drops. VI full. - Tashkent: Art, 1965. - 240 p.)
- [3] Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Назир Тўра қул ўглининг сўз бошиси билан. - Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти. 1926. -256 б. (Ayniy S. Materials for the history of the Bukhara revolution. Nazir Tu'ra with the word head of the slave. - Moscow: Central Publishing House of the peoples of the USSR. 1926. - 256 p.)
- [4] Айний С. Эсдаликлар. - Тошкент: Ўз ССР Давлат нашриёти, 1953. - 310 б. (Ayniy S. Souvenirs. - Tashkent: State publishing house of the USSR, 1953. - 310 p.)
- [5] Аҳмедов Р., Наимов Н. Бухоро тиббиёти тарихи. - Бухоро: "Бухоро", 2009. - Б. 48-50. (Ahmedov R., Naimov N. History of Bukhara medicine. - Buxoro: "Buxoro", 2009. - 150 p.)
- [6] Бертельс Е. Рукописи произведений Ахмада Каллэ. Труд Таджикской базы. - М.: АН СССР, 1936.- 385 с. (Bertels E. Manuscripts of the works of Ahmad Kalle. The work of the Tajik base. - M.: "AS USSR", 1936. - 385 p.)
- [7] Борнс А. Путешествие в Бухару. - Москва.: П.В. Голубкова, 1848. - 502 с. (Borns A. Travel to Bukhara. - Moscow: P.V. Golubkova, 1848. - 502 p.)
- [8] Дониш А. Наводирул вақое. Форс тилидан А.Ҳамроев ва А.Шокиров таржимаси. - Тошкент: Фан, 1964. - 411 б. (Danish A. Nawadirol waqae. From the persian language translal A.Namroev and A.Shokirov. - Tashkent: Science, 1964. - 411 p.)
- [9] Дониш А. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Қиёмиддин Йўлдошев таржимаси. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий

энциклопедияси", 2014. - 144 б. (Danish A. A brief history of the pamphlet or House of mangites. Translated from Q.Yoldashev. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2014. - 144 p.)

[10] Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. Перевод с таджикского М.Н. Османова и Л.Н. Демидчика. - Сталинобад: Таджикиздат, 1960. - 300 с. (Danish A. Travel from Bukhara to St. Petersburg]. Translators M.N. Osmanova and L.N. Demidchik. - Stalinabad: Tadjikizdat, 1960. - 300 p.)

[11] Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - Москва.: "Восточная литература", 2003. - 320 с. (Vambery A. Journey through Central Asia. - Moscow: Oriental literature, 2003. - 320 p.)

[12] Зияева Д. XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистон мадрасаларида таълим дастури муаммолари // "Ўтмишга назар" (Тошкент), 2019. - №1. (Ziyaeva D. Problems of the educational program in the madras's of Uzbekistan at the end of XIX-beginning of XX century // "Look to the past" (Tashkent), 2019. -№ 1.)

[13] Костенко Л.Р. Путешествие в Бухару русской миссии. (С маршрутом от Ташкента до Бухары). - С-Петербург: Издание Бортневскаго, 1871. - 108 с. (Kostenko L.R. Travelling to Bukhara russian mission. (With a route from Tashkent to Bukhara). - S.Petersburg: Edition Bortnevskago, 1871. - 108 p.)

[14] Мирзо Бедил. Ҳайрат ойнаси. Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Эргаш Очиллов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - 152 б. (Mirza Bedil. The mirror of amazement. Taker, the beginning of the speech and the author of the comments Ergash Ochilov. - Tashkent: Uzbekistan, 2011. - 152 p.)

[15] Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий - фалсафий тафаккури тарихидан (XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг бошлари) -Тошкент: ЎзССР ФА, 1960. - 290 б. (Muminov I. From the history of socio - philosophical thought of Uzbekistan (late XIX and early XX centuries) -Tashkent: UzSSR FA, 1960. - 290 p.)

[16] Ражабов З. Маорифпарвар Ахмади Дониш. - Душанбе: Ирфон, 1976. - 308 с. (Rajabov Z. Education man Ahmed Danish. - Dushanbe: Irfon, 1976. - 308 p.)

[17] Садр Зиё. Наводири Зиёия. - Душанбе: Адиб, 1991. -124 с. (Sadr Zieh. Navodiri ziyoiya. - Dushanbe: Adib, 1991. - 124 p.)

[18] Ташкулов Д. Из истории политических и правовых учений XVII-XVIII вв. - Москва: Юридическая литература, 1989. -172 с. (Tashkulov D. From the history of political and legal doctrines XVII-XVIII centuries. - Moscow: Legal literature, 1989. - 172 p.)

[19] "Туркестанские ведомости", 1874 йил 12 февраля. - №7. (Turkestan Gazette, 1874, February 12. - №7.)

[20] ЎМА, И-1-фонд, 29-рўйхат, 986-йифма жилд, 14-варақ. (SSA RUz, Fund -I-1, List-29, Work-4986, Page 14.)

[21] ЎМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 49-йифма жилд, 10-11-варақлар. (SSA RUz, Fund -I-3, List-1, Work-49, Pages10-11.)

[22] ЎМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 98-йифма жилд, 1-10-варақлар. (SSA RUz, Fund -I-5, List-1, Work-98, Pages1-10.)

[23] ЎМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 229-йифма жилд, 1-варақ. (SSA RUz, Fund -I-5, List-1, Work-229, Page 1.)

[24] Раззоқов А. Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъатидан намуналар VII-XXI асрлар (Мусанниф бисотидан). - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - 327 б. (Razzakov A. Samples from the Eastern art or calligraphy and miniature The VII-XXI centuries. - Tashkent: Uzbekistan, 2011. - 327 p.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№2 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000